

ХОЖА ИСМАТ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЖАНРЛАРИ, УСЛУБИ ва БАДИИЯТИ

Истиқол илм-фан заҳматкашларига кенг имкониятлар яратиш баробарида улар олдига янгидан-янги долзарб муаммоларни ҳам кўндаланг қилиб қўяётир. Фақат миллий мустақилликка эришилгандан сўнггина маънавий сарчашмаларимизга ўзликни англаш, қадрлай билиш, миллий ғурур туйғусини тарбиялашда муҳим аҳамиятга молик ижтимоий-маънавий восита сифатида теранроқ қарала бошланди. Юртбошимизнинг: “Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз”, [6,524] тарзида таъкидлагани муҳим аҳамият касб этмоқда. Ватанимиз худудида яшаб фаолият кўрсатган ижодкор бобокалонларимиз маънавий меросини ўрганиш ва тадқиқу тарғиб этиш шиддатли тус олди. Айни дамгача бу борада талай салмоқли илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада, лекин ҳали ечимини, ишланишини кутаётган масалалар ҳам кам эмас.



Сұхробжон Рамазонович БОБОКАЛОНОВ,
Адабиётшунос олим, филология фанлари
номзоди, доцент. Бухоро давлат университети
тадқиқотчиси.



Globe
EDIT

ХОЖА ИСМАТ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЖАНРЛАРИ, УСЛУБ

Сұхробжон Рамазонович БОБОКАЛОНОВ

Globe
EDIT



Сұхробжон Рамазонович БОБОКАЛОНОВ

ХОЖА ИСМАТ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЖАНРЛАРИ, УСЛУБИ ва БАДИИЯТИ

Монография

Сухробжон Рамазонович БОБОКАЛОНОВ

**ХОЖА ИСМАТ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЖАНРЛАРИ, УСЛУБИ ва
БАДИИЯТИ**

FOR AUTHOR USE ONLY

Суҳробжон Рамазонович БОБОКАЛОНОВ

**ХОЖА ИСМАТ
ШЕЪРИЯТИНИНГ
ЖАНРЛАРИ, УСЛУБИ ва
БАДИИЯТИ**

Монография

FOR AUTHOR USE ONLY

GlobeEdit

Imprint

Any brand names and product names mentioned in this book are subject to trademark, brand or patent protection and are trademarks or registered trademarks of their respective holders. The use of brand names, product names, common names, trade names, product descriptions etc. even without a particular marking in this work is in no way to be construed to mean that such names may be regarded as unrestricted in respect of trademark and brand protection legislation and could thus be used by anyone.

Cover image: www.ingimage.com

Publisher:

GlobeEdit

is a trademark of

Dodo Books Indian Ocean Ltd., member of the OmniScriptum S.R.L Publishing group

str. A.Russo 15, of. 61, Chisinau-2068, Republic of Moldova Europe

Printed at: see last page

ISBN: 978-613-8-24059-4

Copyright © Суҳробжон Рамазонович БОБОКАЛОНОВ

Copyright © 2022 Dodo Books Indian Ocean Ltd., member of the OmniScriptum S.R.L Publishing group

FOR AUTHOR USE ONLY

БОБОКАЛОНОВ СУХРОБЖОН РАМАЗОНОВИЧ

**ХОЖА ИСМАТ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЖАНРЛАРИ, УСЛУБИ ва
БАДИЯТИ**

Монография

БОБОКАЛОНОВ СУХРОБЖОН РАМАЗОНОВИЧ

**ХОЖА ИСМАТ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЖАНРЛАРИ, УСЛУБИ ва
БАДИИЯТИ**

Монография

Илмий раҳбарим филология фанлари доктори, профессор
Р.Ж.ВОҲИДОВнинг порлоқ хотирасига бағишилайман

Ушбу монография Бухоро давлат университети илмий-техник
кенгаши томонидан нашр этишга тавсия этилган

2022

Annotation

In the second half of the 14th century and the beginning of the 15th century, one of the great representatives of the Bukhara literary environment was Khoja Fakhreddin Ismatullah bin Mas'ud Bukhari. Hoja Ismat, mentioned in classical sources as a potential and brilliant artist, has left a rich and beautiful spiritual legacy. In the course of the research, a comparative study of the manuscripts composed from the works of this gifted penman revealed that the poetic masterpieces donated by his magic pen are about twenty thousand lines. Khoja Ismat, who tried his hand in the genres of Eastern literature such as ghazal, muhammas, musaddas, musamman, mustazad, qasida, rubai, qita, composition, tarje'band, fard, problem, chiston, marsiya, masnavi, pays special attention to the scope of themes, ideas and images. based on the leading socio-political, moral-spiritual, divine-mystical ideas of his time, he left a legacy of beautiful pandoma. In the literary environment of Bukhara, the homeland of the great poet, deep socio-political, moral-spiritual, philosophical-enlightenment, divine-mystical views were deeply rooted in the literary environment, which had a positive impact on the worldview of Khoja Ismatullo Bukhari. This is probably why, although the verses of this thinker-poet seem fluent and seemingly simple, the inner ideas that underlie them attract the attention of any reader. It gives them artistic and spiritual pleasure and helps to strengthen their passion and love for life.

In the course of our research, it became clear that the manuscripts of the poet and the poems in the comparative divan published by the Iranian orientalist Ahmad Karami in Iran have clarified some aspects of the personality and family life of Khoja Ismat Bukhari. In the course of the analysis of these data, it was revealed that the poet had five children and divorced his four sons prematurely. Not only that, the poet, who gave his only daughter to Ulugbek Mirzo's younger brother Ibrahim Sultan, suffers greatly from the fact that the child was not born in the new family and failed.

М у н д а р и ж а

Кириш.....	5
-------------------	----------

1- БОБ

ХОЖА ИСМАТ БУХОРИЙ ВА ТУРКИГҮЙ ЗАМОНДОШЛАРИ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЖАНРИЙ ТАРКИБИ

1.1. Хожа Исмат хаёти ва ижодига доир янги маълумотлар.....	13
1.2. XIV аср II ярми ва XV аср I ярмида назмий жанрлар тараққиёти ва Хожа Исмат шеърияти.....	26
1.3. Хожа Исмат ғазал ва мусамматларининг жанрий хусусиятлари.....	39
1.4. Хожа Исмат ва Саккокий қасидаларининг ўзига хослиги, мавзу ва ғоялар олами.....	47

2- БОБ

ХОЖА ИСМАТ ВА ТУРКИГҮЙ ЗАМОНДОШЛАРИ ШЕЪРИЯТИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1 Услуб адабиётшунослар талқинида.....	62
2.2 Хожа Исмат ва туркигүй замондошлари ғазалларининг айрим услубий хусусиятлари.....	74
2.3 Хожа Исмат ва Саккокий қасидаларидаги услубий уйғунлик.....	83
2.4 Зуллisonайнлик анъанаси ва услуб.....	93

3- БОБ

ХОЖА ИСМАТ ВА ТУРКИГҮЙ ЗАМОНДОШЛАРИ ШЕЪРИЯТИНИНГ БАДИИЯТИ

3.1. Давр шеъриятининг мавзу, ғоя ва образлар олами.....	102
3.2. Шоирнинг ғоявий нияти ва маънавий санъатлар.....	117
3.3. Шеър бадииятини юзага чиқаришда лафзий санъатларнинг ўрни.....	131
Хулоса.....	142
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	147

КИРИШ

Истиклол илм-фан захматкашларига кенг имкониятлар яратиши баробарида улар олдига янгидан-янги долзарб муаммоларни ҳам қўндаланг қилиб қўяётир. Фақат миллий мустақилликка эришилгандан сўнггина маънавий сарчашмаларимизга ўзликни англаш, қадрлай билиш, миллий ғурур туйгусини тарбиялашда мухим аҳамиятга молик ижтимоий-маънавий восита сифатида теранрок қарала бошланди.

Юртбошимизнинг: “Мустақиллигимизнинг дастлабки қунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда мухим вазифа бўлиб қолди. Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб хисоблаймиз”,^[6,524] тарзида таъкидлагани мухим аҳамият касб этмоқда.

Ватанимиз худудида яшаб фаолият кўрсатган ижодкор бобокалонларимиз маънавий меросини ўрганиш ва тадқику тарғиб этиш шиддатли тус олди. Айни дамгача бу борада талай салмоқли илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада, лекин ҳали ечимини, ишланишини кутаётган масалалар ҳам кам эмас. Жумладан, жаҳон тамаддуни тараққиётiga улкан хисса қўшган, умумхалқ меросига айланиб улгурган ижодкор аждодларимизнинг адабий мероси бир тарафлама таҳлилу тарғиб қилинди, холос. Шундай гапни ўзидан салмоқли ва бебаҳо адабий мерос қолдирган Хожа Исмат Бухорий ҳакида ҳам айтиш жоиздир.

Миллий истиқлол шарофати туфайли адабий асарларни чинакам бадиият тамойиллари асосида ўрганиш имконияти вужудга келди ва Хожа Исмат Бухорий қолдирган асарларга янгича нуктаи назардан караш, баҳо беришини даврнинг ўзи такозо қиласига қўяётир. Хожа Исмат ижодига доир биринчи

жиддий илмий тадқиқотнинг А.Мирсафоев томонидан амалга оширилганлигига кирк йилдан зиёдрок давр ўтганлиги, шоирнинг эътибордан сокит қолган ва илмий муомалага киритилмаган асарлари топилганлиги назарда тутилса, мазкур диссертация мавзунинг долзарблиги янада аёнлашиб қолади. Айни чокда шоирнинг қўлимизда мавжуд бўлган қўламдор ва назмнинг турли шеърий шаклларида ижод этилган адабий меросини Хурросону Мовароуннахрда яшаган туркигўй шоирлар ижоди билан киёсий ўрганиш Хожа Ислом давридаги адабий жанрлар тараққиётини белгилаш, услугуб ва бадиият масалаларини кенгроқ ёритиш имконини беради. Хожа Ислом Бухорийнинг темурий ҳукмдору шахзодалар, нуфузли илоҳиёт вакилларига бағишлиланган, манбаларда қайд этилишича, 90 дан ортик қасидаси мавжудлиги, улардан бугунги кунда 81 тасининг қўлга киритилганлиги, шоир билан елкама-елка ижод этган туркигўй сўз санъаткори Саккокийнинг қасиданависликда шуҳрат топганлиги фикримизни кувватлантиради.

Хожа Ислом Бухорий ҳаёти ва ижодига доир илк маълумотларни Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкираси ва “Мезон ул-авzon” асарларида учратамиз. Шунингдек, XV-XVIII асрларнинг муаррих ва тазкиранависларидан Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”, Али Тақиуддин Кошонийнинг «Хулосат ул-ашъор ва зубдат ул-афкор”, Амин Аҳмад Розийнинг “Ҳафт иқлим”, Абдулло Кобулийнинг «Тазкират ут-таворих», Мирсаид Роқим Самарқандийнинг “Тарихи касира”, Лутфалибек Озарнинг “Оташкада” асарларида ҳам Хожа Ислом ҳақида айтилган қизиқарли маълумотларга дуч келамиз.¹

¹Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. ЎзФА ШИ, № 53. –Б. 361; Абдураҳмони Ҳомб. Баҳористон. Душанбе: Адаб, 1987. –Б. 37; Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 13 том. –Т.: Фан, 1997. –Б. 61; Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. –Т.: 2000. –Б. 91; Али Тақиуддин Кошоний. Хулосат-ул-ашъор ва зубдат-ул-афкор. Санкт-Петербург оммавий кутубхонаси қўлзўмалар фонди. Инв. рак. 321. –Б. 70 а; Абдулло Кобулий. Тазкират-ут-таворих. ТожФА ШИ, № 138; Амин Аҳмад Розий. Ҳафт иқлим. ТФАШИ, № 140.–Б. 404; Шарафуддин ибн Аълам. Таърихи касира. СамДУ, № 176502.–Б. 38.

Бирок кейинги даврларда қалам сурган муаллифлар Давлатшоҳ Самарқандий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоийлар ва Али Тақиуддин Кошонийнинг фикр-мулоҳазаларидан ташқарига чиқа олмаган.

Юқорида саналган мумтоз маинбаларга мурожаат этган XIX-XX асрларда фаолият кўрсатган шарқшуносу адабиётшунослардан А.Кримский, Херман Вамбери, Ян Рипка, Эҳсон Ёршотир, Аҳмад Карамий, Л.И.Климович, Т.Г.Шевченко, И.С.Брагинский¹ каби тадқиқотчилар ҳам Ҳожа Исмат ҳакидаги ижобий фикр-мулоҳазаларини ёзиб колдирганлар. Масалан, инглиз шарқшуноси Эдуард Браун “Эрон адабиёти тарихи” асарида Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират-уш-шуаро”сига таяниб, Ҳожа Исматнинг Ҳаёлий Бухорий ва Бисотий Самарқандийга устозлик қилганини, Рустам Ҳурёний, Тоҳир Обивардий ва Бурундуқ Бухорийларнинг замондоши бўлганлигини эътироф этган.

XX асрга келиб шоир ҳаёт ва фаолиятини ўрганишга доир силжишлар назарга ташланади. Жумладан, С.Айний, Е.Э.Бертельс, А.П.Қаюмов, А.Семенов, А.Мирзоев, Э.Р.Рустамов, В.Абдуллаев, Х.Мирзозода, А.Мирсафоев, А.Жонфидо, Т.Қораев, Р.Воҳидовларнинг ишларини тилга олиш жоиздир².

¹ Брагинский И.С. Из истории таджикской народной поэзии, –М.: 1956; Крымский А. История Персии, её литературы и дервишеской теософии. –М.: 1914-1917. –С.116; Климович Л.И. Хрестоматия по литературе народов СССР. –М.: 1947; Шевченко Т.Г. Назар дар таърихи адабиёти тоҳик. –Душанбе: Ирфон, 1966. –Б. 152-170; Зелинский.К.Н Литература народов СССР. –М.: 1957. –Б. 266; Ян Рипка. История персидской и таджикской литературы, –М.: “Прогресс”, 1970. –С. 264-270.

² Айнӣ С. Намунаи адабиёти тоҳик. –М.: 1926. –Б. 77-129; Бертельс.Е.Э. Навон и Джами. –М.: 1965, –С.58; Бертельс.Е.Э История персидско-таджикской литературы. Избранные труды. Издательство восточной литературы. –М.: 1960. –С.360; Бертельс.Е.Э. Литература народов Средней Азии. журн. “Новый мир”. 1939, №9. –С.279-280; Рустамов Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине XV века, –М.: 1963, –С. 34; Мирзоев А. Явокеи мухимми таърихи дар боран масъалан ҳаёти адабии мо “Шарқи сурҳ”, 1949. №3; Абдуллаев В. Навоий Самарқандда// Улуг' ўзбек шоири. Тӯплам, ЎзФА нашириёти, –Т.:1948, –Б.77; Қаюмов А.П. Қўйкон адабий мухити. ЎзФА нашр,–Т.: 1961. –Б.350; Мирсафоев А. Ҳоджа Исмат Бухори и его творчество. ДКН. Самарқанд, 1971. –С.280; Т. Қораев. Ҳўжа Исматулло Бухорий. БуҳДПИ нашириёти. Бухоро 1990. –Б.5; Қораев Т. Навоий ва буҳоролик шоирлар “Гулистан”, 1968, № 3, –Б.15; Ҳожа Исмат Бухорий “Гулистан”, 1970. № 9, –Б.20-21; Р.Воҳидов. XV аср 2-ярми XVI аср бошларидан ўзбек ва тожик шеърияти. “Фан”. –Т.: 1983. –Б.66-67; Р. Воехидов. Ҳожа Исмат-зуллисонайн шоир. Йиллардан колганд маънавий ёдгорлик (Илмий мақола, такриз ва хотиралар тўплами.) Заркалам. –Т.:2006. –Б.21.

Хожа Исматга замондош Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий ва Хоразмийлар хаёти ва ижоди адабиётимизнинг забардаст олимлари томонидан ўрганилган.¹

XX асрнинг 70-йилларида тадқиқотчи А.Мирсафоев Хожа Исмат Бухорий ҳақида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Тадқиқотда Хожа Исмат Бухорийнинг ҳаётий фаолияти, адабий меросининг мундарижаси, даврнинг ижтимоий-сиёсий холати яхши таассурот қолдирадиган шаклда тадқиқ этилган. Шоир шеъриятининг мавзуу, ғоя ва образлар олами, уларнинг рамзий моҳиятини илмий ўрганилиши борасида бундай хulosага келиб бўлмайди. Диссертант масалани шўро мафкураси тамойиллари нуқтаи назаридан ўргангани боис ишга шундай ёндашиш ва муносабат билдиришга мажбур эди. Буни тадқиқотчининг “шоир шеъриятида тасаввуф мавзусини ёритиш имкониятига эга эмасмиз” тарзида таъкидлаб, диссертация фаслларидан бирини “Исмат ижодида даҳриён оҳанглар” тарзида белгилаб олганлигидан равшан кўриш мумкин. Миллий истиқолимиз яратиб берган кенг имкониятлар, бунинг самараси ўлароқ Хожа Исмат Бухорий янги девонларининг аниқланиши, айниқса, шоир ва унинг таникли туркигўй замондоши Саккокийнинг темурийларга бағишлиб қасида жанрида ёзган асарлари, умуман, бадиий адабиётга бадиият тамойиллари нуқтаи назаридан баҳо бериш заруратининг кун тартибига чиқиши бу улуғ мутафаккирлар ижодига янгича ёндашув, асарларини шу йўсинда таҳлилу тадқиқ қилишни тақозо килмоқда.

Мазкур монография олдида куйидаги вазифалар қўйилган:

¹ Рустамов Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине XV века, –М.: Просвещение, 1963. –С.34-137, Иzzat Султон. Навонининг калб дафтари. Faifur Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. –Т.: 1968. –101 б, Лутфий асарлари кўллэзмаларининг каталоги. Тузувчи Эркин Ахмадхўжаев. –Т.: 1987. –131 б, Рафиддинов С. Мақоз ва ҳақикат.(Атоийнинг поэтик маҳорати) –Т.: Фан, 1995. –Б.27, Собирон Г. Творческое сотрудничество ученых Средней Азии в Самаркандской научной школе Улугбека. –Душанбе: Ирфон, 1973. –208 с, Сулеймон Ҳ. Ҳофиз Хоразмий шеъриятидан. –Т.: Ўз.КПМК нашриёти, 1980. –Б.5, Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1996. –161 б, Ҳаёт васфи/Тахр. Ҳайъати: А. Қаюмов ва бошқалар; Масбул муҳарр. Б. Рахмонов; Сўз боши Э. Ахмадхўжаевники/Ҳофиз Хоразмий, Саккокий, Атоий, Гадоий. Faifur Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. –Т.: 1988. –704 б, Vohidov R. Eshonqulov H. O’zbek mumtoz adabiyoti tarixi. Eng qadimgi davrlardan XVI asr oxirigacha. O’zbekiston uyozuvchilar uyushmasi adabiyot jaimg’armasi nashriyoti. Toshkent-2006. 528 b.

– XIV асрнинг II ярми ва XV асрнинг I ярмида Мовароуннахру Хурросон адабий мухитидаги назмий жанрлар тараққиётига Хожа Исмат Бухорий ва унинг туркигўй замондошлари кўшган ҳиссани ойдинлаштириш;

– Хожа Исмат Бухорий шеъриятининг жанрий таркибини тасниф этиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини қиёсий таҳлил жараённида белгилаш;

– Шоир ғазал ва муссамматларининг жанрий хусусиятларини унинг туркигўй замондошлари шеърияти билан муқоясавий тадқиқ этиш;

– XIV асрнинг II ярми ва XV асрнинг I ярми шеъриятидаги услугуб мавзузини ўрганиш, Хожа Исмат ва унинг туркигўй замондошлари шеъриятининг муҳим услубий жилоларини илмий тадқиқ этиш;

– Хожа Исмат ва Саккокийларнинг Улуғбек Мирзо, Халил Султон сингари темурий хукмдорларга бағишлиланган қасидаларини қиёсий таҳлилга тортиш;

– Хожа Исмат Бухорий шеъриятидаги мавзу ва фояларнинг бадиий ифодасини илмлар учлиги (аруз, кофия ва бадеъ илмлари) тамойиллари асосида тадқиқ этиш;

– Хожа Исмат ва унинг замондошлари шеъриятини анъанавий аruz вазни ва қофия илми тамойиллари асосида ўрганиш;

– Хожа Исмат ва туркигўй Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий ва Хоғиз Хоразмийлар шеъриятининг бадиий бўёқдорлиги, уларнинг ўзига хос санъаткорлик маҳоратини қиёсий ўрганиш.

Диссертация ишининг манбанини 1987 йил Техронда Аҳмад Карамий томонидан нашрга тайёрланган қиёсий девон, шунингдек, Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонаси қўлёзмалар бўлимидаги 262 рақами девон ва Бухоро шаҳридаги Санъат музейи фондида 27784/2 инвентар рақами остида сакланадиган “Девони Хожа Исмат” каби қўлёзмалар ташкил этади. Ўрни-ўрни билан ЎзРФАШИ қўлёзмалар хазинасида сакланадиган 805-х, 1435, 4313-1, 1427, 1042 рақамли девонлар ҳамда диссертация олдида қўйилган мақсад ва вазифалар тақозосига кўра Атоий, Саккокий, Гадоий,

Лутфий ва Ҳофиз Ҳоразмий асарларининг кейинги тўлдирилган нашрларига ҳам мурожаат қилинди.

Шунингдек:

- Ҳожа Исмат Бухорийнинг XIV аср охири XV аср биринчи ярмида яшаб ижоб этган улкан зуллисонайн шоир эканлиги Алишер Навоий, унинг Амир Хисрав Дехлавийга татаббуълар қилганини Нуриддин Абдураҳмон Жомий, шоир шеъриятининг темурий Шоҳруҳ саройида катта шуҳрат топганини Давлатшоҳ Самарқандий ва катор бошқа тазкиранавислар томонидан эътироф этилгани аниқ ҳамда бирламчи манбалар маълумотлари асосида ёритилди;

- Ҳожа Исматнинг тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келаётган девонларини таҳлил этиш жараёнида шоир шеъриятининг ғазал, қасида, марсия, рубоий, китъа, фард, муаммо, чистон, мухаммас, мусаддас, мусамман, мустазод, таркибанд, таржибанд, маснавий каби жанр намуналаридан таркиб топганлиги илмий жамоатчиликка маълум қилинди;

- Ҳожа Исмат Бухорийнинг янги топилган 262 инвентарь рақамли девонидаги шеърлар таҳлил жараёнига тортилиб, ҳаёти билан алоқадор мухим лавҳалар, жумладан, шоирнинг фарзандлари ҳақидаги янги маълумотлар, ижодкорнинг дилбандларидан эрта ажралиши, айни ҳаётий воқеаларнинг шоирнинг шеърияти ва дунёқарашига таъсири масалалари синчиклаб ўрганилди;

- Ҳожа Исматнинг Соҳибқирон Амир Темур, Халил Султон, Улугбек Мирзолар саройида ижод қилиш билан бирга, сарой ва мадрасада темурийзодалар ҳамда толиби илмларга шеър, аruz, иншо каби қатор фанлардан сабоқ бергани, Халил Султонга шеър санъатини ўргатиб, унинг хурматига сазовор бўлгани, Соҳибқирон Амир Темурнинг дафн маросимида марсия айтгани каби маълумотлар мумтоз манбалар асосида очиб берилди;

- Шоир ҳаётида унинг бошига тушган ва юқорида эслатилган фожеавий ҳолатлар ижодкорнинг адабий тажрибасида ўчмас из қолдирди, аллома

қалами тухфа этган сатрлар ҳамда 2000 мисрадан зиёдроқ ҳажмдаги “Иброҳим Адҳам” маснавийсида муҳрланиб қолди.

-Хожа Исматнинг Бухорода сақланаётган 27784/2 инвентарь раками девонидан бир ўзбекча, уч ўзбекча-тожикча ва ўнга яқин арабча- тожикча муламмаълар қўлга киритилди;

-Хожа Исмат шеърияти ҳамда унинг туркигўй замондошлари, Саккокий, Гадоий, Атоий, Лутфий, Хофиз Хоразмийлар асарларидағи уйғун ва ўзига хос қирралар таҳлилга тортилиб, давр шеъриятининг манзаралари ҳақида равшан тасаввур уйғотувчи хулосаларга келинди;

-Мумтоз манбалардаги ишораларга таяниб, Хожа Исматнинг Умар Хайём, Хисрав Дехлавий ва Хоғиз Шерозийларга пайравлик қилгани аниқланди;

-Хожа Исматнинг темурий тождорлардан Шоҳрух Мирзо, Улуғбек Мирзо, Жаҳонгир Мирзо, Иброҳим Султон, Халил Султон, Бойсунқур Мирзо, Жўги Мирзо кабиларга бағишланган қасидаларида асосий мақсад тождорларга маддоҳлик қилиш бўлмай, балки шу жанр имкониятлари доирасида уларни инсоф ва адолатга даъват қилиш, даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий массалаларини ёритиш эканлиги ойдинлаштирилди.

Мавзунинг илмий-назарий янгилигини белгилашда қуйидагиларга эътибор каратилди:

“Хожа Исмат ва туркигўй замондошлари шеъриятининг жанрлари, услуги, бадиияти” тарзида назарий йўналишда қўйилиб, бу забардаст қалам соҳибининг назмий мероси илк марта ўзига замондош бўлган Атоий, Саккокий, Гадоий, Хоғиз Хоразмий, Лутфий каби туркигўй шоирларнинг шеърлари билан қиёсан ўрганилишининг ўзиёқ унинг мутлақо янги тадқиқот эканлигига далолатdir. Иккинчидан, мавзунинг қўйилишига эътибор бериш зарур деб ўйлаймиз. Унда у ёки бу шоирнинг қайси халққа ёки адабиётга мансублигини исботлаш дикқат марказида

тутилмайди. Аксинча, Хожа Исмат ва унинг замондошлари мурожаат қилган жанрлар – тожик ва ўзбек тилидаги шеърлар киёсан ўрганилиб, ўша сўз санъаткорларининг муайян шеърий шакллар тарақкиётига кўшган ҳиссасини қўрсатишга алоҳида эътибор қаратилади. Худди шундай гапни услугуб ва бадиият ҳақида ҳам айтиш мумкин. Диссертациянинг биринчи сахифасидан унинг охирига қадар таъкидланган масалага урғу берилишининг боиси ҳам шундадир. Юкоридаги қайдларимиз Саккокийнинг қасидаларига ҳам дахлдордир. Мазкур ишда ЎЗРФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида 7685 инвентарь рақами остида сакланәтган Саккокий девони таркибидаги бир қатор қасидалар илк марта илмий истифодага киритилмоқда. Яъни, Хожа Исматнинг Улугбек Мирзо ва Халил Султонга бағишлиланган форс тилидаги қасидалари Саккокийнинг ҳозиргача чоп бўлмаган ва юқорида эслатилган кўлёзма сахифаларида қолиб келаётган туркий қасидалари билан киёсан ўрганилди. Бутун диссертация давомида асосий эътиборнинг форсий ва туркий шеърлар киёсий таҳлилига қаратилганлиги унинг илмий-амалий янгилигини белгилайди.

XIV аср II ярми ва XV аср бошларидаги адабий муҳит, шеърий жанрлар ташаккули, услугуб ва бадиият муаммолари шу давр Мовароуннахр адабиётининг йирик зуллisonайн вакили Хожа Исмат ижоди мисолида чукур киёсий таҳлил этилиб, муайян хulosаларга келинди. Шунингдек, Хожа Исмат Бухорий ҳамда унинг туркигўй замондошлари шеъриятининг жанрлари, услуги ва бадиияти истиқлол даври талаб-тамойиллари асосида илк маротаба яхлит тадқиқот манбаи сифатида белгиланди.

Тадқиқот натижалари бугунги авлоднинг XIV аср II ярми ва XV аср I ярмидаги адабий жараён, унда фаолият қўрсатган ижод ахли қолдирган бой ахлокий-маънавий, фалсафий-маърифий қарашлар, адабий жанр, услугуб ва бадиият унсурлари ҳақидаги тасаввурини бойитишга, уларда комиллик

фазилатларини чукурроқ шакллантиришга кўмак беради. Диссертация натижаларидан ўзбек ва тожик адабиётига доир дарслик, қўлланмалар ёзишда, ўрта, ўрта-максус ва олий таълим талабалари учун маъруза ҳамда максус курслар ўқишида, турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этишида фойдаланиш мумкин.

1 БОБ

ХОЖА ИСМАТ БУХОРИЙ ВА ТУРКИГЎЙ ЗАМОНДОШЛАРИ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЖАНРИЙ ТАРКИБИ

1.1 Хожа Исмат ҳаёти ва ижодига доир янги маълумотлар

Хожа Исматнинг XIV асрнинг охири ва XV асрнинг I ярми давр Мовароуннаҳр адабий муҳитининг забардаст вакили сифатида улкан маънавий мерос қолдиргани, замон шеъриятининг ўн беш жанрида (Алишер Навоийда ўн олти) қалам сурғани ва бу микдорда маънавий хазина қолдирган ижодкорнинг ҳозирча Мовароуннаҳр адабий муҳитида учрамагани, қадимий зуллисонайнлик анъанасини давом эттирганлиги туфайли тадқиқ манбаи сифатида танланди.

Мазкур фаслнинг Хожа Исмат таржимаи ҳолига доир янги маълумотлар сахифалари билан бошланиши ҳам муайян изоҳга эга. Улуғ шоир ҳақида истеъоддли адабиётшунос, филология фанлари номзоди А.Мирсафоев тадқиқотидан кейин ўтган давр ичida топилган янги маълумотлар уларни умумлаштириш заруратини кун тартибига қўйди.

Тарихий шахс, шоир, олиму уламолар ҳаёт ва ижод йўли ҳақида ишончли маълумотлар берувчи таянч манба уларнинг ўз асарлари эканлиги ҳақида жаҳон шарқшунослиги, адабиётшунослиги эътироф этган ана ўша ҳақиқат ҳам бизни шундай йўл тутишга ундади. Иккинчидан, у ёки бу шоир, тарихий шахс асарларида аксини топган руҳий ҳолатлар (изтиробу

кувончлар) муайян аллома тақдирида содир бўлган ҳаётий-тарихий кайфиятлар тагзаминини очишга ҳам уларнинг ҳасбу ҳолига доир лавҳалар кўмакка келади.

Хожа Ислам – Хожа Фахриддин Исламутлоҳ бинни Масъуд Бухорий XIV асрнинг охири ва XV асрнинг I ярми адабиётининг йирик намояндадаридан биридир. Шоир таржимаи ҳоли ва ижодий фаолияти ҳақида тарихий-адабий манбаларда у ҳаёт бўлган даврданоқ ижобий фикрлар ва қимматли маълумотлар баён этила бошланган эди.

Хожа Ислам ўз замонасининг салоҳиятли ижодкорларидан бўлгани боис, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг ҳам дикқатини тортган. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” ва “Мезон ул-авзон” асарларида бу зуллисонайн шоир шахсияти ҳамда ижодига юқори баҳо бериб, унинг истеъоди ва нодир қобилияти борлигини алоҳида урғу билан таъкидлаган. Жумладан, “Мажолис ун-нафоис”да ўқиймиз: “Хожа Исламутло Мовароуннаҳр бузургзодаларидандур. Зоҳир илмин такмил қилғондур. Фоят хуштабълигидин ўзин шеърга мансуб қилиб, девони машҳур бўлди... Хожанинг қабри Бухорода ўз хужрасидадур”[78,14].

Абдураҳмон Жомий ҳам ўзининг “Баҳористон” асарида Хожа Ислам ҳақида қўйидаги маълумотни ёзиб қолдирган: “...Ва дигаре Хожа Ислами Бухороист. Ва вай дар ғазал татаббуъи Хисрав мекунад”¹[47,123]. Кўринадики, Абдураҳмон Жомий Хожа Исламтнинг бадиий ижод бобидаги салоҳиятини биргина ишорада–Амир Хисрав Дехлавий ғазалларига татаббуъ килишга журъат этганлигида кўради. Шу парчага доир, профессор Аълоҳон Афзаҳзод тарафидан берилган изоҳда ўқиймиз: “Хожа Ислами Бухоров– шоири машҳури ғазалнависи асли XV, ки дар байни солҳои 1425-1436 аз олам гузаштааст”²[47, 156]. Иқтибосда келтирилган саналар баҳсталабдир.

¹ Форсий парчаларнинг таржимаси ишимизнинг илова кисмida берилади. Бундан кейинги саҳифаларда ҳам шу тартибга амал қилинади ва тегишли матндан кейин 1-I, 2-I, 3-I ва ҳоказо ишорати кўйиб борилади.

² 2-I.

Унда шоир яшаган даврнинг XV аср дейилиши тўғри эмас. Юқорида таъкид этганимиздек, Хожа Исмат XIV асрнинг II ярми ва XV асрнинг I ярмида яшаб фаолият кўрсатган.

Кўздан кечирган манбалар маълумотига таяниб айтиш мумкинки, Хожа Исмат Бухорий 1365-1375 йиллар оралиғида Бухоронинг Хожа Масъуд номли машхур хожазодаси оиласида таваллуд топган. Унинг отаси ўз даврининг фозил инсони бўлган. XX асрда чоп этилган бир қатор ишларда Хожа Исматнинг таваллуди ҳақидаги сана (840 хижрий, 1437 милодий йил) айнан тақрорланади [117,74]. Бироқ уни инкор этувчи фикрларга ҳам дуч келамиз. Масалан, “Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҳик” да “таваллуд топган йили маълум эмас”[116, 544], тарзидаги таъкидни ўкиш мумкин. Абдулло Кобулийнинг “Тазкират ут-таворих” асаридағи ишораларга таянган адабиётшунос А.Мирсафоев Хожа Исмат Бухорий вафотини 1437 йил 22 декабрь тарзида белгилайди. Келтирилган ракамга проф. X. Мирзозода ҳам фикрдошлиқ билдиради ва “Тарихи адабиёти тоҳик” дарслигида ўша ракамни қатъият билан ўкувчиларга тақдим этади[68,115].

Ёшлигидан зехни жуда ўткир, қобилияти ниҳоятда баланд бўлганлиги ва маърифатпарвар хонадонда туғилиб, тарбиялангани туфайли Хожа Исмат ниҳоятда зукко, хушчакчак, шириңсухан, табъи нозик, диди ўткир, фозил киши бўлиб камолга етади. Сўз санъатига майл ва рағбат пайдо қилганлиги тез кўзга ташланади.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, дастлабки саводини оила мухитида, диний ва дунёвий билимлар сохиби бўлган отасидан олган Хожа Исмат кейинчалик таҳсилини Бухоро мадрасаларида давом эттиради. Даврининг зоҳирий ва ботиний билимларини пухта эгаллаб, етук шоир сифатида вояга етади. Унинг номига қўшилиб ёзиладиган “хожа” сифатловчиси ҳам шоирнинг ўз замондошлари ўртасида “хожагон” тариқатининг балоғатга

етган солики (кейинчалик муршиди) макомида довруғ таратганилигидан далолат беради.

XV асрнинг энг таниқли тазкиранавис олимни ва шоири Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират уш-шуаро» китобида Хожа Ислам ҳақида куйидагиларни ёзди: “Бузургзода, фозил ва билимдон киши эрмиш, насаби Жаъфар ибн Абу Толибга...уланади. Хожа Исламтуллонинг боболари Бухорода улуг ва фозил кишилардан эканлар. Отаси Хожа Масъуд Бухоро зодагонлари жумласидандир. Хожа Исламтулло ана шундай зотлигига қарамасдан, шоирлик шевасида—хоҳ қасидагўйлик ва ғазалиётда, хоҳ маснавий ёки муқаттаъотда ва хоҳ бошқа услубларда бўлмасин, маълум, машҳур ва моҳирдир[98,147]. Ислам Бухорий ҳақида самимий мулоҳазаларни давом эттирган тазкиранавис унга бағишланган ўн икки мисрали маснавийсида шоир вафотига ишора байтни афсус билан битиб колдирган:

Деги Ислам дар сухан аз Ҳўш рафт,

Ошиқонро қавли ўз гўш рафт [115,544].

Юқоридаги байтни ўзбек тилига ўтирган Сулаймон Раҳмон уни мана бу маънода ўзбек китобхонига тақдим этган:

Кайнади Ислам дили чашма мисол

Сўзлари ошиқларини қилди лол [97,147].

Аслиятдаги “Ҳўш”—қайнамоқ сўзини назарда тутган мутаржим байтни мутлақо тескари мазмунда ўзбекчалаштиради. Тазкира муаллифининг Хожа Ислам вафотини “сўз қозонининг қайнашдан қолгани” ибораси билан баён этгани, “ишкий ифодаларининг ошиқлар дилидан ўрин ололмаётганилиги”дан шикоят қилгани холда Сулаймон Раҳмон уни “чашмадай кайнади”, “oshiqlarini lol qilди” тарзида талқин этади.

Хожа Исламтунинг Мовароуннахр адабиётида тутган ўрнини унинг замондоши Бурундуқ Бухорийнинг қуйидаги байтидан равшан кўриш мумкин:

Гарчи Бухорода ошди Хожа Исмат шуҳрати,

Созки, Хурсонда йўқдир Хожа Исмат ислами [98,153].

1413 йилда вафот этган Бурундуқ Бухорийга ватандошининг кейинги ижоди ва унинг замондошлари томонидан бутун Мовароуннахру Хурсонда кенг эътироф этилганининг гувоҳи бўлиш насиб этмади.

Хожа Исмат Бухорий темурийлар даври шоири сифатида хорижий шарқшунос олимлар эътиборидан ҳам четда қолмаган. Чех олими Ян Рипка, венгер шарқшуноси Ҳерман Вамбери, Эрон адабиётшунос олимлари Эҳсон Ёршотир, Аҳмад Қарамий, рус олимлари А.Кримский, Л.И.Климович, Т.Г.Шевченко, И.С.Брагинский каби тадқиқотчилар шоир ижодидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратдилар.

Инглиз шарқшуноси Эдуард Браун “Эрон адабиёти тарихи” асарида Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират-уш-шуаро”сига таяниб, Хожа Исматнинг Ҳаёлий Бухорий ва Бисотий Самарқандийга устозлик қилганини, Рустам Ҳурённий, Тоҳир Обивардий ва Бурундуқ Бухорийларнинг замондоши бўлганлигини эътироф этган.

Ҳерман Вамбери “Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи” асарида: “Бу зот ҳам Султон Ҳалил, ҳам Улуғбекнинг сарой шоири эди. Улуғбекка аruz илмини ўргатди” [38,73],—деса, Салоҳиддин Тошкандий “Темурнома” асарида “Амир Темурнинг муборак жасадларини Самарқандда дафн этилишида Хожа Исматулло бу марсияни айтиб, тўралар бирла ахийлар йиглар эди”[102, 327],¹ тарзидаги маълумотини далил билан келтиради.

XX асрга келиб шоир ҳаёт ва фаолиятини ўрганиш анча авж олди. Жумладан, С.Айний, Е.Э.Бертельс, А.П.Қаюмов, А.Семенов, А.Мирзоев, Э.Р.Рустамов, В.Абдуллаев, Ҳ.Мирзозода, А.Мирсафоев, А.Жонфидо, Т.Қораев, Р.Воҳидовларнинг ишларини тилга олиш жоиздир.

Филология фанлари номзоди А.Мирсафоев ўз тадқиқотида Хожа Исмат Бухорийнинг бир қатор девонларини илмий истифодага киритган бўлса-да,

¹ Марсия матни учун қаранг! 3-I.

унинг эътиборидан четда қолган қўллёзмалар ҳам кам эмас. Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонасининг шарқшунослик ва ўлкашунослик бўлимида 262 рақами остида сақланаётган “Аввали зуҳури дувўми Хоҳа Исмат” номли девон шулар жумласидандир. Ушбу тўпламни XX аср бошларида Шароф исмли номаълум бир маърифатпарвар шахс кутубхонага тухфа этган. Буни китоб бошидаги муҳрдан билиб олиш мумкин. Уни хаттот Хоҳа Шамсуддин Муҳаммад томонидан насталиқ хатида китобат қилган. Китобат йили номаълум бўлиб, ҳажми 81 варакдир. Шоирнинг шу девонидан унинг 397 газали жой олган ва улар 2167 байтни ташкил этади.

Тўплам таркибидаги ғазалларда шоирнинг руҳий кайфияти ва ҳаёт-фаолиятини ёркин ифода этадиган қизиқарли маълумотлар жуда кўп. Айниқса мазкур девон таркибидаги уч ғазал шоир ибратли ҳаёт йўлининг баъзи бир кирраларига ойдинлик киритиши мумкин. Биринчи ғазал:

Гар бар симу тўхфа айшат ба дил Ҳон мебарад,
Мўр ҳам зи пои малаҳ айши Сулаймон мебарад”[27, 58 а].¹

Матлаъи келтирилган етти байтли ушбу ғазалда қўлланилган айрим ишораларнинг тагмаъноларига эътибор қилинса, Хоҳа Исмат учун моддий бойликлардан кўра маънавий неъматларнинг устун турганлиги аёнлашади. Аслида бундан бошқача манзарани тасавурга сиғдириш қийин. Нақшбандия тариқати ва уни асослаган Хоҳа Баҳоуддин каби етук пирларнинг ватани бўлган шариф Бухорода балоғатга этган шоирнинг бу тариқат талабу тамойилларидан четда туриши асло мумкин эмас эди.

Симу зар ва қимматбаҳо тухфалар олишдан юрак жонланади. Аммо, тухфани фарқлай ва қадрлай билиш ҳам олий фазилат. Байтнинг иккинчи сатри негизини “чумолининг тухфаси чигиртканинг бир оёғидир” ҳикмати ташкил этади. Чиндан-да меҳнаткашлик ва ҳалоллик рамзи бўлган чумолининг ушбу тухфаси Сулаймон наздида энг олий тухфадир. Оламни

¹Ғазалнинг тўлиқ матни ва унинг таржимаси учун қаранг! 4-I.

нурофшон қилишга қодир бўлган қуёш ўзлигини Сенинг (худонинг) мавжудлигинг туфайли танийди. Унинг бевақт ботиши эса бемаҳал мангу уйқу билан тенгдир. Солик бундай табиий жараённи ҳамиша ёдда тутмоғи, “Биру Бор”нинг тухфаси (берган неъмати) доирасида яшамоғи лозим. Фазалнинг кейинги байтларида воқеалар самодан ерга қараб ҳаракат қилади. Ошиқ ва ишқ, унинг изтироблари уйғотган ҳижрон ҳамда у туфайли тўкилган кўз ёшлари дур доналаридек этакларни тўлдиради. Аслида сидкӣ ошиқ учун бундан-да улуғ тухфа йўқ. Равshan бўлаётирки, Хожа ҳазратлари учун ишқдан қимматлироқ тухфанинг бўлиши мумкин эмас. Шеърдаги тасвирга кўра, Иброҳим Султон саховатли бўлишни қуёшдан ибрат олган. Фазалнинг мақтаъида шоир таржимаи ҳолига доир ишоралар пинҳона бадий ифодасини топгандай назарга ташланади. Ҳимматни ўз турмуш тарзига айлантирган Хожа Исмат чинакам лутғу карамни Иброҳим Султондан кутади. Келтирганимиз шеър қаторларининг тагмаъноларига эътибор қилинса, Улугбек Мирзонинг иниси Иброҳим Султон айни пайтда Хожа Исматнинг қуёви бўлганлигига ишора кетгандай туюлади. Бундай хуносага келишда синчков шеърхонга қўйидаги икки ғазалдаги ишоралар ҳам қўмакка келади:

Мажлиси амнист, кори айш созబ бар мурод,

Парда аз рўй сўи бода мебояд кушод”¹[27,43a], матлаъи билан бошланадиган ушбу иккинчи ғазал, юқорида таҳлилга тортганимиз шеърнинг мантикий давоми бўлиб кўринади. Мисраларда ишқу ошиқлик, шаробу майпарастлик билан ёнма-ён равишда шоир ўз таржимаи ҳолидаги аянчли бир нуқтани бадий ифодалаб беради. Қизининг оиласида фарзанднинг дунёга келмаганлиги унинг барбод бўлишига олиб келгандай манзарага дуч келингандай бўлади. Бу шеърда ҳам шоир Иброҳим Султондан марҳамат кутади. Бунга ўхшаш қатор мусибатлар Исмат Бухорийга кучли руҳий таъсир

¹ Фазалнинг тўлиқ матни ва унинг таржимаси учун қаранг! 5-I.

кўрсатади ва у Самарқандни тарқ этиб, Бухорога қайтади. Шоирнинг гўшанишинлик ихтиёр этишига шу оиласий кўнгилсизлик ҳам сабаб бўлган бўлиши мумкин. Хожа Ислом ҳакида маълумот берувчи адабий-тарихий манбалар¹нинг гувохлик беришига қўра, Улугбек Мирзо шоирни Самарқандга, ўз саройига даъват этади. Бу даъват бир неча марта тақорланишидан қатъий назар аламзада ота юрагидаги кекни унуполмайди ва Самарқандга қайтиб бормайди.

Девондаги мана бу ғазал ҳам Хожа Ислом таржимаи холига доир ишораларни акс эттирганлиги билан аҳамиятлидир. Унда тўрут фарзандидан бевақт ажралган баҳтсиз отанинг қалб изтироблари ўз ифодасини топган:

Чун дар ғами танҳоб умре ба сар овардам,

Кардам сафару бозаш айши назар овардам²[27, 32 б³].

Юқоридаги ғазалнинг тўртинчи ва бешинчи байтларида шоирнинг дарвишликни ихтиёр этишига боис бўлган сабаблар ўз ифодасини топган. Уларда акс эттирилишича, шоир беш фарзанд – бир қиз ва тўрт ўғил кўрган. Қизининг баҳтсизлиги етмаганидек, тўрт ўғил ҳам кетма-кет бу фоний дунёни тарқ этган. Ушбу ғазал кўчирилган варақнинг ҳошиясида хаттот томонидан изоҳ берилиб, унда Хожа Исломнинг Фатхуллоҳ, Жўра, Бек, Ниёз исмли ўғиллари бўлганлиги таъкидланади. Таҳлилга тортганимиз девондан ўрин олган куйидаги мисраларда ҳам шоирнинг ўзи юқоридаги аччик ҳакиқатни катта дард билан ифодалаб қолдирган:

Ҳайф шуд, ки шабҳою рўзҳо бо ракиб,

Бода нўшиву Бек, Жўра, Ниёзб ёдам...⁴ [27, 17 б].

Хожа Ислом ҳаёти ва ижодига доир қўлга киритилган яна бир янги манба Бухоро шаҳридаги Санъат музеи кутубхонаси фондида 27784/2 инвентар

¹ Д. Самарқандий. Тазкират-уш-шуаро. ЎзФА ШИ, № 53. 361б., А.Т. Кошоний. Хуносат ул-ашъор ва зубдат ул-афкор. Санкт-Петербург оммавий кутубхонаси кўлёзмалар фонди. 321 рак. В.72а.

² Ғазалнинг тўлиқ матни ва унинг таржимаси учун қаранг! 6-I.

³ Тегишила адабийтга ишора (код) даги “б” харфи манбанинг бетини эмас, балки қўлёзма варагининг “б” кисми сахифасини билдиради. Айни таъкид “а” харфига ҳам тегишила.

⁴ Парча таржимаси учун қаранг! 7-I.

раками остида сакланадиган қўлёзмадир. Девон кўчирилган сана ҳижрий 1280 йил. Котиб Абулқосим ибн Ҳожимуҳаммад. Қўлёзма ҳажми 220 варак. Ўлчами 14,5 смга 25,5 см. Девоннинг муковаси кизил рангли чармдан ишланган. Уни сахҳоф Нуриддин анъанавий шарқона услуб (1а-1б, 2а-2б) да насталиқ хатида қўчириган.

Девон бошида Алишер Навоийнинг бир форсий рубойиси ва бир туркий ғазали ҳамда Абдураҳмон Жомийнинг 32 шеъри келтирилган. Шундан кейин Ҳожа Ислам ғазаллари бошланади. Девондан шоирнинг 383 та ғазал, 36 та фард, 15 та рубойи, 30 та мусаммат ҳамда 56 та қасидаси жой олган. Ушбу девонда кузатиладиган яна бир муҳим янгилик сифатида унинг таркибида бир ўзбекча ва уч ўзбекча-тожикча (муламмаъ) ғазалларнинг киритилганлигини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, девондан шоирнинг ўнга яқин тожикча ва арабча ширу шакарда ёзилган шеърлари хам ўрин олган.

Девоннинг ўзига хос яна бир асосий хусусияти шу бўладики, шеърий мажмуя вақф қилинган бўлиб, уни қўпайтириш ва сотиш қатъян ман қилинганлигидан далолатдир. Фикримизнинг далили сифатида девон хотимасида муҳрланган ушбу маълумотларни келтиришни лозим кўрдик:

“Дар таърихи шуҳури Ҳимодиул-аввал, сана 1323 будки, вақф кард ин китоби Ҳазрати Ҳоҳа Ислам аллайхир-раҳмаро Носирбой валади Ҳоҳи Қобил дар Ҳивори Ҳазрати Ҳоҳа Ислам аллайхир-раҳма, Ҳудованд мақбул гардонанд”.¹

Хуллас, шоирнинг кексалик даврида битилган аксарият шеърий намуналардан таркиб топган ушбу девон унинг аччик ҳаёт лавҳаларидан маълумотлар беради ва буларни чукурроқ тадқиқ этишини талаб этади.

Ҳожа Исламнинг ижод намуналарини АҚШнинг Филаделфия, Россиянинг Санкт-Петербург, Тожикистоннинг Душанбе, Туркиянинг Истамбул каби шаҳарларнинг музей ва кутубхоналарида учратиш мумкин.

Яқинда Ҳожа Ислам девонининг қиёсий Техрон нашрини қўлга киритишига мұяссар бўлганимиз боис ўша тўплам таркибида келган

¹ Парча таржимаси учун қаранг! 8-1.

шеърлардаги ишораларга таяниб, шоирнинг таржимаи ҳолига доир айрим қайдларни баён этишни лозим топдик. Девон Эрон адабиётшунос олими Ахмад Карамий томонидан “Толоркитоб” нашриётида 1987 йилда минг нусхада чоп эттирилган. Китобнинг умумий ҳажми 590 сахифа бўлиб, насталиқ хатида Али Удёний томонидан китобат қилинган. Девон ношири сифатида Ахмад Карамий унга йириккина сўзбоши ёзган. Муаллиф Хожа Ислам шахси хусусида тўхталиб, уни илохий-ирфоний арбоб, ориф ва пок инсон сифатида таърифлайди. Жумладан, шоирнинг шажарасига доир билдирилган мулоҳазалар ҳам катта қизиқиш уйғотади. Аммо олимнинг барча фикрлари ҳам янги эмас. Улар Алишер Навоийнинг «Мажолис уннафоис», “Мезон ул-авзон” ва яна бир қатор тазкира, тарихий асарларга таяниб ёзилган. Шу маънода Ахмад Карамий мумтоз манбалар маълумотларини назардан ўтказиб яхлит хуносалар сифатида уларни китобхонга тақдим этади. Айниқса, унинг Хожа Ислам адабий услубига доир фикр ва мулоҳазалари алоҳида таҳсинга лойикдир. Муҳакқик Хожа Исламнинг форсий шеъриятида Хожа Ҳофиз ғазалиётидаги рангинликни, Шайх Саъдий шеъриятидаги юқсан панду ҳикмат руҳи баланд эканлигини ургу билан таъкидлайди. Хожа Ислам девонларининг турли нусхаларига мурожаат қилган Ахмад Карамий ўша манбаларда ўзи дуч келган ишораларга таяниб, Хожа Исламнинг Бухоронинг маърифатли хонадонлардан бирига мансублигини, унинг Халил Султон саройида улуғ мартабаларга сазовор бўлганлиги ва вафотига оид қайдларни баён этади.

Таъкидлаш жоизки, Ахмад Карамий девон сўзбошисига Алишер Навоий томонидан «Мовароуннаҳр бузургзодаси» сифатида эътироф этилган истеъдод соҳибининг барча асарларини киритган эмас. Жумладан, мумтоз манбаларда зуллисонайн ижодкор сифатида эътироф этилган Хожа Исламнинг туркий шеърияти мутлақо четлаб ўтилган. Шундай бўлса-да, шоир форсий шеърларининг Эрон нашрида саккиз жанрга мансуб ўн икки ярим минг мисрага яқин асарларнинг жамғарилганлиги жуда аҳамиятлидир.

Хожа Исмат адабий мероси ҳакида маълумот берувчи мумтоз манбаларда шоир қалами тухфа этган асарлар умумий ҳажмининг 10 минг байт атрофида эканлиги айтилади [57,70 а]. Эрон нашридаги ракам эса ўша тахминларнинг ҳакиқатга яқинлигидан далолат беради.

Девондаги шеърларнинг каттагина қисмини (79 та) қасидалар ташкил қилади. Уларда Оллоҳнинг ҳамди, Жаноби расули акрам, амирал мўъминин Али ибн Абу Толиб наъти (Мухаммад пайғамбарга аталган наът қасида иккита, бири қасидалар қисми ўртасида ва иккинчиси эса ғазалиёт қисми бошида жойлаштирилган) ва йирик олиму фузало ҳамда тарихий шахслар улуғланади. Қасидалар ҳам ғазаллар сингари алифбо сирасида берилган. Айниқса, шоирнинг Мирзо Улугбек, Шоҳруҳ Мирзо, Жаҳонгир Мирзо, Ҳалил Султон, Иброҳим Султон, Мирзо Бойсунқурларга бағишлиланган қасидаларида олға сурилган ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий масалалар ўзининг мушоҳадаларга бойлиги билан ажralиб туриб, Хожа Исмат бадиий маҳоратининг баландлигидан дарак беради. Девоннинг “Қасидалар” қисми Оллоҳ ҳамди билан бошланиб, 108 байтни ташкил этади. Ҳажм жиҳатдан ундан кейинги йирик иккита 78 байтли қасида темурийзода Мирзо Улугбекка бағишлиланган. Расули акрам (с.а.в.)га бағишлиланган ҳажм жиҳатидан энг кичик, 11 байтли қасида дебоча тарзида ғазалиёт қисмida берилган. Қасидалар таркибида нафақат амирзодалар, балки, Балх ва унинг ислом мулки, мадрасаси васфи, тавҳид, дин ва давлат арбоблари (Хожа Порсо, Хожа Зангишоҳ кабилар) мадҳ этилган парчалар ҳам учрайди. Шуни эътироф этиш жоизки, шоир девонининг Техрон нусхасидан жой олган қасидалар ЎзРФАШИ қўллэзмалар фондида сакланаётган 1435 ракамли девон таркибидаги қасидалардан анча кўпdir.

Девонда қасидалардан ташқари 446 та ғазал, 5 та мусаммат, 2 та таркибанд, 5 та қитъа, 53 та рубоий, 18 та фард ва 1 та баҳри тавил (“Гулшани адаб”да берилган баҳри тавил намунаси эмас) ўрин олган. Эрон нашрининг ношири, профессор Аҳмад Карамий бизга номаълум сабабга кўра

Хожа ҳазратларининг тўртта қасидасини китобнинг мусамматлар бўлимида жойлаштирган. Фикримизча, олим мазкур қасидаларнинг ғоявий йўналиши илохиётга бағишлиланганлигини назарга тутган кўринади. Навбатдаги икки таркиббанд шаклан мустазодни, мазмунан қасидани эслатади. Дастребки З бандли таркиббанд Султон Халилга бағишлиланган бўлиб, жами 38 байтдан иборат. Оллоҳ, пайғамбар ва унинг чорёrlариға бағишлиланган беш қисмли таркиббанд эса 136 байтни ташкил қилади.

Қасидаларнинг энг кўп микдори Халил Мирзога (40 та) бағишлиланган. Мирзо Улуғбекка аталган қасидалар ҳам (13 та) салмоқлидир. Шунингдек, Иброҳим Султонга 4 та, амирзода Жўги ва Хожа Порсоларга 3 тадан, Ҳазрати Али ва Хожа Зангишохларга 2 тадан; парвардигор, расули акрам, Тавхид хусусида, Яхё Мағисуддавла, Балх ва ислом мулки васфида, мадраса васфида, Хожа Лутфуллоҳ, Шодимулк око (Халил Султоннинг хотини), Шоҳруҳ мирзо Курагоний, амирзода Бойсунқур, амирзода Яхё ва Муҳаммад Жаҳонгир кабиларга биттадан, ҳаммаси бўлиб, 12 та қасида бағишлиланган. Мирзо Улуғбек ва Халил Султонга бағишлиланган икки намуна билан “Гулшани адаб”да берилган қасидалар солиштирилганда, ҳар иккаласи Душанбе нашрида номукаммал берилгани ва улар кимга аталгани таъкидланмаганлиги аниқланди. Чунончи, Мирзо Улуғбекка бағишлиланган 77 байтли қасидадан 11 байт, Халил Султонга бағишлиланган 42 байтли қасидадан эса 17 байт қискартириб берилганлиги маълум бўлди.

Тахаллус ишлатиш борасида Хожа Исмат қиёсий девонидаги пайғамбар расули акрам ва Мирзо Улуғбекка аталган қасидаларида, шунингдек, Халил Султонга бағишлиланган жами 40 қасиданинг 34 тасида Носирий, қолган барча қасида ва ғазалларида Исмат тахаллусини ишлатган.

Хожа Исмат девониниг “Техрон” нусхаси шоирнинг қолган барча девон нусхалариға нисбатан мукаммалидир. Аммо бу девон шоирнинг бутун меросини ўзида камраб олмаган. Бунга сабаблар талайгина:

Биринчидан, Аҳмад Қарамий шоирнинг туркий тилдаги ғазалиётини четлаб ўтган.

Иккинчидан, Ҳожа Исламнинг 1035 байтдан иборат бўлган “Иброҳим Адҳам” илохий-ирфоний маснавийси ушбу девондан жой олмаган. Қолаверса, шоир девонларининг турли қўлёзма нусхаларини синчиклаб, шунга амин бўлдикки, Ҳожанинг нафақат туркий ғазаллари, балки бошқа тўпламлардан ўрин олган сара ва нодир баъзи форсий ғазаллари, рубоийлари ҳам девондан ўрин олмаган.

Учинчидан, Ҳожа Исламнинг Соҳибқирон Амир Темурга бағишилаб ёзган марсияси ҳам ушбу девонда кўзга ташланмайди.

Тўртинчидан, профессор Аҳмад Қарамий кириш мақоласида ўзи мурожаат этган шоир девони нусхалари ҳакидаги маълумотни мутлақо четлаб ўтган. Модомики, мазкур нусха қиёсий нашр экан, унда мурожаат қилинган нусхалар, уларнинг хозирда сақланаётган жойи каби зарурий маълумотлар кўрсатилмоғи лозим эди. Эслатилганлардан қатъий назар Ҳожа Ислам девонининг Эрон нашри ҳажм борасида унинг дунё кутубхоналарида (каталогларнинг маълумотларига кўра шоирнинг мажмуналари жаҳоннинг йигирмадан ортиқ шаҳарларида сакланмоқда) мавжуд қўлёзмаларининг энг мукаммали сифатида аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ҳожа Исламнинг ҳозирга қадар тадқиқотчилар назаридан четда қолган, Бухоро шаҳри кутубхоналарида сақланиб келинаётган икки қўлёзма девони ва Эрон нашридаги шеърларни синчиклаб ўрганиш натижасида шоир қалами тухфа этган асарлар миқдори тўққиз минг байтга яқинроқ эканлигига гувоҳ бўлдик. Бу нисбий миқдор, албатта. Мумтоз манбаларда [57,72 а] Ҳожа Ислам шеърларининг ҳажми ҳакида ўн минг байт тарзидаги маълумотларга дуч келинади. Шунингдек, девонлардаги шеърлар таҳлили натижасида шоирнинг ўзбек тилида иншо этилган ғазалларига дуч келиш билан бирга, бир катор ғазалларида унинг оиласи ҳётига доир янги маълумотлар кўлга киритилди. Буларнинг барчаси

Хожа Исмат Бухорийнинг ўз даврида донг таратган забардаст зуллисонайн шоир эканлигидан далолат беради.

1.2. XIV аср II ярми ва XV аср I ярмida назмий жанрлар тараққиёти ва Хожа Исмат шеърияти

Хожа Исмат Бухорий ва унинг туркигўй замондошларининг ҳаёти ва ижод йўли Темур ва темурийлар хукмронлиги йилларига тўғри келади. Бу саналар Ўрта Осиё ҳалклари ҳаётида катта аҳамиятга эга эди. Бу даврда муайян сиёсий ихтилофларга қарамасдан бадиий адабиёт, тарих, меъморчилик, фалакиёт, фикҳ ва қатор дунёвий фанлар ривожланди.

XIV асрнинг II ярми ва XV асрнинг авваларида ўзбек ва тожик ҳалклари маданий ҳаётида энг сермаҳсул жараён бошланди. Дарҳақиқат, бу даврга келиб ҳам ўзбек, ҳам форс-тожик адабиётида катта сифат ўзгаришлари вужудга кела бошлади. Адабиётимиз тарихида Атойи, Саккокий, Лутфий, Ҳофиз Хоразмий, Гадоий, Хожа Исмат сингари соҳир қалам соҳиблари минглаб шеърият ихлосмандларининг бадиий завқини қондира оладиган асарлар яратдилар.

Таъкидлаганимиздек, XIV асрнинг охири ва XV асрнинг I ярми адабиётида аввалдан қўлланилиб келинган шеърий шакллар такомиллашди, янги адабий жанрлар пайдо бўлди. Олдинги юзийилликларда бўлгани каби мазкур давр адабий ҳаётида ҳам назм насрга нисбатан катта мавқега эга эди.

Бу давр ўзбек мумтоз адабиёти учун ўзига қадар шаклланган Шарқ ҳалклари адабиёти илғор анъаналарини теран ўрганиб камол топтирган, айни чоқда кейинги босқич ижод ахлига мактаб бўларли адабий мерос қолдирган муҳим жараён бўлди.

Таҳлил этилаётган йилларга қадар ва ундан кейин ҳам Абу Абдулло Рўдакий, Абулқосим Фирдавсий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ҳоқоний, Низомий Ганжавий, Салмон Соважий, Хусрав Дехлавий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий ва Камол Хўжандий сингари Шарқнинг буюк сўз

усталари асарлари турли халқ вакиллари томонидан севиб ўқилар, Мовароуннахр, Хоразм, Хурасон, Эрон, Озарбайжон, Ҳиндистон ва бошқа юртларнинг котиблари томонидан китобат ва таржима килинار, мусаввирлари томонидан асарлари миниатюралар билан зийнатланар, тазкираларда бу улкан истеъдод соҳиблари ҳақида маълумотлар бериларди[65,175-190]. Бир сўз билан айтганда, Марказий Осиё халқлари маданияти ана шундай умумадабиёт нашидаларидан баҳра оларди. Шулар замирида туркӣ адабиёт ҳам аста-секинлик билан ўзининг шакл ва мазмун тароватини қўрсата бошлади, давлат аҳамияти даражасига қўтарилиганига қадар анча мураккаб йўлни босиб ўтди.

Профессор Н.Маллаев “Ўзбек адабиёти тарихи” китобида XIV асрдан XVII асргача бўлган адабий жараёндаги назмий жанрлар ҳақида сўз юритиб, шеърият бадиий ижодиётнинг етакчи хили бўлиб, айникса, ижод ахли ўртасида ғазал жанрида намуналар яратишга кенг аҳамият берилгани ҳамда ғазал мусиқа санъати билан узвий алоқада тараққий этиб, куйга солинганлиги ҳақида маълумот беради[65,175-190].

XIV аср охири ва XV аср бошида бадиий адабиёт икки тилда давом этди. Профессор Р.Воҳидов ўринли таъкидлаганидек, “Бу даврга келиб бадиий адабиётнинг жанр ҳудудлари кенгайди, образ ва ғоялар дунёси бойиди. Бундай мислсиз ривожу равнақнинг бош омилларидан бири, шубҳасиз, ўзбек ва форс-тожик адабиётлари ўртасидаги адабий алоқа ва ўзаро таъсир хисобланади”[39,7]. Жумладан, маликул калом Мавлоно Лутфий девонидан **ғазал, қитъа, туюқ, фард, рубоий**; Мавлоно Гадоий девонидан **ғазал, қасида, мустазод, қитъа**; Мавлоно Саккокий девонидан **ғазал ва қасида**; Мавлоно Атоий девонидан **ғазалларнинг ўрин олганлиги** давр адабий ҳаётининг манзараларидан дарак беради. Таъкидлаш жоиз, юкорида номлари тилга олинган ижод ахли қолдирган маънавий мөъроснинг бугунга қадар тўла топилмаганлиги жанрий маҳдудликка сабаб бўлган бўлиши мумкин. Бироқ кейинги йиллардаги изланишлар айни соҳага ҳам

тахрир киритди. Ҳофиз Хоразмий меросининг топилиши, унинг икки китоб шаклида ўқувчиларга тақдим этилиши ва мазкур мажмуаларнинг ғазал, мухаммас, мустазод, таркиббанд, таржиъбанд, китъа, рубоий каби жанр намуналаридан таркиб топганлиги ҳам фикримизга далил бўла олади. Худди шундай гапни Хожа Ислом девонларидан жой олган ғазал, қасида, марсия, рубоий, қитъа, фард, муаммо, чистон, мухаммас, мусаддас, мусамман, мустазод, таркиббанд, таржиъбанд, маснавий каби жанр намуналари хусусида ҳам айтиш мумкин. Равшан бўлаётирки, XV асрнинг I ярмидаги жанрлар микдоридаги ўзгаришлар сезиларли даражада ривожланган. Алишер Навоий эса “Хазойин ул-маоний”да уларнинг микдорини ўн олтитага етказади. Бу давр ўзбек ва форс-тожик адабиётида назмнинг ғазал, қасида, қитъа ва рубоий каби жанрлари етакчилик мақомида бўлди.

Зикри ўтган юзийилликда факатгина туркий адабиётга тааллукли бўлган ва шеърхонга кўпроқ бадиий завқ бағишлайдиган туюқ жанрининг вужудга келиши мухим аҳамият касб этади. Форс-тожик ва ўзбек мумтоз адабиётларида мазкур жанрнинг шаклланиши, тарақкиёт боскичлари, ўрганилиши хусусида профессор Б.Валихўжаевнинг маҳсус мақоласида атрофлича мулоҳаза билдирилади [37,148-151]. Адабиётшунос Н.Маллаевнинг маълумотига кўра, дастлабки туюқ намунаси туркий адабиётда XIV аср шоири Бурхониддин Сивосий девонида учрайди [64, 216].

Мазкур даврда ўзбек тилида сермаҳсул ижод килиб шуҳрат топган ва турли назмий жанрларда қалам тебратган шоирларга Ҳофиз Хоразмий, Мавлоно Саккокий, Лутфий, Атоий кабиларни мисол келтириш мумкин. Таҳлил этилаётган йилларда адабиёт тобора ҳалққа яқинлашиб, ҳалқчиллашиб борди. Адабиёт намояндалари ўзбек адабий тилининг ўсиши ва мустаҳкамланишига алоҳида хисса қўшиб, адабий тур ва жанрларнинг равнақ топишида катта хизмат қилдилар. Буни ғазал, рубоий, қитъа, туюқ, қасида, нома, мунозара, достон ва бошқа жанрларда хилма-хил асарлар яратилиши мисолида кўриш мумкин. Бироқ энг сермаҳсул адабий жанр ғазал

бўлиб қолди ва бу шеърий шакл ўз анъаналарига содик қолган ҳолда ривожланди.

XIV аср II ярмида назмий жанрлар тараққиёти борасида муайян тасаввурга эга бўлиш учун мазкур даврнинг айрим шоирлари ижодига назар ташлашга тўғри келади. Шу мақсадда давр шеърияти ривожига муносиб ҳисса қўшган шоирлар ижодига мурожаат этамиз. Масалан, Хожа Исматнинг якин замондоши Ҳофиз Хоразмий меросида давр шеъриятининг жиддий силжишларини кўриш мумкин. Шоирнинг фанга маълум ягона қўллэзма девонини ўрганиб, шеърият мухлисларига етказган адабиётшунос олим Ҳамид Сулаймон у ҳақда фикр билдириб “Навоийгача бўлган ўзбек ғазалиётининг беназир устоди”[105,5], –дейди. Дарҳақиқат, Ҳофиз Хоразмий ғазалнавислик анъаналарини самарали ва ижодий давом эттирган шоирлар сирасига киради. Фикримиз исботи сифатида унинг бир ғазалидан иктибос келтирамиз:

Боғ ичра хиром айласа ул қад ила комат,

Пайдо бўлур ул дамда туман турлу киёмат.

Ул фитна қароқчи қаро кўз даврида эмди,

Бир гўшанишин қолмадиким, бўлса саломат [105, 11].

Ушбу байтлар шоирнинг юксак истеъодидидан далолат беради.

Ғазалчиликда шуҳрат топган мумтоз ўзбек шоирларидан яна бири Мавлоно Лутфийдир. У зуллисонайн шоир бўлиб, тожик ва ўзбек тилларида маҳорат ила ижод қилган. Лутфий туркий тилдаги шеърларини жамлаб, девон тартиб берган. Мазкур девон ижод ахли орасида зуллисонайн шоирнинг форсий шеърларига нисбатан кўпроқ машҳур эди. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, Мавлоно Лутфий девонининг ҳозиргача маълум нусхаларида 372 ғазал, 3 қасида, 115 тўртлик, 60 фард ва рубоий, туюқ, қитъа каби жанр намуналари мавжуд [63,4]. Мавлоно Лутфий, айниқса, ғазалнавислиқда шуҳрат қозонади. Туркий адабиётда вужудга

келган туюқ жанри тараққиётига муносиб хисса қўшади. Қўйида шоирнинг бир ғазалидан иқтибос келтирамиз:

Ҳақ ул кунким жамолинг бор этибтур,
Жаҳон ҳуснун борин сизга берибтур.
Парию одами мундоқ хўб эрмас,
Фаришта гўиё қўктин ёнибтур.
Қуёш ойтек юзунгнинг хижлатидин,
Қочиб, тўртунчи кўк узра чикибтур [64, 58].

XIV ва XV асрларда адабиёт майдонида жавлон урган Хоразмий, Атоий, Лутфий сингари шоирлар ўзбек адабиёти ривожига катта хизмат қилган эдилар. Мана шу шоирларнинг ижодий ташабbusлари натижаси ўлароқ, бадиий ижодда адабий тур ва жанрлар ривожи жонланди. Достон, газал, нома, касидадан кейин китъя, рубоий сингари кичик жанрлар ҳам аста-секин адабий ҳаётнинг фаол шаклларига айланга борди. Рубоий жанри ҳакида жиддий илмий тадқиқот олиб борган адабиётшунос олим И.Ҳақкулов “бу даврга келиб энди арузнинг рамал баҳрида яратилган тўртликларни учратамиз”[133,36] деб, бунга Лутфий ижодини мисол келтиради.

Адабий даврнинг яна бир эътиборли томони шундаки, адабиётлараро алоқа ва ўзаро таъсир авж олиб, зуллисонайнлик анъанаси замирида ўзбек ва форс-тожик тилларида битилган муламмальар пайдо бўлди.

Професор Р.Вохидов форсий ва туркий адабиётнинг Марказий Осиё халклари учун ёнма-ён хизмат қилиб келганига ургу бериб, уларнинг қиёсий таҳлилига аҳамият қаратилмаганини эътироф этади: “Бирон-бир ижодкор туркий тил имкониятларини форсийзабон муқобаласига қўйиб, уларни қиёсий ўрганиш, туркийнинг бойлиги ва маънавий имкониятларини ҳам амалда, ҳам назарий-илмий ўрганиш вазифасини ўз олдида жиддий мақсад қилиб қўйган эмас. XV асрда, хусусан, унинг иккинчи ярмида ижтимоий-сиёсий, тарихий адабий вазиятда туб бурилишлар юз берди. Тарих майдонига келган темурийлар мавқеининг мустаҳкамланиши туркий тилнинг жамият

олдидаги нуфузига ижобий таъсир қўрсатди. Айни тил давлат забони мақомига кўтарила бошланди. Табиийки, ...сиёсий ўзгаришлар туркий тилнинг адабиёт оламидаги ўрнига ҳам таъсир қўрсатмай колмади”[39, 67]. Эслатилган йиллар зуллисонайн шоирлар даври бўлди. Шеърият майдонида ижодий мусобака бошланди. Адабий жанрлар бўй-бастига юксалди. Мовароуннахру Хуросонда ижод қилган шоирлар адабий турнинг муайян жанрида довруғ топдилар.

XV асрнинг биринчи ярмида етишган шоир Юсуф Амирий ҳам нома жанрида “Дахнома” асарини яратади. Шоирдан бизга қадар бир девон ҳамда “Бонг ва Чогир” мунозараси, нома ва мунозаралари етиб келган. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Юсуф Амирий ҳақида сўзлаб, “Турк эрди ва туркча шеъри яхши воқеъ бўлубдур” [78, 23] деса, Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”да “Шохруҳ даврида катта шухрат козонди” деб таъкидлайди [98, 146].

Эслатилган жараённинг атоқли туркигўй шоирларидан яна бири Атоий эди. Атоий севгининг ҳароратли куйчиси сифатида ажойиб ғазаллар битади. Инсон ва унинг пок севгисини шарафлайди. Шундан бўлса керак, Алишер Навоий унинг куйидаги байтига юкори баҳо беради:

Ул санамким сув яқосинда паритеқ ўлтурур,
Гояти нозуклукиндин сув ила ютса бўлур. [78, 63]

Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳнинг ўғли Сайид Аҳмад ҳам бадиий адабиётга катта қизиқиш ва ҳавас билан қаарар, саройда ўтказиладиган адабий мушоиралар ва маҳфилларга катнашар эди. Навоий унинг ижодини кузатиб, қуйидагиларни баён этади: “Салим табъ ва пок зихи киши эрди. Хийла машхур назмлари бор. Ҳам ғазал, ҳам маснавий, ҳам туркий ва ҳам форсий ғазал таврида девони бор”[78, 133]. Ҳазрат Навоий ўзига маъкул бўлган Сайидийнинг қуйидаги байтини мисол келтиради:

Сайд этти фироқинг мени мурғи сахаридек,
Кил одамилиғ, қилма ниҳон юзни паридек. [78, 133]

Алишер Навоийгача етишган яна бир буюк сўз устаси Мавлоно Саккокий бўлиб, ўзбек ва форс-тожик тилларида бирдай адабий қийматга эга асарлар яратди. Шоирнинг ижоди, хусусан, Улугбек хукмдорлик қилган даврда камол топди. Саккокий ҳам ўз замондоши Хожа Ислом каби дастлаб Халил Султон ва сўнгра Улугбек Мирзо саройларида ижод қилган. Шоир ғазал жанридан ташқари ўзининг темурийзодаларга атаб ёзган қасидалари билан ҳам эътибор қозонган. У ўзининг Халил Султонга атаб ёзган бир қасидасида шундай дейди:

Тарихқа саккиз юз доғи ўн эрдию қадр ахшоми,
Бир ой туғилди дунёда ким мамлакатга хон эрур.
Бу қадр туни иззату қадр эмди даъво килса ҳак,
Чун шоҳизода мақдами даъвосина бурхон эрур.[94, 8-9 а]

Саккокий маънавий меросининг бизгача етиб келган асосий қисми ғазал ва қасидалардан иборатdir.

Мовароуннаҳр ва унинг теварагида Бухоро адабий мухити ўз ўрни ва жозибасига эга бўлиб, темурийлар саройида бухоролик шоирлар кўпчиликни ташкил этарди. Бу ҳақда А.Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида маълумот берар экан, Бухоро адабий мухитига ҳам алоҳида тўхталиб, Хожа Ислом ва унинг шогирдларидан Мавлоно Хаёлий, Мавлоно Кавсарий, Мавлоно Сайфий кабилар ҳақида қимматли маълумотларни келтиради. Шундай қизикарли лавҳаларни Фахрий Ҳиротийнинг “Латоифнома” асарида ҳам учратамиз. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасидаги маълумотларни форсий китобхонларга етказган мутаржим ўзи илова қилган тўққизинчи мажлисда Мулло Хулқий Бухорий, Мулло Рухий Бухорий, Мулло Али Бухорий, Мулло Сиркоий Бухорий, Мулло Журмий Бухорий каби Хожа Исломнинг ўнлаб ватандошлари ҳақида хабар беради. Айни лавҳалар давр адабий ҳаётининг бойиб борганилигига далолатdir.

Чех адабиётшуноси Ян Рипка темурийлар даври адабиёти ҳақида сўз юритиб, қуйидагиларни таъкидлайди: “Лирика ҳақида сўз юритганда, ҳеч

бўлмаса қисқагина, дарвиштабиат ва фавқулотда истеъдод сохиби, бухоролик Хожа Исмат, устоз Камолиддин Хўжандий ва шоҳ Нематуллоҳ валий билан ўзини teng баҳс бойлашга кодир санаган унинг шогирди самарқандлик Бисотийни эслатиб ўтиш лозимдир[91, 270-271].

Дарҳақиқат, тарихий манбалар таҳлили шундан далолат берадики, Хожа Исмат XIV аср охири ва XV аср бошларида ижод этган Мовароуннахр шоирлари орасида энг истеъдодиларидан бири бўлган. Фазал жанри барча ўрта аср шоирлари мурожаат этган назмий шакл бўлиб, уларнинг аксарияти мазкур жанрда ижодий камолотга етиб, шуҳрат топғанлар. Хожа Исмат шеърияти ҳам бундан мустасно эмас. У қолдирган ғазалиётнинг мавзу доираси ниҳоятда бой ва хилма-хил бўлиб, уларда замоннинг ўта долзарб ва кемтик масалалари қаламга олинади. Шоир ўзининг ҳасби ҳол мавзудаги ғазалларида илму адаб ахлининг оғир турмуш тарзи, жоҳил одамларнинг мансабпаастлиги,adolatcizlik каби ижтимоий-сиёсий мавзуларга ҳам ўрин ажратади. Хожа Исмат ғазалиётини кўздан кечирар эканмиз, буюк сўз усталари бўлмиш Шайх Саъдий ва Хусрав Дехлавий каби ижодкорларга пайравлик қилгани, уларнинг ғазалларига жавобия ва тазминлар битганини кўрамиз. Жумладан, Исмат Бухорий Амир Хисравнинг мана бу рангин ғазалига жавобия айтган:

Ишқ аз паи Ҳон гирифт моро,

Халқе ба забон гирифт моро¹.[46, 42]

Хожа Исмат ғазали:

То ишқ инон гирифт моро,

Дил аз ду Ҳаҳон гирифт моро.²[36, 170 а]

Кўринадики, Исмат Бухорий Шарқ ҳалқлари адабиётида мавжуд бўлган назира айтиш анъанасига қатъий риоя қилган. Амир Хусравнинг етти байтлик ғазалига етти байтлик жавобия яратган. Шунингдек, кофиядош

¹ Ғазалининг тўлиқ матни учун қаранг! 9-I.

² Ғазалининг тўлиқ матни учун қаранг! 10-I.

сўзларни имкон қадар сақлашга ҳаракат қилган. Мисраларда ифодасини топган мазмунни шеърхонга кучайтириб, таъкидлаб етказишга хизмат килувчи радифни эса (гирифт моро) айнан такрорлаган. Бундай монандликларни ғазалнинг мавзуи, уларда ҳаракат қиласиган образлар, ҳатто айрим ташбиҳлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Кўринадики, Амир Хисрав ғазалига жавоб айтиш билан Хожа Ислом ўз маҳоратини синовдан ўтказган. Шундай ҳолатни Ҳофиз Шерозийнинг куйидаги “Зоҳиди зоҳирпаст аз ҳоли мо огоҳ нест” мисраси билан бошланадиган ғазалига Хожа Ислом боғлаган тазминидан ҳам билиш мумкин. Фикримиз далили учун уларни назардан ўтказамиш.

Хожа Ҳофиз:

Зоҳиди зоҳирпаст аз ҳоли мо огоҳ нест,

Дар ҳаки мо ҳар чв гўяд, Ҳои ҳеҳ икроҳ нест.

Дар тариқат ҳар чв пеши солик ояд, хайри ўст,

Дар сироти мустаким, эй дил, касе турмоҳ нест.[138, 111]

Хожа Ислом:

Мо ба ёди васлат аз мулки ду олам форигем,

Ошиқи ишки туро парвои молу Ҳоҳ нест.

Синаи мо маҳзани асрори ганҳи ҳикмат аст,

“Зоҳиди зоҳирпаст аз ҳоли мо огоҳ нест”.¹[29, 538]

Бу ўринда ҳам Хожа Ислом Хожа Ҳофиз Шерозий бадиий талқин этган мазмунни назокат билан давом эттириш йўлидан боради.

Қиёсий таҳлиллар жараённида маълум бўлдики, XIV-XV аср I ярмида ўз тараққиёт поғонасининг янги боскичига қўтарилиган ғазалчилик шаклий унсурлари нуктаи назаридан сезиларли тафийр топган эмас. Унинг кофияланиш тартиби, радифли ёхуд радифсиз бўлиши, матлаъи ва мақтаъига қўйиладиган талабларда ўзгаришларни пайқаш қийин. Шундай гапни аср

¹ Парча таржимаси учун қаранг! 11-I.

ғазалчилиги тараққиётида, жумладан, Хожа Исмат, Атоий, Гадоий, Саккокий, Ҳофиз Ҳоразмий ва Лутфийлар шеърияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳожанинг биз назардан ўтказганимиз ғазалларида унинг имкон кадар ихчамликка интилганини кузатамиз. Шоир ғазалларидаги ўзгаришлар эса унинг мавзу ва ғоялар оламига дахлдордир. Яъни, ҳар бир ижодкор ўз даври ва замондошларининг завки, кувончу ташвишлари, замонаси жароҳатларини илгаш ва ўз асрларида ифодалаш йўлидан борганки, шундай холатни Ҳожа Исмат ва унинг туркигўй замондошлари ғазалиётида ҳам кузатиш мумкин. Кўринадики, шеърий шакллар юз йиллар давомида амал қиласа-да, уларда жиддий ўзгаришлар юз бермайди. Аммо ғазалиётнинг мазмун ва моҳияти, мавзу ҳамда ғоялар олами ривожланиб, бойиб боради. Ҳудди шундай гапни Исмат Бухорийнинг қасида, мухаммас, мустазод, таржиъбанд, рубоий, қитъа, фардлари ҳакида айтиш мумкин.

XV аср I ярми адабиётида мухаммас жанрида қалам тебратиши шакллана бошлади. Бир адабиёт ичидаги ва адабиётлараро алоқа ҳамда ўзаро таъсир воситаларидан ҳисобланувчи **мухаммас** ранг-баранг кўринишларда амал қилган. Булардан тахмис-мухаммаслар алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, улар ўзаро таъсирланиш, беллашиш, жавоб айтиши тарзида пайдо бўла бошлади. Шоирлар ўтмишда яшаган ёки замондош ижодкорларнинг энг яхши деб топилган ғазалларига мухаммас боғладиларки, бу маълум маънода ғазал ва унга тахмис килиш шоирнинг ижодий салоҳиятини белгилашда бир мезон-меъёр вазифасини ўтади, дейиш мумкин.

XIV-XV асрнинг I ярми адабиётида мухаммаслар (табъи худ) бармок билан санарли даражада ижод этилган. Адабий фаолияти давомида йигирма минг мисрага яқин шеърлар яратган Ҳожа Исматнинг атиги уч мухаммаси кўлга киритилди. Улар ихчам мухаммаслар бўлиб, беш-олти банддан таркиб топган. Шоир ўзининг қуйидаги матлаълар билан бошланувчи ғазалларига мухаммас битган:

1. Эй, он ки барандохтаи расми вафоро,

Якбора фаромўш макун Ҳониби моро.[27, 14]

2. Эй ҳаҳр, бераҳмб макун, дур аз рухи ёрам макуш,

Гар ман ба күштан лоикам боре чунин зорам макуш.[29, 370]

Хожа Исматга замондош бўлган Атоий, Саккокий, Гадоий ва Лутфийлар мухаммас жанрига мурожаат этишмаган. Ҳофиз Хоразмий девонида эса биргина мухаммаси табъи худ назарга ташланадики, унинг мақтаи куйидагича:

Қани санга ўхшаш санаме ғамзаи ғаммоз,

Сансан бу замон жумла халойиқ аро мумтоз,

Савди сани жон ўйнагали ошиқи жонбоз,

Лутф айла бу Ҳофизга, аё сарви сарафроз,

Чун додгар айлади сани лутф ила довар.[106, 300]

Хожа Исмат ва Ҳофиз Хоразмий мухаммасларининг шаклий унсурлари анъанавийдир.

Тахмис мухаммаслар биз юқорида номларини санаб ўтганимиз шоирлар шеъриятида назарга ташланмайди. Мухаммаснинг бу шаклига мурожаат XV асрнинг II ярми ибтидосида Алишер Навоий ижодиётида кўринади. Улуг шоирнинг “Бадойиъ ул-бидоя” девонидан ўрин олган маликул қалом Мавлоно Лутфийнинг уч ғазалига боғланган тахмислар фикримизга далил бўла олади. Навқирон йигит ёшидаги Алишер Навоийни устоз сўз санъаткорининг кўйида келтирадиганимиз матлаълар билан бошлинувчи ғазаллари ўзига ром этган ва қалам ушлатган:

1. Лайлатул меърожнинг шархи сочи тобинدادур,

Қоба кавсайн иттиҳоди қоши меҳробиндадур.[64, 64]

2. Кўқдадур ҳар дам фифоним кўргали сен моҳни,

Даъвийи меҳринға тонуқ тортадурман охни.[64, 279]

3. Эй, сочинг шайдо кўнгулларнинг саводи аъзами,

Ҳалқа-ҳалқа рухнинг сарманзилидур ҳар хами.[64, 252]

Алишер Навоий тахмисларидан иккитаси беш бандлик ва биттаси етти банддан иборат. Мазкур мухаммасларнинг қофияланиш сирасида ўзгариш сезилмайди. Шунингдек, мактаъда икки ижодкор тахаллусининг келтирилишида ҳам анъанавийликка риоя қилинган. Масалан:

Ҳар гадо эгнида бўлса эски тўн ё чоки жайб,
Билмай асли ниятин қилмоқ ғалатдур шакку райб,
Эй **Навоий**, чун санга маълум эмастур сирри ғайб,
Лутфийни майхонада ошуфта кўрсанг, қилма айб,
Ким бу мажнун ихтиёри зулфи қуллобиндадур.[77,587]

Хожа Исмат ғазал ва қасидадан ташқари замондошлари Ҳофиз Хоразмий ва Лутфийлар каби **рубоий** жанрида ҳам салмокли ижод қилган. Шоирнинг олтмишдан ортиқ рубоийларида мумтоз шеършунослар томонидан шу жанр олдига қўйиладиган барча талабларга изчил риоя қилинганигини қўриш қийин эмас. Яъни шаклий унсурлар (қофия тартиби, радиф, вазн...), фалсафий-маърифий, ахлокий-маънавий, ижтимоий-сиёсий масалаларнинг қаламга олиниши хусусида ҳам ўша гапни айтиш мумкин. Фикримиз далили учун мана бу рубоийни назардан ўтказайлик:

Аз хоби гуурур ҳар ки **бедор нашуд**,
Шоистай ишку маҳрами **ёр нашуд**.

Ҳар дил, ки чашид Ҳуръа аз соғари ишк,
Шуд маст чунон, ки ҳеч **хушёр нашуд**.[45, 63]¹

Юқорида эслатганимиз жиҳатларни Ҳофиз Хоразмий ва Мавлоно Лутфийнинг рубоийларида ҳам қўриш мумкин.

Ҳофиз Хоразмий :
Нокас киши ҳеч маҳрами **жон бўлмас**,
Шўра ер уза боғу **гулистон бўлмас**.

Ким дарди дилоромни севмаса жонтак,

¹ 12-I.

Харгиз ўшанинг дардина **дармон бўлмас**[106, 297-298]

Мавлоно Лутфий :

Эй кўнгул, бу йўлда не **ғамдур санга**,

Ким хаёли ёр **байрамдур санга**.

Севдунг ўз ҳаддингдан ортиқ ерни,

Гар сени куйдурсалар **камдур санга**.[64, 344]

Ушбу рубоийларнинг бири тожик ва иккитаси ўзбек тилида ёзилган бўлса ҳам, уларнинг гоявий мазмуни, шаклий белгиларида (вазндан ташкари) деярли тафовут қузатилмайди. Сатрлар қайси тилда бўлишидан қатъий назар, даврон жароҳатлари, замондошларининг кувончу изтиробларини қаламга олиш, уларга ахлоқий маънавий ўгит бериш, дунё молу мансабининг бақосизлигини таъкидлаш ижод ахлининг диккат марказида турган.

Хожа Исломнинг Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар саройида амирзодаларга аruz, шеър санъати, иншо сингари адабиётшуносликнинг назарий соҳаларидан сабоқ берганлиги шоир шеъриятида жанрлар ранг-баранглигини юзага келишида муҳим омил бўлган кўринади. Ижодкор адабий меросида назмнинг ўн беш жанри намуналарининг учраши унинг салоҳиятли қаламкаш эканлигидан далолат беради. Ислом Бухорий туркигўй замондошлари сингари давр адабиётининг етакчи шеърий шакли бўлган газал жанри тараққиётида ўзининг дилбар шеърлари билан муносиб хиссасини кўшди. Шоирнинг, айниқса, назира ғазаллар ижодкори сифатида адабиёт оламига кириб келиши унинг бу борадаги хизматини яққол намоён этади. Ҳофиз Хоразмий девонида мавжуд бўлган мухаммас, мустазод, таркиббанд, таржиъбанд сингари жанрларнинг бизга маълум бўлган манбаларга кўра туркий адабиётдаги янги адабий ҳодиса сифатида қадри қанчалик баланд бўлса, Хожа Ислом девонидан ўрин олган ушбу жанрдаги шеърлар бу даврда икки халқ орасидаги адабий алоқа юксак мавқега эга бўлганлигини кўрсатади. Шунингдек, шоирнинг чистон, муаммо, мусаддас, мусамман сингари жанрларда ижод этганлиги айни шеърий шаклларнинг

ташаккули ва тараққиётida мухим ҳисса қўшганлигига қаноат ҳосил қилдиради.

1.3 Ҳожа Исмат ғазал ва мусамматларининг жанрий хусусиятлари

Ғазал жанрининг назарий асослари ҳақида атоқли адабиётшуносларимиз томонидан жуда кўп фикр-мулоҳазалар баён этилган. Бу ҳақдаги илк таърифлардан бири Шамс Қайс Розийга тааллукли бўлиб, унинг “Ал-мўъжам” китобида келтирилади: “Ғазал дар асли лугат ҳадиси занон ва сифати ишқибозబ бо эшон ва таҳолук дар дўстии эшон аст”¹[107, 332]. Атоуллоҳ Ҳусайнин ҳам “Бадойиъ ус-санойиъ” асарида бу ҳақда: “Хотунлар била сухбат курмокни севмак, маъшук жамолини зикр этмак”[138, 271] деб, Қайс Розий фикрини тасдиқлайди.

Ғазалнинг формал-поэтик хусусиятлари деганда, унинг қофияланиш усули, матлаъ ва мақтаъ, байтлар сони, тахаллус қўлланиши, тузилиши, ғазалнинг хиллари ва бошқалар назарда тутилади. Одатда, ғазал **а-а** тартибида қофияланган **матлаъ** билан бошланади. Ундан кейинги байтларнинг жуфт мисралари матлаъ билан қофиядош бўлади. Охирги байт **мақтаъ** деб аталади, аксар ҳолларда худди шу байтда (баъзан ундан олдинги байтда) шоирнинг тахаллуси келади[79, 15-16]. Масалан, 5 байтли ғазалнинг қофияланиши қўйидагича бўлади: **а-а, б-а, в-а, г-а, д-а**. Буни Ҳожа Исматнинг мана бу ўзбекча ғазалида равshan кўришимиз мумкин:

Ул парирў шакли оламни гулистан айлади ,	-а
Гул юзи юз гулни хижлатдин паришон айлади .	-а
Қайдаким бўлди хиромон, сочидин анбар сочиб,	-б
Барча хубларни пари шаклида ҳайрон айлади .	-а
Ҳар черикка ул сипоҳи кирди тороч этмака,	-в
Фитна қўзи ўқ уруб юз форати жон айлади .	-а

¹ 13-I.

Анбарин сочлар босиб қошлар, қошинда кўзлари, -ғ

Фамзадин ҳар кимни бир ўқ урди, **қурбон айлади.** -а

Жон учун бошимга келдиму паришон чашми масти, -д

Исмат ул кўзни кўриб ҳам тарки **имон айлади.**[28,152 б] -а

Шеърий мисралар охирида ўзгаришсиз такрорланиб, мазмунни кучайтиришга хизмат қилувчи “айлади” сўзи радиф вазифасида келган. Асрлар давомида шаклланган анъанага кўра ғазаллар радифсиз ёхуд бир неча сўздан таркиб топувчи радифлар ҳам бўлиши мумкин. Чунончи, Мавлоно Лутфийнинг матлаъ ва мақтали келтириладиган мана бу ғазалида радиф тўрт сўздан иборат бўлиб келган:

Сенсан севарим **хоҳ инон, хоҳ инонма,**

Қондур жигарим **хоҳ инон, хоҳ инонма.**

Ишқ ўтида **Лутфий** юзи олтунни ёшурди,

Эй сиймбарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.[64, 22]

Етти байтдан иборат ғазал мисралари охирида келган “хоҳ инон, хоҳ инонма” таъкиду инкор маъносидаги сўзлар шеърдаги оҳангдорликни кўтаришга хизмат қилган. Ҳофиз Хоразмийнинг қўйида кўчирадиганимиз ғазалида эса радиф кўзга ташланмайди:

Боғ ичра хиром айласа ул қад ила **қомат,**

Пайдо бўлур ул дамда туман турлу **қиёмат.**

Қилса назаре **Ҳофизи** бечораға жонон,

Кўрунгай эди барчага ул айни **каромат.**[105 ,75-76]

Шарқ халклари адабиёти таърихида IX-X асрларда (ўзбек адабиётида XIII-XIV) шакллана бошлаган ғазалчилик Атоий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Хожа Исмат ва Мавлоно Лутфий каби шоирлар ижодида тараққиётининг юқори поғонасига кўтарила бошлади. Хожа Исматнинг киёсий девонига 440дан зиёд ғазалнинг киритилганлиги юқоридаги фикримизнинг равшан далили бўла олади. Ўз яшаган даври ижодкорлари ўртасида ғазалнавислиқда пешқадамлардан бўлган Хожа Исматнинг бу

жанрдаги шеърлари таснифотини киёсий девон асосида қуидаги жадвалда күрсатышга ҳаракат қиласыз:

№	Ғазаллар	Миқдори	Хажми
1.	4 байтли	1 та	4 байт
2.	5 байтли	325 та	1625 байт
3.	6 байтли	15 та	90 байт
4.	7 байтли	65 та	455 байт
5.	8 байтли	8 та	64 байт
6.	9 байтли	2 та	18 байт
7.	10 байтли	14 та	140 байт
8.	11 байтли	5 та	55 байт
9.	12 байтли	6 та	72 байт
10.	13 байтли	1 та	13 байт
11.	14 байтли	2 та	28 байт
12.	17 байтли	1 та	17 байт
13.	25 байтли	1 та	25 байт
Хаммаси		446 та	2602 байт

Шарқ халқлари адабиётида ғазалчиликнинг тузилишига доир шаклланган анъаналари мавжуд. Ўша қонуниятга кўра, байтларнинг ўзаро ғоявий боғланиши мусалсал ва пароканда кўринишларда намоён бўлади. Бу бир жиҳатдан ғазалнинг ғоявий мазмунига боғлик бўлса, иккинчидан, ижодкорнинг танлаган мавзуу ва мақсадига алоқадордир.

Кўпинча ғазал байтлари бир-бири билан алоқадор бўлиб, бир байт ўзининг мазмуни ва образи билан бошқа байтни тўлдиради ва биргаликда яхлит бир манзарани ташкил этади. Бундай шеърлар якпора, тадрижли ғазаллар дейилади. Масалан, Хожа Исламнинг қуидаги ғазалида байтлараро узвий боғлиқлик жуда мустаҳкам:

Аз баски оташи Ҳигарам ғайри Ҳон насўхт,
Дар ҳайратам, ки чун зи дами ман Ҳаҳон насўхт.
Он даме, ки килки сунъ хаёли хатти ту баст,
Аз лаъли оташини туаш чу забон насўхт.[29, 265]¹

Кўринадики, мазкур ғазалда ҳам ошиқнинг ҳижрон азобларидан нолишлари қаламга олинган. Ошиқ висол орзусида талпинади, ҳижрон азоблари уни кўйдириб кул қиласи, лекин у барибир баҳтиёр. Байтлараро алокамандлик ва узвий боғлиқлик ғазал мазмунининг бир бутун чиқишига ёрдам берган. Бундай якпора ғазаллар Мавлоно Атоийнинг девонида ҳам кўплаб учрайди. Масалан, мана бу парчада ўшандай манзарани кузатиш кийин эмас:

Менгиз ё равзаи ризвонмудур бу?
Оғиз ё ғунчаи хандонмудур, бу?
Қароқчи кўзлари ким, кўрса айтур:
Ажаб айёри Туркистонмудур бу?[132, 420]

Равшан бўлаётирки, Мавлоно Атоий маъшуқанинг юз, оғиз ва кўзлари таърифини рангин ва бир-бирига мантиқан алокадор мисраларда бадиий акс эттирган. Маъшуқанинг чехрасига доир бундай дилбар мисраларни Саккокий, Ҳофиз Ҳоразмий ва Мавлоно Лутфий ғазалларида ҳам учратамиз. Айтилганлар нуқтаи назаридан маликул каломнинг куйидаги сатрлари дикқатни ўзига жалб этади:

Юзунга бокса имон нури зохир,
Кўзунга бокса, Хайбар кофарисен.
Бу сарв қадду бу шакл шева бирла,
Айитқил рост кимнинг сарварисен.[64, 201]

Манбаларнинг шаҳодатига кўра, сехру жодуда Кашмир гўзалларига етадигани йўқ. Шундан бўлса керак, Мавлоно Лутфийнинг юқоридаги

¹ 14-I.

сатрларида ўшандай ишоралар назарга ташланади. Шунингдек, хуру парилар, еру самодаги барча ноёб ашёларни маъшуқага нисбат берган муаллиф тадрижийлик санъати асосида гўзал якпора ғазал яратган.

Ижодкор замондошлари каби Хожа Исмат ҳам ғазалдан ғазалга кўчгани сайин якпораликка урғу беради. Айниқса, унинг қиёсий девонида зикри ўтган тузилиш (композиция) асосида ижод этилган ғазаллари кўп. Масалан, қўйидаги ғазалда ҳам шоирнинг лирик қаҳрамони ёрнинг гўзаллигини турли воситалар ила васф этади, шу гўзалликдан баҳра олиш, висол жомини ичишни орзу килади:

Даҳани танги ту аз писта шакар мерезад,
Писта аз хукқаи ёкут гуҳар мерезад.
Холи хинду туро майл ба тасхири дил аст,
Бар сарам оташ аз он анбари тар мерезад.
Гўйё фунча зи лаъли ту ҳабар мегўяд,
Ки сабо дар даҳанашхурдаи зар мерезад.
Рангу рўят чу маро пеши назар меояд,
Ашкам омехта бо хуни Ҳигар мерезад.
Чашми Исмат ба умеде, ки ту ногаҳ гузар^b,
Дурру ёкут ба ҳар роҳгузар мерезад.[29, 314]¹

Хожа Исматнинг тўла матни кўчирилган якпора ғазали мисраларида ажаб бир манзара назарга ташланади. Матлаъда маъшуқанинг оғзи ярим очиқ пистага ўхшатилади. Писта ичидаги мағз эса шакарга (маъшуқанинг обдор лабига) қиёсланади. Яъни маъшуқанинг фунча мисол лаби оби ҳайвон маҳзанидир. Иккинчи байтда эса, маъшуқанинг хинду холи ва у уйғотадиган таассурот, ундан тараладиган хушбўй хид каби лавҳалар бадиий ифодасини топган. Учинчи байтда яна маъшуқанинг лаби таърифига қайтилади. У оддий лаб эмас, лаъл (ранг ва қиймат)га ўхшатилади. Яъни ўша қизил ва митти

¹ Таржимаси учун қаранг! 15-I.

оғизча ғунчани хотирга келтиради. Юқоридаги ташбихлар янада мантикий давом эттирилади ва оғизча зар хуққага нисбат берилади. Ана шу изчилликка риоя этиш ғазал мақтаъига қадар давом этади.

Хожа Исмат ўз ғазалларида “Исмат” тахаллусини қўллаган. Шоир ғазалларида тахаллуснинг ишлатилиши анъанавий бўлиб, аксарият ҳолларда ғазалнинг мақтаъида келади. Гарчи мазкур сатрлар тожик тилида иншо этилган бўлса-да, туркигўй шоирларнинг ғазалларида бўлганидек, жуда кўп муштарак жиҳатлар назарга ташланади. Бундай монандликлар маъшуқага нисбат берилувчи сифатловчиларни қўллаш орқали тадрижийликни ҳосил килиш, тахаллуснинг қўлланилишидаги маҳоратда ёрқин намоён бўлади.

Тузилишига кўра пароканда тарзида тилга олинадиган ғазалларга нисбатан қўлланиладиган атама ўта нисбий моҳият касб этади. Матлаъда бошланган мазмуннинг бадий ифодасида якпора ғазалларда назарга ташланадиган изчиллик қузатилмайди, бироқ ошиқу маъшуқнинг руҳий ҳолатига доир жараёнларнинг ифодаси ўша мисраларни бир-бирига алоқадор килиб қўяди. Буни Хожа Исматнинг қўйидаги сатрларида қузатиш мумкин:

Зи давлат боз коре ҳоҳад омад,
Ба майдон шаҳсаворе ҳоҳад омад.
Шикоят кам кун аз дарду ғам, эй дил,
Ки хуррам рўзгоре ҳоҳад омад. [29, 320]¹

Кўринадики, матлаъда давлат ва шоҳлик билан алоқадор ишоралар хусусида мулоҳаза юритилади. Иккинчидан, отда келган маъшуқанинг узокдан кўриниши ошиқ учун катта давлатдир. Бироқ ғазалнинг кейинги байтида ана шу жараёндан жиндак чекинишдай ҳолат қузатилади. Шеър қаҳрамони ўз дилига мурожаат қиласкан, ғамдан йироқроқ туришга даъват этади. Шеърнинг кейинги сатрларида ҳам ана шундай “нисбий чекинишлар” қузатилади. Лекин маъшуқа жафолари уйғотган хижрон тасвири сатрларни “сочилиб” кетишга қўймайди. Хожа Исмат ғазалларида кўринадиган бундай

¹ 16-I.

жараёнлар Мавлоно Гадоий шеърияти учун ҳам бегона эмас. Жумладан, унинг мана бу сатрларида парокандалик аломатлари намоён бўлади:

Ул зулол эрнинг бор эргач, бу кўнгул жон истамас,
Бовужуди дарди ишқинг доғи дармон истамас.
Умри жовидон эрур хақдин мангаким хотиrim,
Хоки пойинг бор эканда оби ҳайвон истамас.[43, 63]

Атоий, Саккокий, Лутфий ғазалларида амал қиладиган парокандалик ҳодисаси ғазалчилик тараккиётидаги фазилатлардан биридир. Чунки ўшандай майл туфайли Шарқ ҳалқлари адабиётидаги ғазалиёт мавзу ва ғоялар олами нуктаи назаридан янада кўламдорлик касб этади.

Мусаммат ўзбек мумтоз адабиётида энг кўп тарқалган ва бир неча шеърий шаклларни ўзида бирлаштирувчи атамадир. XIV асрнинг II ярми XV аср I ярми адабиётида мухаммас, муссаддас ва мусамманда оз бўлса-да асарлар ижод этилган. Ижодлари таҳлилга тортилган шоиrlардан фақатгина Хожа Исмат ва Ҳофиз Хоразмий девонларида мусаммат намуналарини учратамиз.

Е.Э.Бертельснинг фикрича, форс-тожик мумтоз шеъриятида мусамматнинг айрим шакллари дастлаб XI аср шоири Манучехрий ва Қатрон Табризий ижодида кўринади [23, 360]. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, мусамматнинг илдизлари ёзма шеъриятдан анча илгари ҳалқ оғзаки ижодида пайдо бўлган эди. Худди шундай ҳолатни туркий ҳалклар, жумладан, ўзбек адабиётида ҳам кўрамиз. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Махмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит-турк” асарига кирган банд асосида қурилган кўпгина шеърларни кўрсатиш мумкин.

Таъкидлаш жоиз, XIV аср II ярми ва XV аср I ярмида мусаммат таркибига кирувчи жуда кўп шеърий шаклларга (мусаллас, мураббаъ, мусаббаъ ва ҳоказо.) умуман мурожаат килинмаган. Жумладан, Гадоий, Саккокий, Атоий, Лутфийлар шеъриятида бундай жанр намуналари

учрамайди. Хожа Исмат ва Ҳофиз Хоразмийлар меросида мухаммаслар борлигини юқорида кўрдик.

Хожа Исматнинг киёсий девонида биргина **мусаддас** кўзга ташланади. Ошиқона мавзудаги бу жанр намунаси беш банд, ўттиз мисрадан иборат бўлиб, адабиётшуносликка доир ишларда таъкидланган барча талабларга мувофиқ яратилган. Буни мусаддаснинг биринчи бандида кўриш мумкин:

Эй лабат чашмаи ҳайвони касе,	-а
Гамзаат форати иймони касе.	-а
Мазан, эй ғунчай хандони касе,	-а
Намаке бар дили бирёни касе.	-а
Эй, зи сар то ба қадам Ҳони касе,	-а
Хон кашам пеши ту Ҳонони касе.	-а

Хожа Исматнинг киёсий девонидан жами беш мусаммат ўрин олган бўлиб, улардан тўрттаси мусамман ва биттаси мусаддас шаклида иншо этилган. Мусамманлар жами 220 байтни ташкил этади. Биринчиси парвардигорга ҳамд тарзида битилган бўлиб, ўн саккиз бандни, иккинчиси расули акрамга бағишланиб ўн уч бандни, учинчиси саккизинчи имом саналмиш Али ибн Мусо ар-Ризо мадҳига бағишланган бўлиб, ўн тўрт бандни ва охирги мусамман амирзода Жўигига бағишланган бўлиб, ўн бандни ташкил этади.

Киёсий девоннинг 529- бетида “Мухаммас” сарлавҳаси остида келтирилган мусаммат аслида мусаммати мухаммас эмас, балки мусаммати мусаддасdir. Хожа Исматнинг ушбу мусаммати бадиий жиҳатдан юксак даражада яратилган бўлиб, ўзига хос жанрий хусусиятларга эга. Шоир бунда мусаддаснинг гўзал бўлиши учун “тажнисли қофия”дан фойдаланган. Барча мисраларда кўлланган **касе** сўзи радиф бўлиб келган. Шоир қофия танлашда ҳам моҳир эканлигини кўрсатиб бера олган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Хожа Исмат ғазал ва мусамматлари

жанр хусусияти нүқтаи назаридан мумтоз адабиётшунослар томонидан зикри ўтган шеърий шакллар олдига қўйиладиган барча талабларга тўла мос келиб, шоир маҳорати туфайли уларнинг бетакрор намуналари яратилган. Ижодкорнинг тузилишига кўра мусалсал газаллар битганлиги ғазалнавислиқдаги маҳоратининг бир кўриниши сифатида намоён бўлади. Хожа Исмат ўз даврининг забардаст шоири эканлигини унинг мусамматнинг турли кўринишларида қалам тебратганигидан ҳам англаш қийин эмас.

1.4. Хожа Исмат ва Саккокий қасидаларининг ўзига хослиги, мавзу ва ғоялар олами

Хожа Исмат Бухорий ўз замонасининг кўзга кўринган истеъодли шоири эканлигига унинг салмокли адабий мероси гувохлик беради. Адабиётшунослар шоир ижодий фаолиятига юкори баҳо бериб, уни ғазал, қасида, мусаммат ва рубоийнавислиқда алоҳида маҳорат кўрсатганигини таъкидлайдилар. Бу ҳол бежиз эмас, албатта.

Манбаларнинг гувохлик беришича, XIV-XV асрларда Мовароуннахру Хуросондаги адабий муҳитларда қасиданавислик ривожланди. Зикри ўтган юзийилликларда Ўрта Осиёда темурийлар давлатининг шуҳрат қозониши, тождорларнинг адабиёт ва санъатга алоҳида эътибор қаратиши давр шеъриятида қасидачиликнинг ривожига йўл очди ва айрим қаламкашлар бу жанрнинг нодир намуналарини яратишга эришдилар. Жумладан, Хожа Исмат ижодида ҳам қасида муҳим ўрин эгаллаб, шоирнинг киёсий девонида етмиш тўккиз қасидасининг мавжудлиги ҳам ўша фикрнинг далилидир¹.

Исматшуносликка даҳлдор бир қатор ишларда Хожа Исматнинг қасидалари ҳақида айрим мулоҳазалар баён этилган. Аммо уларда жиддий таҳлиллардан кўра кўчиб юрувчи, такрорий ва умумий қайдлар назарга ташланади. Бошқача айтганда, аксарият муаллифлар муайян шеър таҳлилидан кўра маълум қайдларни такрорлаш йўлидан боришади.

¹ Шоир қасидалари жадвали учун қаранг! 17-I.

Шоир қолдирган қасидаларни синчилаб назардан ўтказиш, унинг адабий тажрибасида қасидага мурожаатнинг икки босқичда амалга ошганлигидан далолат беради: биринчи босқич-шоирнинг Амир Темур, Халил Султон ва Мирзо Улуғбек саройида хизмат қилган даври; иккинчи босқич-шоир ҳаётининг кексалик даври.

Амир Темур, Халил Султон ва Мирзо Улуғбек саройида хизмат қилган даврида Хожа Исмат ранг-баранг шеърий жанрларга қўл урди. Шоирнинг айни даврдаги адабий тажрибасида қасидачилик марказий ўринда турса-да, у илоҳий-ирфоний, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий ғоялар такмилига ургу берди. Қасидаларида мазмуний теранлик баландлаша борди.

Хожа Исмат қасидаларининг мавзу ва ғоялар олами ҳам жуда кенг бўлиб, айни шеърларда шоир мадраса васфи, Самарканд шахри, унинг табиати, баҳор фасли манзаралари, куз фаслининг хос жиҳатларини катта завқу шавқ билан тараннум этади. Баҳор фаслининг қалбларга илиқлиқ ва ёшариш олиб кириши, наврӯз айёми, ерга дехқон уруғ сочиб ризқу рӯз этиштириши шоир томонидан алоҳида мамнуният билан бадиий талқин этилади. Бу қасидаларнинг мазмун моҳияти фақатгина баҳор фасли ҳакида бўлмай, шоир шу билан бирга ўз руҳий кечинмалари, мамнунияти, хушнудлиги ва самимиятини ҳам изҳор этади. Бу анъанавий адабий ходиса устоз Рўдакийнинг машхур қасидаларида ҳам учрайди. Хожа Исматнинг одам-уш шуаронинг пайрави сифатида унга татаббулар қилгани шундан далолат беради. Шоирнинг баҳория туркумига мансуб қасидасининг куйидаги мисралари муаллиф каламининг ноёб сехридан дарак беради:

Боди баҳор медиҳад муҳдаи рўҳпарварబ,

Хатти бунафша мекашад бар вараки гули тарబ.

Боди сабо ҳамедиҳад Ҳилваи хурпайкарон,

То ба бихишли Ҳовидон боғ кунад баробарబ...

З-абри баҳор ҳар касе оби ҳаёт меҳурад,

Нест нишоти зиндаги¹, гар ту ғами Ҳаҳон хўрб.[29, 239-240]¹

Кўринадики, шоир оддий сўзлардан тасаввурни тўлқинлантирадиган гўзал сатрлар яратган. Мисраларда кўлланган бадиий-тасвирий воситалар ва уларнинг марказида турадиган таносуб санъати шеърий сатрлардаги оҳангдорликни ҳам таъмин этган. Эслатилган мисраларнинг мусиқий оҳангиги ўзи билан эгизак яшайди. Шоирнинг моҳирлиги яна шундаки, у ана шундай дилкаш манзара бағрига нозик ишоралар ёрдамида ижтимоий-сиёсий ғояларни сингдиришга, ҳаётсеварлик, инсонпарварлик туйғуларини акс эттиришга муюссар бўлади. Бундай майлни Хожа Исламтнинг баҳор таърифига бағишлаган мана бу шеърида ҳам кўрамиз. Қасиданинг рангин мисраларида баҳорнинг келиши билан табиатнинг уйғониши, ариқ бўйларида район ва лолаларнинг очилиши, қумрию булбулларнинг ҳаёт қўшигини куйлаши ва айни дилбар манзаранинг ошикларнинг дилига чўғ ташлаши билан алоқадор жараёнлар ҳам бадиий талқинини топади:

Оқибат боди баҳор^b рўхпарвар гашт боз,

В-аз раёхин боғ чун фирдавси акбар гашт боз...

Соқиёни айшро дар базмгоҳи лолазор,

Хоми ёқут^b қарини дурҳи гавҳар гашт боз.

В-аз сарангушту лабу чашми бутони майпараст,

Нуқли маston финдику бодому шаккар гашт боз...

Булбули хушгў чу аз васфи гул омад дар сурур,

Қумрй аз ҳасрат ба дарди дил навогар гашт боз. [29, 126-128]²

Қасидачиликнинг анъанавий шаклий унсурларига риоя этган шоир унинг мавзуу ва ғоялар оламини бойитишга алоҳида эътибор каратади. Муаллиф Оллоҳ томонидан Одам Ато зурриётларига ҳадя этилган мулки борлиқ неъматларидан баҳра олиш, уларга одилона ва оқилона муносабатда

¹ 18-I.

² 19-I.

бўлиш тарафдоридир. Шунингдек, ҳаёт ошиқларини бу жаннатмакон манзараларни асраш, уни янада кўркамлаштиришга даъват этади.

Хожа Исмат ҳакида маълумот берувчи манбаларнинг гувоҳлиги ва шоирнинг қўлёзма девонлари таркибида келган қасидалар унинг Самарқандда яшаган йилларида ҳам айни шеърий шаклларга кенг ружу килганилигидан далолат беради. Жумладан, қуйидаги мисралар “Ер юзининг сайқали” Самарқанд мадхига бағишлиланганлиги билан эътиборга моликдир:

Хушо ҳавои Самарқанду хоки пургухарашиб,

Ки кардаанд гул аз оби чашмаи хунарашиб.

Зи рўху нузҳати ашъори таҳтаҳуланҳор,

Раво бувад, ки бихони биҳиши номвараш...[29, 150-153]¹

Кўринадики, шоир Самарқанд тупроғини гавҳарга тенг, ҳавоси танга хуш ёқувчи, ер юзининг жаннати каби таърифлар билан изоҳлайди. Олим ва хунарманду косиблар макони сифатида бу азим шаҳарни улуғлайди.

Хожа Исмат қасидаларида назарга ташланувчи мавзу ранг-баранглиги, ҳаёт завки нашидаси, табиат тароватидан баҳраманд бўлишга ундаш, юрт муқаддаслиги каби туйғулар Саккокий қасидаларининг ҳам мағз-мағзига сингдирилган. Азиз умрини Мовароуннаҳр, унинг бош шаҳри Самарқанд худудларида ўтказган туркигўй шоир, юрагига жунбуш солган айни манзараларни шеърий мисраларида қуйидагича акс эттирган:

Сабо келди сафо бирла кетур, эй соқий, сахбони,

Ўлуб куттуғ элингга берки, тут ул жоми мусаффони.

Кетиб қиши заҳмати келди муборак ёз била раҳмат,

Кечакундуз керак қилсак чаман сахнида маъвони.

Кечар худ дунёда умру ғаму шодию завқу айш,

Эшитгил кечасун зое гули гулзор навқони.[94, 10a-11б]

Саккокий қасидаларининг насиб ва мадҳ қисмларидағи айни лавҳалар шеърхонга бадиий завқ бағишлиб, инсон учун бир мартагина бериладиган

¹ 20-I.

синов дунёсидаги умрни қадрлаш, уни солиҳ амалларга сарфлашга ундаиди. Юқоридаги мисраларнинг мантикий давомидай акс-садо берувчи мана бу мисраларда эса наврўзи олам ва унинг шукухига ишоралар кетади:

Рабиъ келди қилди жаҳонни шоду хуррам,

Чу гул шаъниға ясади чаманда тахту хуррам.

Шамол ҳол тилидин чаманға айттурким,

Сурур келдио кетти ғаму кудурат ҳам.[94, 76]

Кўчирилган мисралардаги яна бир жиҳатни таъкидлаш жоиз кўринади. Яъни, шоирона қалбнинг ширин орзулари–табиатда юз берадиган уйғониш, янгиланишнинг эл-улус тақдирида ҳам амал қилиши, гина-кудурат, ғамаламларнинг ўргадан кўтарилиши каби туйғуларнинг мисраларга сингдирилишида намоён бўлади.

Самарқанднинг бетакрор манзаралари, Афросиёб тепаликларидағи лолакизғалдоқларнинг ял-ял ёнувчи лавҳаларидан бекиёс завқ олган Хожа Исмат ва Саккокийлар, ўша жаннатий кўрку тароват билан мисраларини сайқаллаш орқали қасидаларининг мавзу ва ғоялар оламини бойитишига мұяссар бўлган.

Хожа Исмат Халил Султон ва кейинчалик Мирзо Улуғбек саройида юз берган ижтимоий-сиёсий воқелик тагзаминида темурий шаҳзодалар ва бошқа хукмрон табака вакиллари фарзандларига фикҳ, фалсафа, аruz, нотиқлик ва адабиёт каби фанлардан сабоқ бериш билан бирга уларнинг айримларига бир-биридан гўзал қасидалар бағишилади. Шоирнинг қассирият қасидалари шу икки хукмдор – Халил Султон (40 та қасида) ва Мирзо Улуғбек (13 та қасида) ларга бағишиланадики, биз ишимизнинг айни саҳифаларида ўшалардан айримларини Мавлоно Саккокий қасидалари билан қиёсий ўрганишга ҳаракат қиласиз.

Хожа Исмат қиёсий девонида Халил Султонга бағишиланган 64 байтлик қасида мавжуд. Шарқ халқлари адабиёти тарихидаги қасидачиликнинг барча анъанавий талабларига жавоб берувчи бу манзума юксак бадиийлиги билан

ҳам ажралиб туради. Шундан бўлса керак, мазкур қасида Алишер Навоийнинг эътиборини тортган ва “Халил отига яхши қасидалари бор” тарзидаги таъкидига сазовор кўрилган. Маълумки, қасидалар ғазалнинг кофия сирасига ўхшаб қофияланади. Бундай ҳолни Хожа Исломнинг таҳлил этиётганимиз қасидасининг ташбиб (насиб) қисмидаги қўйидаги парчада ҳам равshan кўришимиз мумкин:

Ин баҳри бекарон, ки Ҳаҷонест дар бараш,	-а
Фаввоси акли кулл бизад пай ба гавҳараш.	-а
Мах - аксе аз лавомеи лавҳи музахҳабаш,	-б
Хуршед - нақше аз сафаҳоти масаввараш.	-а
Ҳурони равзаро зи ҳаёл карда дар кусур,	-в
Нақши бутони лоларухи сарвпайкараш.	-а
Бар лавҳи чарх гарм ҳамегардад офтоб,	-г
Аз баҳри мўҳра кардани авроқи дафтараш...[29, 131] ¹	-а

Шамсиддин Қайс Розий, Шайх Аҳмад Тарозий каби мумтоз шеършуносларнинг қасидага доир кўйган талабларига қатъий риоя килингандигини мазкур қасидада равshan кўрамиз. Ўша талабларга кўра, қасиданинг энг кичиги 15 байт, энг каттаси эса юз ўттиз байтдан зиёдроқ бўлиши таъкидланган. Кўринадики, Хожа Ислом айни талабларнинг ўрта миқдорини қабул қилган. Анъанага кўра, ташбибда мақталувчининг фазилатлари ёритилиши, кўзда тутилган мавзунинг кирралари бўёқдор бадиий тасвирини топиши лозим. Хожа Исломнинг қасидасидан келтирилган парчада биз буни равshan кўрамиз. Шоир юксак мажозийлик талабларига ургу беради ва Халил Султонга нисбатан табиатдаги энг нафис ҳодисаларни ташбих сифатида қўллайди. Илоҳий-ирфоний, фалсафий-маърифий сарчашмалардан пишиқ хабардор бўлган шоир бадиият жилоларини сатрдан-сатрга кўчгани сайин кучайтириб боради. Қасида муаллифини Халил

¹ 21-I.

Султондаги юксак бадий истеъдод кўпроқ қизиктиради ва у ўз қаҳрамони шаънига мана бу сатрларни битиб қолдиради:

Салмон дар иқтибос зи нури қасоидаш,
Дар рўҳ Саъд**b** аз ғазали рўҳпарвараш.
Ҳоқон**b** аз бадои шеъраш гирифта файз,
Музтазҳар Анвар**b** ба маонии анвараш.
Аз маснавиаш рўҳи Низомияст дар сурур,
Дар фарду китъя Ибни Ямин мадҳустараши...[29, 131]¹

Бундан англашиладики, амирзода юксак истеъдодга эга бўлиб, шоир уни шеър илмида Саъдий, Анварий, Низомий, Салмон Соважий, ибн Ямин ва Ҳоқонийлар билан рақобату баҳсга кириша олишини таъкидлайди. Агар Ҳожа Исмат берган баҳони ҳақиқатга яқин деб ҳисобласак, амирзода Халил Султоннинг қисқа муддат салтанат ҳукмрони бўлганини эмас, балки қисқа умри мобайнида Мовароуннаҳр адабиётига кўшган хиссаси нуктаи назаридан янги бир сиймонинг ижодини қашф этамиз.² Ҳожа Исмат қасидасини Халил Султон мадҳига бағишланган қўйидаги байтлар билан якунлайди:

Поянда бод зоти ту бар авҳи салтанат
Давлат муину носиру иқбол ёвараш.[29, 135]

Носирий тахаллуси келтирилган қасидада Ҳожа Исмат шу жанрга доир, мумтоз шеършунослар ўртага қўйган яна бир талабни амалга ошириб, ўз талқинидаги қаҳрамоннинг келажагига катта умид билан қарайди.

XIV асрнинг II ярми ва XV асрнинг I ярми адабиётида қасидачиликка ружу қилган ижодкорлардан яна бири Мавлоно Саккокийдир. Профессор Э. Рустамовнинг таъкидига кўра, Саккокий қасидаларининг умумий сони ўн биттадир[93, 55]. Чиндан-да, шоирнинг ЎзРФАШИ кўлёзмалар фондида 7685 инвентар рақами остида сакланбаётган девонидан 11 қасида жой олган. Лекин

¹ 22-I.

² Амирзода Халил Султон фаолиятига доир айрим лавҳалар 23-иловада берилади.

ўшалардан Улугбек Мирзо мадхига бағишлиланган биргина қасида шоирнинг тўплами ва бошқа мажмуаларга киритилган, холос. Ўттиз тўрт байтлик мазкур қасида шу жанр олдига қўйиладиган барча талабларга тўла жавоб беради. Унинг матлаъ ва мақтаи қўйидагичадир:

Жаҳондин кетти ташвишу мабодойи амон келди,

Халойиқ айш этинг, бу кун сурури жовидон келди...

Жаҳонда қарнлар тирик бўлуб иззат била турғил

Азал вактида чун отинг шахи соҳибкорон келди.[132, 283-284]

Шоирнинг тахаллуси қасиданинг 31-байтида келган. Унинг қолган қасидалари хусусида ҳам шундай гапни айтиш мумкин. Яъни мисраларда тасвирланаётган мазмун такозосига кўра, муаллифнинг тахаллуси турли ўринларда келтирилади. Саккокийнинг кенг китобхонлар оммасига тақдим этилмаган ўнта қасидасининг ҳажми турлича. Жумладан, шоир қасидаларининг тўрттаси Улугбек Мирзога бағишлиланган бўлиб, улар 21, 25, 41 ва 54 байтдан иборат. Мадҳ этилиш борасида иккинчи ўринда Туркистон хокими Арслонхожа Тархон туради. Унинг шарафига 15, 36 ва иккита 43 байтдан иборат жаъми тўрт қасида иншо этилган. Шунингдек, шоир темурий тождор Халил Султон отига 30 байтлик мадҳ битган. Девондаги энг ихчам қасида 11 байтдан таркиб топган бўлиб, Хожа Порсога бағишлиланади. Шундай килиб, Саккокийнинг кенг китобхонлар хукмига ҳавола қилинмаган қасидаларининг умумий ҳажми 289 байт ёки 578 мисрадан иборатdir.

Албатта, бундай гурухлаштиришнинг нисбий эканлигини эсдан чикармаслик лозим. Чунки ўша асарларда даврнинг пешқадам ижодкори бўлган Саккокийнинг илохий-ирфоний, ижтимоий-сиёсий, ахлокий-маънавий карашлари, даврон ва унинг аҳлидан, фалакнинг носозлигидан шикоят, шахсий қувончу изтироб ва орзулари ўзининг бадиий ифодасини топган.

Хожа Исмат сингари Саккокий ҳам “Дар бораи Халил Султон” сарлавҳали ўттиз байтлик қасида иншо этган. Қасидачилик анъанасига кўра, ушбу асар ташбиб (насиб) билан бошланади. Шоир насибда ўзининг теран

шоирлик салохиятини ишга солади ва навқирон шаҳзода шаънига қўйидаги рангин мисраларни бағишлайди:

Фунча оғизлар ғунжидин кат-кат бу бағрим кон эрур,
Дур тишларинг жавридин ҳар дам кўзум умён эрур.
Гул юзунгни кўргали юз пора килди ўзини,
Сунбул кўрубон зулфунгиз шайдоу саргардон эрур.
Лоланга куббангни кўруб недин карорўй дегажак,
Ул ҳам бу ҳасрат ўтида ментек бино кўйғон эрур.¹ [94, 5a-6a]

Ҳар иккала шоирнинг Халил Султонга бағишиланган қасидаларини қиёсий ўрганиш жараёнидан англашиладики, улардан бири тоҷик ва иккинчиси ўзбек тилида иншо этилганлигидан қатъий назар, навқирон шаҳзода ва унинг шахсига муносабат бобида жуда кўп муштарак жиҳатлар кўзга ташланади. Ҳожа Исмат сингари Мавлоно Саккокий ҳам қасидасининг асосий қисмида энг нозик ва нафис туйғуларини асар қаҳрамони шаънига раво кўради. Мана бу мисралар айтгандаримизга гувоҳдир:

Бошта қилур эрди қошинг, кўнглум ҳақида эгрилик,
Кўз қоқкил, ўзни асрасун даври Халил Султон эрур.
Бўриким онинг хавфидин чўпон уюмас эрди хеч,
Холо шаҳаншоҳ адлидин қўйларға ул чўпон эрур...
Бахром онинг душмани ҳақида бир ханжар гузор,
Соқчи саройи токининг айвонида кайвон эрур.
Эй хусрави соҳибқирон Эрон сенинг, Турон сенинг,

Пок ол юрибон ер юзин ёр баҳтинг ул султон эрур. [94, 5a-6a]

Шарқ ҳалқлари адабиёти тарихида раиятни қўйлар суруви, яшнаган боғ, серҳосил экинзорга ва одил подшони тадбиркор чўпон, тиришқоқ боғбон, миришкор дехқонга қиёслаш анъана тусини олган. Шундай майлни Ҳожа Исмат ва Саккокийларнинг таҳлил этилаётган қасидаларида ҳам кузатамиз. Халил Султон сергак чўпон бўлғанлиги туфайли, унинг сурувига

¹ 24-I.

бўрилар яқинлашолмайди. Амирзоданинг келажагига катта умид боғлаган шоирлар, унинг нафакат Мовароуннахру Хурросон, балки Эрону Турон тахтида кўришни ҳам орзу килишади. Хожа Исломнинг қасидаси каби Саккокийнинг мазкур шеърида Шарқ ҳалқлари қасидачилигининг яна бир талаби—мадҳ этилаётган тарихий шахснинг ёрқин келажагидан умидворлик туйғуси ифодасини топган.

Ортсун янги ойтек сенинг кун кулмишга давлатинг,

Ҳам тўлин ойтек эксугай хар ким анга пужмон эрур. [94, 5a-6a]

Халил Султонга аталган икки қасидани мутолаа қилиш жараёнидан англашиладики, ҳар иккала сўз санъаткори ёш тождорнинг тимсолини яратишда тарбиянинг таъриф (мақтov) усулини хуш кўришган. Яъни, Халил Султоннинг ижтимоий-сиёсий фаолиятида тўла шақлланиб улгурмаган энг эзгу сифатларни унга нисбат бериш билан ҳукмдорни яхшиликка даъват этишган. Айни майл Хожа Ислом қасидасида Халил Султон табиатидаги бадиий завқни форс-тожик адабиётининг забардаст вакиллари билан тенг кўришда намоён бўлса, Саккокий шахзоданинг тождорлигини авж пардада кўрсатиш билан қалбига таскин беради.

Юкорида таъкид этканимиздек, Хожа Исломнинг ўн уч қасидаси Улуғбек Мирзо мадхига бағишлиланади. Улардан энг кичиги 34 ва энг каттаси 78 байтдан таркиб топган. Ҳажмдаги бундай тафовутлардан қатъий назар, улар мукаммал қасидалар бўлиб, шу шеърий шаклнинг барча унсурларини (насиб, гурез, мадҳ, талаб, хотима) ўз ичига олади. Муайян қасиданинг у ёки бу мавзу, ёхуд тарихий шахс фаолиятининг қайси жихатини ургу билан ёритилишини ўша қасиданинг ташбибидаёқ пайқаш мумкин. Масалан, Хожа Исломнинг Улуғбек Мирзога бағишлиланган ўн уч қасидасининг насиб (ташбиб) қисмлари хусусида ҳам шундай гапни айтиш ўринлидир. Жумладан, ўша қасидалардан бирининг ташбиб қисмида ўқиймиз:

Шоҳи анҲум чун берун омад зи қасри зарнигор,

Кард гардун аз кавокиб домани гавҳарнисор.

Чун ғубори шаб бирафт аз сафҳаи руҳкори рӯз,

Офтоб аз пеши руҳ бардошт зулфи шомитор.¹[29, 101]

Юкоридаги мисраларни мутолаа килган шеърхон маъно ришталарининг фалакиёт олими шахсига даҳлдорлигини пайқай олади. Чунки, биринчи сатрдаги “шоҳи анҲум” иборасини ҳаммага ҳам бирдай қўллаб бўлмайди. Мингдан зиёд юлдузларнинг ҳолат ва харакатини кузатиши натижасида “Зижи Кўрагоний”ни ёзган Улугбек Мирзогина ўша унвонга сазовордир. Шоир ўз тасавуридаги шоҳи гозийга хос нодир фазилатларни Мовароуннаҳр таҳтида кирқ ийл салтанат сурган, илм, адабиёт, санъатнинг фидойи ҳомийси ва замонларнинг беназир олими Улугбек Мирзо қиёфасида кўради. Шундан бўлса керак, Хожа Исмат “Зижи Кўрагоний”нинг муаллифи ҳисобланган айни маърифатпарвар тождорга юксак ихлос билан қасидалар бағишлайди. Мана шоирнинг ўшандай бир мадҳиясидан парча:

Ба базми шоҳи аъзам, ба пеши ғуломонаш,

Ман аз дил кабоб орам ту аз лаби май ахтар.

Улугбек сultonеки аз ҳайбати баясаш,

Зеру бам амин Ҳўяд ба ҳар шаби шери нар.

Чу Сукроту Букрот басе човушу дарбон,

Чу Хуршиду Ҳамшидат басе бандаву чокар.

Зи баҳси ту дар ҳайъат Арасту шуда мулзам,

Зи нутқи ту дар хикмат Бўали шавад музтар².[29, 94]

Улугбек Мирзо шахси, тождорлик ва олимлик фаолиятига юкоридагидай муболагавий тасвир жараёнларини Саккокий қасидаларида ҳам учратамиз. Шоир бу алломаи давронга беш қасида бағишлайди. Улардан энг кичиги 21 ва энг каттаси 54 байтдан таркиб топувчи мукаммал қасидалар ҳисобланади. Анъанавий қасидачиликнинг барча тамойилларига мувоғиқ келувчи айни мадҳияларнинг ташбиб қисмлари юксак бадиияти билан

¹ 25-I.

² 26-I.

эътиборни тортади. Хожа Исмат сатрларида бўлганидек, Саккокий мисраларида ҳам шоир олдида турган ғоявий ниятни ойдинлаштирувчи ишораларга урғу берилади. Жумладан, унинг қасидаларидан бирида келган мана бу сатрларда ўшандай манзарани равшан қўра оламиз:

Келди маймуну ҳумоюн ийди олам бўлди шод,

Мақдами сизга муборак бўлсун эй хисравниход.

Имрат асбоби муҳайёву қамуғ борон зариф,

Сақласун кадр ул ямон кўздин ўқигил “ин якод”.

Ушбу жашну, ушбу тоқу, ушбу айвону сарой,

Кўрмади давринда Жамшиду Фаридуну Кубод.

Адлу додиким бу кун султон Улугбек юргизур,

Кўрмади Нўширавон умрида андоғ адлу дод.[94, 7a-76]

Кўринадики, шоир мулки Ажамда салтанат суриб, тарихда ўчмас ном қолдирган улуғ шоҳлардан ҳам Улугбек Мирзони устун қўяди ва унинг адлу амниятига юкори баҳо беради. Тўғри, муаллиф бадиий асар табиатига хос муболагага урғу берган, аммо тарихий ҳақиқатдан ҳам йироклашиб кетган эмас. Чунки Улугбек Мирзо замонида ва ундан кейин бунёд этилган тарихий манбалар бу зариф инсоннинг ҳукмдорлик фаолиятига холисона ҳамда тўғри баҳони ёзиб қолдиришган. Саккокийнинг қасидаларидан яна бирида Улугбек Мирзонинг олимлик фаолияти ёритилади. Туркигўй шоир Хожа Исмат қасидаси сатрларида бўлгани каби Улугбек Мирзоны жаҳоний шуҳрат сохиби бўлган олимлар билан бир сафда қўяди:

Аристолису Афлотуну Батлимусу Жолинус,

Али Синову Файлақус Арастуву Абу Машъар.

Риёзий ҳамду хикмат расад Икрису Иқлидус,

Бадеъиу саноеъни санингтек билмади Анвар.

Сахову жуду эҳсонинг қарам бирла қилурсен сен,

Тилим еру ўкум яғмуйси дарёву кони музтар.[94, 96]

Айни мисралардан таркиб топувчи қасида яна бир фазилати билан эътиборга молик. Асарнинг ташбибидан хотимасига қадар “лаффу нашр” (ийғмоқ ва ёймоқ) санъати етакчилик килади. Албатта, бизнинг бу таъкидимиз қасида мисраларида қўлланилган бошқа шеърий санъатларни инкор этмайди.

Хожа Исмат ва Саккокий қасидаларида факат табиат манзаралари, мақталувчиларни (мамдух) шарафлаш, уларнинг эзгу фазилатларини мадҳ этишдан иборат деб караш тўғри бўлмайди, чунки ҳар иккала шоирнинг биз назардан ўтказган қасидаларида панду ҳикмат, насиҳат, яхшиликка даъват каби туйғулар ифодаси билан бирга норозилик руҳини акс эттирувчи шеърий қаторлар кўзга ташланади. Темурийлар саройи мухитида маълум муддат умргузаронлик килган ушбу забардаст шоирлар бу даргоҳдаги иллатларнинг туб-тубига етиб боришади. Ўша доирада хизмат килаётган аксарият мулозимларнинг шахсий манфаатдан бошқа дарди йўқлигини тушуниб етадилар ва айни зиддиятли лавҳалар шоирларнинг қасидаларида ҳам ўз муҳрини босган. Қуйидаги парчада ўшандай манзарани Хожа Исмат ижоди мисолида аниқ ҳис этиш мумкин:

Рўзе ба боргоҳи Сулаймони рўзгор,

Рафтам, ки қиблае беҳ аз он остон набуд.¹[36, 170]

Равшан бўлаётирки, Хожа Исмат ушбу парчада мансабдорлар ва улар даргоҳининг манзарасини маҳорат билан тасвирлайди. Бунда шоир шеърининг илк сатрларида хукмдорни муболага билан Сулаймон пайгамбарга tenglashтириб, даргоҳига илк бор қадам кўйганида бундан яхши қиблай остона бўлмаганлигини, иззат топишда саодат чодири осмондан қолишмайди, деб ўйлаганини таъкидлайди. Лекин бу хом хаёл бўлиб, Дорои мулк, яъни, бойликда Дорога баробар амири муборак “лутф” қилишга келганда бир от ҳадя киладики, бу шоирга ваҳшу тайр жинсида бир каромат

¹Парчанинг кейинги баъзи байтлари ва уларнинг таржимаси учун қаранг! 27-1.

бўлиб кўринади. Лекин ундан-да заифрок жонивор жаҳонда йўклигига амин бўлади.

Хожанинг бу ҳажвдан мақсади бошқа бир соғлом ва бақувват тулпорни қўлга киритиш бўлмай, балки шу ҳажвия баҳонасида вазир бошчилигидаги бир гурӯҳ амалдорлар феъл-атворлари ва мумсиклигини фош этиш бўлган.

Таникли шарқшунос, профессор Е.Э.Бертельс, “Бу қасида ўзининг дағал жиҳати билан кўхна сарой қасидачилигига ниҳоят ажаб ҳолдир... Шоирнинг анъанага мувофиқ қасидани таърифу тавсиф билан бошлиши ва кейинчалик ҳақиқатни ошкор қилиши жуда тўғри услубдир”[21, 279-280],-дея эътироф этади.

Юқоридагидай норозилик оҳанглари акс эттирилган шеърий сатрларни Саккокийнинг Халил Султонга бағишлиланган қасидасида ҳам кўриш мумкин:

Фармон киличка қилсанг ул аъдони кин ичра кирур,

Хайр ишини таъхир этмагил ботқил чу ҳуш фармон эрур.

Бахту саодат эшигинг тупроки бирла муфтахир,

Ходимларингдин бу фалак лекин анга несон эрур.

Мени жафо бирла вале жонға етурди ул қози,

Ким гоҳ шартини бузар, таҳ ваъдаси ялғон эрур. [93, 5a-6a]

Равшан бўлаётирки, чинакам шоирона қалб ҳар қандай вазиятда ҳам ўз ҳақгўйлигини канда қилмас экан. Буни кўчирганимиз шеърий мисралар исботлаб турибди.

Кўринадики, Хожа Исмат ва Мавлоно Саккокийлар ўз дилбар шеърлари билан биринчидан, XIV асрнинг II ярми ва XV асрнинг I ярмидаги қасидачилик тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бўлсалар; иккинчидан, шу шеърий шаклнинг мавзу доираларини бойитиш орқали даврнинг маънавий-ахлоқий ғоялари ривожига салмоқли ҳисса қўшишди. Эътимодли манбаларда Хожа Исмат Бухорий шахси ва адабий меросига берилган юксак баҳо унинг назмнинг 15 жанрида ижод қилганини назарда тутадиган бўлсак, холислик тамойилларига таянилганидан далолат беради. Шоирнинг қиёсий девонидан

446 ғазалнинг ўрин олганлиги ижодкорнинг бу жанр тараққиётида ҳам мухим улуши бўлганлигини далиллайди.

Давр адабиётининг етакчи жанрларидан бири бўлган рубоийнинг равнақ топишида ҳам Хожа Исмат шеъриятининг мухим хиссаси бор. Шоирнинг, айникса мусамматнинг турли кўринишларида ижод этганлиги, шунингдек, чистон, муаммо, сингари жанрларда қалам тебратганлиги унинг юксак истеъдодидан нишона беради.

Хожа Исмат Бухорий XIV асрнинг II ярми ва XV асрнинг I ярми адабиётининг забардаст қасиданавис шоиридир. Ижодкорнинг форсий ва туркийда ижод этган 90 дан ортиқ қасидаси бу борада унинг яктолигини таъминлаб турибди. Айни чоқда бу улуғ қаламкаш зуллисонайнлик анъанасини ўз давридаги муносиб давомчиси саналади.

XIV асрнинг II ярми ва XV асрнинг I ярми Мовароуннахру Хуросон адабий ҳаётида энг забардаст ижодкорларнинг асарлари қиёсий таҳлили жараёнида маълум бўлдики, бу даврда ўз тараққиёт поғонасининг янги босқичига кўтарилган ғазалчилик шаклий унсурлари нуктаи назаридан сезиларли ўзгармаган. Унинг қофияланиш тартиби, радифли ёхуд радифсиз бўлиши, матлаи ва мактаъига кўйиладиган талабларда ўзгаришларни пайкаш қишин. Шоирлар ғазалларидаги ўзгаришлар мавзу ва ғоялар оламига дахлдордир. Шеърий асарларнинг қайси тилда бўлишидан қатъий назар, уларда ифодаланган мураккаб руҳий ҳолатлар ҳамоҳанг бўлиб, замондошларининг қувончу изтиробларини қаламга олиш ижод ахлининг асосий мақсади бўлган. Айни ҳолат Хожа Исмат Бухорий ғазалларига ҳам дахлдордир.

2 БОБ

ХОЖА ИСМАТ ВА ТУРКИГҮЙ ЗАМОНДОШЛАРИ ШЕЪРИЯТИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Услуб адабиётшунослар талқинида

Ўзбек мумтоз адабиёти битмас-туганмас маънавий хазина бўлиб, уни хар томонлама, чукур ўрганиш катта меҳнат ва изланишларни талаб этади. Зеро, хар бир муаллиф ўз ижод йўлига эга бўлиб, унинг бадиий яратмалари нафақат ўз адабиёти доирасида, балки умумжаҳон адабиётида ҳам муайян кимматга эгадир. Хар бир ижодкор ўз асарларига сайқал бериш учун турли бадиий услублар қаторида халқ оғзаки ижоди анъаналаридан баҳраманд бўлишга ҳаракат қиласи. Бу хусусда таникли рус шарқшунос олими К.Н.Зелинский шундай ёзади: “Нафис ва жимжимадор сўзлаш, ҳам фонетик жиҳатдан, ҳам риторик жиҳатдан нозик ифодаланганд, шунингдек образлар билан тўлиб тошган услугуга содик қолиш факат сарой шеъриятининг эмас, балки халқ оғзаки ижодининг ҳам хусусияти эди”[48, 266].

Модомики, биз адабий услугнинг хос хусусиятлари ҳақида гапирав эканмиз бу борада таникли адабиётшунос олимларимизнинг фикрларига мурожаат этишга тўғри келади. Жумладан, услуг хусусида адабиётшуносликка доир комусий лугатда ўқиймиз: “Адабиётда услуг (лотинча “stilus”- ёзиш учун фойдаланиладиган учи ўтқир таёқча, ёзиш тарзи), ёзувчи ижодининг ўзига хослигини акс эттирадиган бадиий баён воситалари образли тизимининг қатъий умунийлигидир[60, 752].¹

Замонавий адабиётшунослиқда услуг атамаси икки маънода кўлланилади. Мазкур таснифга маслак, дунёқараш, ғоявий ният (ва ҳоказо)

¹ Таржима ўзимизники С.Б. Аслий матн учун каранг! 1-II

нүктаи назаридан бир-бирига яқин ижодкорлар гурухи ёхуд маълум қаламкашнинг бадиий ифода тарзи тушунилади. Адабиётшунос олимлар услугуб талкинига турлича муносабатда бўладилар. “Айрим адабиётшунослар услугубни ижодий методнинг муайян кўриниши деб тушунтирса, бошқалари ҳар иккисини ҳам бир ҳодиса тарзида қарайдилар”[137, 310].

Учинчи тоифага мансуб тадқидотчилар услугубнинг жамият, адабиёт, дунёкарап билан алокадорлигини инкор этадилар. Уларча услугуб Оллоҳ берган неъмат бўлиб, ушбу фазилат соҳиби ижодкор эса яратганинг назари тушган шахсdir. Тўғри, шўро мафқураси йилларида илоҳийлик танқид остига олинди ва масала бир томонлама ҳал этилди. Бироқ ҳадиси қудсийдаги “сендан ҳаракат-мендан баракат” гояси инобатга олинса, масала ойдинлашиб қолади. Бошқача айтганда, Оллоҳ берган неъмат қаламкаш томонидан парвариш килинмас, сайкалланмас экан, у ўз-ўзича хосил бермайди. Ўзида илоҳий қарамни пайқаган қаламкашгина жамият, адабиёт қонуниятлари асосида дунёкарашини шакллантирса, унинг услуги рангин бўлиши аёнлашиб қолади.

Метод ва услугуб фарқлари ҳақидаги баҳс аввалдан олимларни қизиктириб келган. Баъзи олимлар “Метод бадиий услугуб объективлигининг бош специфик асоси, лекин бирдан-бир ягона омили эмас. Негаки, услугубнинг вужудга келишида социал ҳаётнинг, ёзувчи ижодий индивидуаллиги, истеъодининг ҳам ўзига хос ўрни бор”[82, 65], деб уларни қориштириб тушунтиришади. Бу борадаги фикрларини ривожлантирган тадқиқотчи яна таъкидлайди: “Аммо услугубнинг шаклланиш жараёни ҳам жуда мураккабдир. Адабиёт тарихини билмасдан туриб, ёзувчи ўз услугубини аниқлаши жуда қийин”[82, 521].

Профессор Л.И.Тимофеев ёзади:“Методда энг аввало, ёзувчини бошка, ўзига яқин ёзувчилар билан боғлайдиган умумий нарсалар кўзга ташланади, услугубда эса уларни бир-биридан ажратиб турадиган томонлар - уларнинг

шахсий тажрибаси, истебдоди, нутқ оханги ва ҳоказолар кўзга ташланади” [101,411].

Адабиётшунослардан Н.Шукуров ва Ш.Холматовлар “Метод услугба нисбатан умумий характерга эга, методни образли маънода сахна деб фараз киладиган бўлсак, услугуб шу саҳнада кўйиладиган спектаклдир. Спектакллар бир-бирига ҳеч қачон ўхшамаганидек, услублар ҳам ҳеч вақт бир-бирига ўхшамайди”, деб образли тасвирлаб беришади[113,35]. Ҳақиқатан ҳам, “услуб” деганда, ҳар бир ёзувчи ижодининг факат ўзигагина хос, тақрорланмас ғоявий бадиий хусусиятларини тушунамиз. Ўзига хос услугуб ёзувчининг поэтик фикрлаши, ҳаётни бадиий идрок этишда ва ифодалашда сезиладиган хусусиятлар мажмуидир. Услубни белгиловчи хусусиятлар адабий асарнинг шаклидан тортиб мазмунигача (мавзу, ғоя, сюжет, конфликт, композиция, бадиий тил, маҳсус бадиий тасвир воситалари, поэтик синтаксис, ритмик-интонацион үнсурлар ва бошқалар) чукур сингиб кетади.

Биз юқорида таъкидлаган жиҳатларни адабиётшунос Т.Бобоев ҳам эътироф этади ва ўз мулоҳазаларини қуидагича умумлаштиради: “Услуб – дунёкараш, ижодий метод, эстетик тамойиллар, ғоявий ният, фантазия, истебдод салоҳияти, типиклаштириш манераси, эстетик идеал ва уни асар бадиий тўқимасига сингдириш, адабий жанр ва унинг имкониятларидан фойдалана олиш, сўз танлаш санъати, ифода усулида намоён бўладиган ёзувчининг ўзлиги. Услуб ёзувчининг ўз даври воқеа-ходисаларига фаол муносабатининг маҳсулни бўлиб, ёзувчининг оригиналлигини, унинг бошқа ёзувчилардан фаркини кўрсатувчи бош омилдир”[24, 550].

Дарҳакиқат, профессор Н.Шукуров ўринли этироф этканидек, “Индивидуал услугуб деганда, биз ижодкорнинг воқеликни ўзига идрок этишини, воқеа-ходисаларни ўзига хос образлар ва ифода-тасвир воситалари билан акс эттиришини англаймиз. Услуб шоир-ёзувчи асарларида яққол кўзга ташланувчи, ажralиб турувчи ғоявий-бадиий хусусиятлар йифиндисидан ташкил топади. Индивидуал услугуб ҳакиқий ижодкорлик талантига, ўзига хос

эстетик идрокка ва дидга эга бўлган шоир-ёзувчи ижодидагина бўртиб кўринувчи белгидир”[114,7].

Таникли адабиётшунос олим Иззат Султоннинг фикрича “Шарқ адабиётшунослигининг илғор оқимларида бадиий ижоднинг жони – мазмун экани доимо уқтирилиб келинган бўлса ҳам, услугуб қўпинча бадиий асарнинг мазмунидан узилган ҳолда текширилар эди. Шу сабаб Шарқ адабиётшунослигига “услуб” термини “баён тарзи”, “фикри ифода этиш маҳорати” каби тор маънода талқин қилиниб келинган эди. Баъзи адабиётшунос, ёзувчиларнинг индивидуал услубидан ташқари “хар тарихий даврнинг адабиёти ва санъатининг ўзига хос услуги бор”лигини ҳам тасдиқ этмоқдалар”[53, 402]. Отахон адабиётшуноснинг эътиrozларини тушуниш мумкин. Чунки бадиий асарнинг шаклу мазмуни мутаносиб бўлмас экан, чинакам адабий ходиса ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Иккинчидан, адабий асарларда қўлланиладиган бадиий тасвир воситалари муайян ғояни бўёқдор ифодалаш, жозибали қилиб ўқувчига етказишга хизмат қилмас экан, айни уринишларнинг кутилган самарани бермаслиги ўз-ўзидан аёндир.

Шуни қайд этиш қеракки, бутун Ўрта аср давомида Шарқ халқлари адабиётида хукмрон бўлиб келган услугуб талқинларида ҳам маълум даражада хилма-хиллик учрайди. Масалан, Алишер Навоийнинг замондоши ва устози Лутфий шеърлари услугуб жиҳатидан Навоий асарларидан анча соддадир.

Профессор Ҳамид Сулаймон ўринли таъкид этканидек, ҳар бир замоннинг ўз услуги бор. Бу, авваломбор, ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳодисалари, мавжуд адабий-тарихий анъаналар ва қолаверса, ўз асрининг даҳо ижодкорларининг ижодий услублари билан боғлиқдир. Олим Ҳофиз Шерозий ва Ҳофиз Хоразмийнинг услугуга доир мулоҳазаларини давом эттириб ёзади: “...Ҳар иккала шоирнинг прогрессив (илғор) дунёкараши, фалсафий концепция, гуманизм, ижодий метод ва маҳорат бобидаги қатор муштарак ҳоллар уларнинг бир давр, бир ижтимоий-сиёсий тузум ва маданий мухитда яшаганликлари билан белгиланади... Ҳофиз Хоразмийнинг ўз

услубига, яъни индивидуал услубига келсак, бу унинг шеърларидағи **Хоразм лаҳжасига** тегишли сўз ва ибораларнинг ишлатилиши ва бошқа ўз замондош ўзбек шоирларидан **фарқли ўларок, араб ва форсий** калималарнинг нисбатан камлигига кўринади”[100, 4].¹

Тадқиқотчи У. Носиров услубшуносликка доир ҳилма-хил мулоҳаза ва қарашларни синчиклаб назардан ўтказар экан, ўшаларнинг нисбатан умумлашма хулосаси сифатида қуидаги мушоҳадаларни ўртага ташлайди: “Даврнинг ягона услубини қабул қилиш маълум бир даврдаги ижодкорларнинг барчасини ягона идеологияга, ягона дунёқарашга, ягона эстетик идеалга, ягона бадиий принципларга бўйсундиришга интилиш ва айни пайтда ижодий индивидуалликларни рад этиш ҳамдир”[82,69].² Адабиётшунос олим У. Носировнинг назардан таъкид билан ўтказганимиз қарашларига ҳамоҳанг фикрларни бошқа ҳалкларнинг услубшуносликка доир тадқиқотларида ҳам учратамиз. Жумладан, арман тадқиқотчиси А.Григоряннинг фикрлари айтилганлар нуқтаи назаридан катта қизиқиш үйғотади: Даврнинг “кандайдир ягона услубини талаб қилиш, услубни унификациялаш – бу, демак турли санъаткорлар услублари ўргасидаги ижтимоий, идеологик, эстетик айрмаларни, турли бадиий йўналишларнинг принципларини рад этишдир”[44,8]. Равshan бўлаётирки, профессор Ҳамид Сулаймоннинг даврнинг “ягона услуби бўлиши” хусусидаги қарашлари У. Носиров ва А. Григорянлар томонидан инкор этилади. Аслида, ўз-ўзини инкор қилиш ҳолати профессор Ҳамид Сулаймондан келтирилган иктибосда назарга ташланади. Олим Ҳофиз Хоразмий индивидуал услубининг айрим жиҳатларига ургу бериш билан, даврнинг ягона услубига доир қарашларини шубҳа остида қолдиради. Фикримизча, профессор Ҳамид Сулаймон ҳар бир муайян даврнинг ҳукмрон услуби ёнида, ўша босқичда қалам тебратган забардаст ижодкорнинг ўз индивидуал услуби ҳам бўлади, демоқчи.

¹ Таъкидлар бизники -С.Б.

² Таъкидлар бизники -С.Б.

Атоқли адабиётшунос, академик, Иззат Султон “Адабиёт назарияси” китобида услубнинг хилма-хил қирраларига шарху талқинлар берар экан, ёзади: “Бир даврда икки хил услугб яшашининг яна бир намунаси – машҳур “Бобурнома”дир. У замонаси учун жуда содда, равон тил билан ёзилган”[52, 403].

IX-X асрлардаги форс-тожик адабиёти тарихи муаммоларини, жумладан, айни босқич ижодкорлари асарларида назарга ташланадиган услубий жилоларни ўта синчковлик билан тадқиқ этган ф.ф.доктори, профессор М-Н. О. Османов эслатганимиз мавзуга доир лўнда хулосаларини куйидагича баён этган: “Бошқача айтганда, биз услубни вужудга келтирадиган лексик эмас, балки бадиий омилларни кўриб чиқамиз. Буларга шахснинг ўзига хослиги ва манбага алдоқадорлик, тасвир ва ифода, ягоналик ва умумийлик, жиддий ва эркин шакллар, оддийлик ва мураккаблик, мутаносиблик ва номутаносиблик, маҳобатлилик ва бежиримлилик, харакатсизлик ва харакатлилик, бир-хиллик ва қарама-қаршилик, алоқадорлик ва кузатувчанлик каби омиллар киради”¹[86, 62].

Хожа Исмат ва у яшаб ижод қилган адабий давр шеърияти услуби ҳакида сўз юритишида юқоридаги хусусиятларнинг аксариятини асос қилиб олиш мумкин. Чунки Хожа Исмат ўз адабий тажрибасида IX-X асрлар форс-тожик мумтоз ижодкорлари услубий ва ижодий анъаналарини муваффақият билан давом эттирган шоирлардан ҳисобланади.

Шарқшунос, М.-Н.О.Османов юқоридаги фикрларини давом эттирадар экан, “шахс ва мавжудот муносабати” деганда, уларнинг услубий категория сифатида ижодий тип ва бадиий метод категориялари билан тўқнап келишини таъкидлайди. Олимнинг ишончли мушоҳадаларига биноан, IX-X асрлар форсий шеъриятида ижодий типни қайта яратиши керак бўлган қаламкашларнинг дунёқараши, бадиий завқи, даврнинг ижтимоий-сиёсий манзараларини ёритишида етакчи омил бўлиб хизмат қилган. Яъни давр

¹ Таржима ўзимизники С.Б. Аслий матн учун қаранг! 2-II.

ижодкорларининг ўта шахсий дунёқараши асосида ижтимоий ҳаётда мавжуд бўлмаган, ҳакиқатдан йирок манзара ва қаҳрамонлар тимсолини яратиши юкоридаги фикримизга ёрқин далилдир. Демак, шоир макталадиган шахс (мамдух) ни қандай бўлса шундай эмас, балки қандай хоҳласа ўшандай тасвирлайди.

Шарқшунос олимнинг бу теран фикрларини факат IX-X асрлар форс-тожик адабиётига дахлдор хисоблаш тўғри эмас. Чунки зикри ўтган давр шеъриятида амал қилган ҳолат-ҳодисалар нодир анъана сифатида кейинги босқичлардаги форс-тожик ҳамда ўзбек адабиёти вакиллари ижодиётида ҳам амал қилганлигини пайқаш қийин эмас. Шундай гапни XIV асрнинг II ярми ва XV асрнинг I ярмида Мовароуннаҳру Хуросонда форс ва турк (ўзбек) тилларида яратилган бадиий адабиёт ҳақида ҳам айтиш жоиздир.

Юкорида баён қилинган мулоҳазаларни далиллаш мақсадида Хожа Исмат, Мавлоно Лутфий, Ҳофиз Ҳоразмий, Гадоий, Атоийларнинг айрим рубоий, китъя ва фардларини қиёсий таҳдил қилишга уриниб кўрамиз.

Хожа Исмат ўз рубоийларида ўтмишдош қаламкашларнинг анъаналарини ижодий давом эттириб, уларда замондошларининг турмуш тарзи, руҳий маънавий олами, кувончу изтиробларини ихчам, равон, бадиий бўёқдор ифодалашга эришган. Унинг машҳур рубоийнавис Умар Хайём тўртликларига пайравлик қилганини қўйида келтириладиган шеърлар қиёсида хис этиш қийин эмас.

Умар Хайём :

Асрори Ҳаҳон чунон, ки дар дафтари мост,

Гуфтан натавон, ки он вуболи сари мост.

Чун нест дар ин мардуми нодон аҳле,

Натавон гуфтан ҳар он чи дар хотири мост. [104, 115]¹

Хожа Исмат:

¹ 3-II.

Асрори ҳақоңке, ки дар пардаи мост,

Тафсири ғами хотири озурдаи мост.

Ҳар хун, ки дар ў бўи шахиди ғами туст,

Аз реши даруни дили хунхўрдаи мост¹.[29, 538]

Рубоийлар муқоясасидан аёnlашадики, уларнинг шаклий унсурларида ўзгариш кузатилмайди. Ҳар иккала рубоийда ҳам бир хил сўз (мост) радиф вазифасида ишлатилган. Рубоийларга ғоявий мазмун нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, жиндак тафовут кўзга ташланади. Умар Хайём тўртлигига жаҳоннинг нодон ахли рафторидан шикоят руҳи устунлик қиласди. Ҳожа Исломда эса шахсий кечинмалар доирасида мушоҳада юритилиб, ишқ билан алоқадор кечинмалар, ҳижрон уйғотган изтироблар заминида бадиий умумлашмага келинади.

Ҳожа Ислом устоз ижодкорнинг ғоявий ниятини теран анлаган ва уни ўз услугига хос соддаликда давом эттирган. Бу жиҳатларни Мавлоно Лутфийнинг мана бу рубоийсида ҳам кўришимиз мумкин:

Мен тилармен васлинг оҳи **сард ила**,

Дийдаи гирёну рўйи **зард ила**.

Заррае кўнглунгга таъсир айламас,

Неча кун нолиш қиларман **дард ила**.[64, 344]

Рубоийда **сард**, **зард**, **дард** сўzlари қофия, **ила** радиф бўлиб келган. Қофияланиш тартиби анъанавий (а-а-б-а). Тўртликнинг мавзуи-ошиқона. Шоир ўзининг соддабаёнлик услугига садоқат саклаб, чинакам ошиқнинг ҳижрон онларидаги руҳий холати манзарапарини бадиий акс эттиришга эришган.

Ишқ, ошиқ, машъуқа билан алоқадор рубоийлар Ҳофиз Хоразмий ижодида ҳам анчагина топилади. Жумладан, мана бу сатрлар шоирнинг ўшандай рубоийларидан биридир:

¹ 4-II.

Рахм айламас ул кўнгули **пўлод бикин**,

Жоду қаро хинду кўзи **жаллод бикин**.

Ширин лаб-и лаълини тилаган ошик,

Жонин, не ажаб, берурса **Фарҳод бикин**.[106, 296]

Профессор Ҳамид Сулаймон қайд қилганидек, Ҳофиз Хоразмий сатрларида чиндан-да, Хоразм лаҳжаси ва фикрлаш тарзи яққол намоён бўлади. Шоир анъанавий ташбехлар, **лаъл, хинду ҳол, жаллод қўз, тошбагир** (пўлод кўнгил)дан фойдаланиб, бўёқдор мисралар яратган. Фарҳодга ишора килиш орқали (тамих санъати) айтилмоқчи бўлган муддаони янада қабариқ ифодалашга эришган. Рубоийнинг шаклий унсурлари-ҳажми, қофияланиш сираси, радифи ва ҳоказоларда ўзгариш сезилмайди. Асосий тафовут эса ифодаланиши режалаштирилган гоявий ниятни ҳофизона жилода кўрсатишда намоён бўлади.

Хожа Исмат ижодиётида ўнга якин қитъя жанрида ижод қилинган шеърлар мавжуд. Аксарият шоирларнинг қитъалари тўрт сатрдан иборат бўлгани ҳолда, Хожа Исмат қитъаларининг энг кичиги олти мисралидир. Баъзан, ўндан ўн саккиз мисрагача бўлган қитъалар ҳам учрайди. Мазкур шеърий шаклнинг анъанавий унсурлари Хожа Исмат қитъаларида ҳам сакланган. Айрим қитъаларининг хотимасида эса, Исмат тахаллуси кўлланилган. Масалан, шоирнинг мана бу қитъасини назардан ўтказайлик :

Дило, ба неъмати боғи Ҳаҳон машав мағрур,

Ки ин баҳор ба барги гиё намеарзад.

Зару хазинаи дунё, ки мулк тобеи ўст,

Ба меҳнату талаби кимиё намеарзад.

Ба сахра моли Ҳаҳон мөхӯрам, на фазлу ҳунар,

Ки ин мато аз ин беҳ баҳо намеарзад.¹ [45, 65]

¹ 5-II.

Мумтоз адабиётшуносларнинг асарларида “бошсиз-матлаъсиз ғазал” тарзида тилга олинадиган қитъа ихчамлиги, ғоявий мазмунининг теранлиги, фалсафий мушоҳадаларга бойлиги билан эътиборни тортади. Тўрт мисрали қитъаларнинг тоқ мисралари очиқ қолиб, жуфт мисралари ўзаро қофияланади (**б-а-в-а** ва ҳоказо) ва шу тартиб изчил давом этади. Хожа Исматнинг кўчирганимиз қитъаси эса ғоявий мазмуни, фалсафий-ирфоний мушоҳадаларининг бойлиги билан қизикиш уйғотади. Масалага юзаки қараганда, мисраларда тушкун бир кайфият оҳанги сезилгандай бўлади. Бироқ ҳаётга завқи ниҳоятда баланд бўлган шоир шеърхонни ҳою ҳавасга берилмаслик, моддий неъматларга маҳлиё бўлиб, солиҳ амаллардан йироқлашмасликка даъват этади. Ана шу ғоявий ниятни юзага чиқариш учун шоир муносиб ташбехлар қўллаб, мисралари равонлигини таъмин этади. Шеърий сатрларда ишлатилган сўзлар бугунги китобхон учун хам тушунарли. Уларда тушунилиши қийин арабий сўзлар йўқ. Айни воситалар мисралар равонлигини юзага чиқарган. Энг муҳими, шоир инсоният тақдирида фазлу хунар мавкеининг асосий ўринда туришига урғу беради.

Муқаттаот Ҳофиз Ҳоразмий ижодиётида ҳам етакчи ўринда туради. Шоирнинг кенг ўкувчилар оммаси ҳукмига ҳавола қилинган икки жилдлик девонидан унинг ўттиз бир қитъаси ўрин олган. Бу шеърларнинг энг кичиги олти мисра ва энг каттаси ўн саккиз қатордан иборатdir. Мисол тариқасида унинг мана бу қитъасини таҳлилга тортиб кўрайлик:

Аё Ҳофиз, бу Туркистон бисотинда чу хок ўлғил,
Тиласанг туркийларни айласа шаҳмот сўзларинг.
Сўз отини миниб югуриб еланларнинг азоқинга,
Кўзунг ёшин равон қилғил қилурса от сўзларинг.
Сўзунгнинг жавҳаринга сан харидоре топар эрсанг,
Неча муфлис тақи бўлурса ўлтур, сот сўзларинг.
Нишони мусхафи ҳуснин агар издаю сўзласанг,
Бўлур ҳуснини кўрганларга чун аёт сўзларинг.

Бу туркийлар аросинда магар турки хитойидур,

Ким, ул ёндин халойикға кўринур ёт сўзларинг.[106, 289]

Анъанавий китъачиликнинг барча шаклий унсурларига риоя килиб ёзилган шеърнинг тоқ мисралари очиқ ва жуфт мисралари ўзаро кофияланган. Ҳажми катта. Қитъаларда мазмун тақозосига кўра шоирнинг тахаллуси турли ўринларда келган. Услубига кўра китъа дикқатга молик. Унда Хоразмликларнинг сўзлари ва талаффузларига доир оҳангларнинг куюқлиги шоир ифода тарзининг ўзига хос чикишига хизмат қилган.

Хожа Исмат шеъриятида фард намуналари ҳам мавжуд. Биз назардан ўтказган девонларда бу жажжи жанрнинг ўттизга яқин намунаси киритилган. Мазкур фардлар ўзининг жанрий унсурлари билан ўтмишдош ижодкорларнинг шундай шеърларидан деярли фарқ қилмайди. Аммо уларда ифодаланган мазмун ҳакида эса бундай хulosани айтиш ножоиздир. Чунки Хожа Исмат ўз замонасининг етук маърифатпарвари, илоҳий-ирфоний арбоби сифатида мулки борлик ва унинг олий хильяти бўлган инсонга доир ўз тасаввурига эга эди. Ундаги теран тафаккур, юксак бадиий завқ, ҳаётнинг нолойик иллатлари уйғотган туйғулар унинг барча бадиий яратмаларида, жумладан, фардларида ҳам ёрқин ифодасини қолдирган. Фикримиз далили учун шоирнинг айрим жажжи шеърларини назардан ўтказайлик:

Ёр аз ҳар Ҳо, ки бардорад қадам,

Мо дар он Ҳо хуни дил хоҳем реҳт. [29, 549]

Ёр оёгини ҳар ердан кўтаргудек бўлса, унинг қадам изларига биз юрагимизнинг қонини тўкиб қўйгимиз келади. Бу бадиий ифодада “Аёл бор жойда гўзаллик, файз ва назокат бор” каби хикматли сўзлар билан ҳамоҳанглик сезилади. Иккинчидан, ёр-Оллоҳ. Орифларнинг ягона орзуси Унинг жамоли ҳисобланади. Оллоҳнинг ошиқни тарк этиши ҳар қандай жазодан, ҳатто юракни чок этиб, қонини тўкишдан ҳам аянчлироқдир. Яна бир мисол:

Дар оби хаёт менамояд

Акси лаби лаъли обдораш.[29, 549]

Ҳаёт сувида ёрнинг серсув лаъл лаби ўз аксини топади. Бунда “ёрнинг намланган қизил лаби ошиқ учун тириклик манбаидир” деган хулоса билан бир қаторда “Ҳаётдан ширин нарсанинг ўзи йўқ”, каби маънони ҳам фаҳмлаш мумкин.

Шарқ шеъриятининг бу жажжи жанрида Лутфий ҳам қалам тебратган. Шоирнинг девонидан унинг ўттиз икки фарди ўрин олган. Лугатларда ажратиш, якка, танҳо каби маънолари берилган фардлар мустакил мазмунга эга. Фардлар ўзаро кофияланган ва кофияланмаган кўринишларда намоён бўлади. Лутфий шеъриятида унинг ҳар икки шакли мавжуд. Масалан:

Айтурлар анинг юзини кўрмакка қилур ҳур,

Нетсун бу гирифторки, юз кўрмак учун дур. [64, 342]

Ёки:

Ўлтурди мураббабъ бош уза чекти балолар

Зулфини паришонлиғидин этгали шона. [64, 342]

XIV аср II ярми ва XV аср I ярмида қалам тебратган Атоий, Саккокий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмийларнинг девонларида фард намуналари учрамайди.

Шарқ ҳалклари адабиёти тарихида олдинги юзийликларда амал қилган шеърий жанрлар тадқиқимиз манбаи бўлган даврда ҳам қалам аҳли эътиборида бўлган. Уларга мурожаат этган ҳар бир ижодкор, анъанавий шеърий шаклларда ўзи яшаган замон ва макон аҳлининг қувончу изтиробларини, хаёт, табиат, эл-улусга бўлган баланд муҳаббатини бадиий ифодалаш йўлидан борар экан, ўз услубини шакллантириш, уни ҳалқона ҳикмату мақоллар билан сайқаллаган ва шу восита билан муайян босқич адабиётида мавзу, гоя, образлар дунёсини бойитишга муносиб ҳисса кўшган.

Услуб жуда мураккаб ҳодисадир. Уни қисқача тарзда маълум бир методология билан куролланган ижодкорнинг ўзига хос бадиий ифодалаш тарзи сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Услуб ижодкорнинг ўзлигини, мустақиллигини белгилайди. Аммо услугни ёзувчининг ўзи ўйлаб чиқарган нарса деб қараш мумкин эмас. Ижодкор ўзидан аввалги адиб ва моҳир қаламкашларнинг асарлари билан танишар экан, улардан ўрганади ва ижодий тажрибасида сайқал бериб нотакрор шахсий услугбини шакллантиради. Айни адиб ёки шоирнинг бадиий янгилик яратиш маҳорати ҳам шунда билинади.

2.2. Ҳожа Исмат ва туркигўй замондошлари ғазалларининг айрим услугбий хусусиятлари.

XIV асрнинг II ярми ва XV асрнинг I ярми Мовароуннахру Хуросон адабиёти тарихи тараққиётининг дикқатга сазовор ҳамда сермаҳсул бир давридир. Ушбу юзийлликда мумтоз ўзбек адабий тилининг шаклланиш жараёни тез суръатда ривожланиб, бадиий адабиёт маданий ҳаётнинг мазмун ва моҳиятига жадал кириб борди. Бу даврда Гадоий, Атоий, Саккокий, Лутфий ва Ҳожа Исмат каби буюк сиймолар яшаб фаолият кўрсатдилар. Ўзбек мумтоз адабиёти мавзу, фоя ва бадиий услуг жиҳатидан такомиллашиб, тараққиётининг янги пағонасига кўтарилди. Шеърият ва насрнавислик борасида сезиларли силжишлар юз берди. Ўзбек адабиёти билан бошқа халклар адабиёти ўртасидаги алоқа ва ўзаро таъсир кенг ва чукур илдиз отди.

Темурий хукмдор ва шаҳзодаларнинг маданий соҳаларда билвосита ҳомийлик қилишда ўзаро мусобоқага киришганликлари, уларнинг санъатпарварлиги туфайли XV асрнинг биринчи ярмидаги сиёсий барқарорлик, хўжалик ҳаётининг ўсиши, адабий ҳаётда аҳоли катламларининг иштирок этиши, бадиий сўз санъатининг равнақ топишига самарали таъсир этди. Бу жараёнда адабиётнинг ғоявий мазмунида мулки борлиқ ва унинг неъматларини севиш, ошиқлик ҳолати ва маҳбуба васлини куйлаш, одил шоҳ образини яратиш каби мавзулар етакчилик қила бошлади.

Зикри ўтган юзийилликда адабиётнинг жанрий таркиби ва услубий ранг-баранглиги янги бир боскични бошидан кечирди. XV асрнинг биринчи ярмида камол топган Хожа Исмат шеърияти ҳам замондошларига ҳамоханг равишда мавзу, гоя ва бадиият нуқтаи назаридан баркамоллик касб этди. Хожа Исмат маънавий меросида инсоф, адолат, вафо, садоқат, саховат ва мурувват каби олижаноб инсоний фазилатларнинг тараннум этилиши билан бирга бевафолик, таккабурлик, бадкирдорлик ва очқўзлик каби иллатлар кескин қораланади.

Шоир ғазалларини мутолаа қилганда унинг ўзидан олдинги ғазалчилик анъаналарини давом эттирганлиги билан бирга ўз даври турмуш тарзи ва ҳаёти воқеаларини уларда ўзига хос тарзда акс эттириб, бу жанрни мазмунан бойитганини кузатамиз. Давлатшоҳ Самарқандий таъбири билан айтганда: “Хожа Исматнинг ошикона-орифона шеърлари Шохруҳ Султон саройида азим шуҳрат топди. Чунончи, ҳалқ ўтган фузалолар шеърлари мутолаа ва мулоҳазаси билан шуғулланмай қўйди”[98, 147; 97, 361].

Алишер Навоий “Мажолис-ун нафоис” тазкирасида Хожа Исмат Бухорий, Бисотий Самарқандий, Ҳаёлий Бухорий, Қосим Анвор, Хожа Абдували Хоразмий, Мавлоно Ҳусайнний, Бобо Савдоий, Мавлоно Масихий ва яна бир қатор адибларни алоҳида ҳурмат ва эътибор билан тилга олади. Шуниси эътиборлики, бу ижодкорлардан бир гурухининг Хожа Исматга шогирд тушганини ҳам эътироф этади. Жумладан:

“Мавлоно Ҳаёлий Бухородин ва Хожа Исматуллонинг шогирдидур. Бу матлаъ анингдурким :

“Эй тийри ғаматро дили ушшоқ нишона

Ҳалқе ба ту машғул, ту ғойиб зи миёна”.

Ўзи хушхулқ ва хуштавр йигит эрмиш, ҳамоноки қабри Бухородадур[78,17].

Алишер Навоий таъкидлаб ўтган шоирлардан яна бири Бисотий Самарқандий бўлиб, “шўх таъби бор эрмиш, аммо бафоят омий эрмиш. Бу матлаъи машҳурдурким:

Дил шишаву чашмони ту ҳар гўша барандаш,
Мастанд, мабодоки, баногаҳ шиканандаш”

Қабри Самарқанддадур”[78, 17].

Сўз мулкининг султони Ҳожа Исламнинг замондошларига ҳам юқори баҳо беради. Мавлоно Атоий, Мавлоно Саккокий ва Мавлоно Гадоийлар ҳақидаги таърифларини солишитириб кузатамиз: “Мавлоно Гадоий туркигўйдир, балки машохирдиндур. Бобур мирзо замонида шеъри шухрат тутти, бир навъи айтур...”[78, 105]. Алишер Навоий Мавлоно Атоий ҳақида қўйидагиларни ёзib қолдиради: «Балҳда бўлур эрди, Исмоил ота фарзандларидандур. Дарвешваш ва хушхулқ, мунбасит киши эрди. Туркигўй эрди. Ўз замонида шеъри атрок орасинда кўп шухрат тутти. Аммо Мавлоно кўп туркона айтур эрди”[78,64]. Мавлоно Саккокий ҳақида эса,“ Мовароуннахрдиндур, Самарқанд ахли анга кўп мұтакиддурлар ва бағоят таърифин килурлар. Аммо фақир Самарқандда эрканида муаррифларидан ҳар неча тафаҳхус килдимким, анинг натоижи таъбидин бирор нима англайн, таъриф килғонларича нима зоҳир бўлмади. Барчадин қолсалар сўзлари будурким, мавлоно Лутфийнинг барча яхши шеърлари анингдурким, ўғурлаб ўз отига килибдур”[77, 63].

Равшан бўлмоқдаки, Алишер Навоийнинг катта замондошларига берган баҳоларида танқидий руҳ ҳам ҳукмрон. Бундай майлни кўпроқ унинг Мавлоно Саккокийга доир қайдларида кузатамиз. Саккокийнинг Самарқандда мухлислари кўплигини, улар унинг шеърларини мақташганини эътироф этган Алишер Навоий ўша баланд баҳоларини қувватловчи шеърларга дуч келмаганлигини ҳам қайд қиласди. Алишер Навоийнинг Мавлоно Лутфий ва Саккокийнинг ижодий муносабатларига доир фикрлари ҳам эътиборли. Яъни бундай уйдирма гапларнинг “Малик ул қалом”га ёпишмаслиги тазкира муаллифининг оҳангидан ёрқин сезилади.

Кўринадики, улуғ ўзбек шоири тарафидан берилган ихчам маълумотларда зикри ўтган қаламкашларнинг хос услубларига доир

ишоралар ҳам мавжуд. Жумладан, Мавлоно Гадоийнинг ўзига хос услуби борлиги (бир навъи) таъкидланса, Мавлоно Атоий дилбар байтларининг туркона, содда эканлигига урғу беради.

Модомики, Хожа Исмат юқорида зикри ўтган ўзбек шоирлари замондоши экан, уларнинг шеъриятидаги услубий қирраларни бир-бири билан қиёсий жиҳатдан таҳлилга тортиш мақсадга мувофиқдир. Хожа Исмат яшаб ижод этган адабий мухитда, унинг Лутфий, Атоий, Саккокий каби бир қатор ўзбек шоирлари билан яқин адабий алокада бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин. Масалан, Хожа Исмат Саккокий билан аввалига Султон Халил (1405-1409) ва Мирзо Улуғбек саройларида елкама-елка туриб ижод қилган ва ҳар иккала қаламкаш замон ҳукмдорларига бағишлиб бир-биридан гўзал қасидалар битганлар. Мумтоз адабий ҳодисаларга давр дунёқараши нуқтаи назаридан карапганда бир даргоҳда фаолият кўрсатган ижодкорларнинг адабий меросларида, уларнинг қайси тилда бўлишидан қатъий назар, уйғунликларни (мавзу, ғоя, қаҳрамон) кузатиш қийин эмас. Бундай муштаракликларни ишимизнинг кейинги саҳифаларида таҳлилга тортиладиган шеърий парчалар мисолида равшан кўрамиз.

Хожа Исмат:

Ул парирў шакли оламни гулистон айлади,

Гул юзи юз гулни хижлатдин паришон айлади...

Жон учун бошимга келдиму паришон чашми маст,

Исмат ул кўзни кўриб ҳам тарки иймон айлади.[28, 152 б]

Хожа Исматнинг рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун) баҳрида ёзилган мазкур байтидаги ғоявий мазмунни Саккокийнинг шу радифли ғазалида ҳам кўриш мумкин:

Гул юзингни орзулаб юз кўзни гулзор айлади,

Шаккар ирнингни тираб жон танни афгор айлади.

Ишқ ишин Саккокий аввал билмайин осон кўруб,

Охири ўз жонининг ишини душвор айлади. [132, 278]

Матлаъ ва мақтаъи келтирилган ғазаллардаги уйғунлик ишқу ошиқликка доир мавзуу, мисраларда ҳаракат киладиган қаҳрамонлар, вазн ва радифда равшан намоён бўлади. Хожа Исламнинг беш байтдан таркиб топувчи ғазалида *гулистан*, *паришон*, *ҳайрон*, *жон*, *курбон*, *иймон* сўзлари оҳангдошликни таъмин этиб, анъанавий моҳият кассб этади. Хожа Исламнинг туркийда ёзилган айни ғазали равон ва жарангдорлиги билан дикқатни тортади. Гарчи мазкур ғазал шоирнинг ўзбек тилида ёзилган хозирча ягона шеъри хисобланса-да, калбларда бир ширин орзу жунбушга келади. Наҳотки, шу ўйноқи мисраларни бунёд эта олган шоир бу тилда бошқа шеърлар ёзмаган бўлса?! Яна бир жиҳатни таъкид қилишга тўғри келади: шоир ихчамликка интилар экан, ғазалнинг шаклий унсурларини ҳам эсдан чиқармайди. Яъни, жўшқин ишқий мавзууни ўйноқи оҳангда ифодалаш, ўша равонликни таъмин этишда қўл келадиган сўз ва ташбехларни топишда Хожа Исламнинг шоирона маҳорати ўзидан дарақ беради. Шоирнинг кўчирганимиз ғазали ва бошқа шеърларида ҳам тахаллус аксарият ҳолларда мақтаъда келади. Айримлари эслатилган жиҳатларни Саккокийнинг парчаси келтирилган ғазалида ҳам кўрамиз. Туркигўй шоир ўз бадиий мушоҳадаларини етти банд (ўн тўрт мисра) да акс эттиришни хуш кўрган. Унинг шеърида *гузор*, *ағгор*, *бекор*, *икор*, *бемор*, *зуннор*, *хор*, *душвор* сўзлари кофия вазифасида келиб, анъанавийликни таъмин этган. Шеърнинг ўн учинчи мисрасида тахаллус кўлланилган. Хожа Ислам ва Мавлоно Саккокий ғазалларидаги монандлик маъшуқанинг киёфасига доир салафларнинг шеърларида истеъмолда бўлган ташбиҳларнинг келтирилишида ҳам намоён бўлади. Масалан, Хожа Исламнинг ғазалида келган *гулистан* (юз маъносида), *хиром этмок* (майда қадамчалар билан юрмок), *анбарин соч* (хушбўй ва кора соч), *пари* (маъшуқани ҳурга нисбат бериш), *жодукўз* (ноз билан қараш), *ўқ* (киприк), *ғамза* (киё бокиши) каби сўз ва ибораларда амалдаги ташбиҳларнинг янгича кўлланилишини хис қилсан; Саккокийда айни жараён *гул* (юз), *эрн* (шакар лаб), *ой-хуршид*

(маъшуқанинг юзи), **ярим очик писта** (маъшуқанинг оғизаси), **Масихо**(маъшуқанинг ўткир нафаси), **ишва** (нозли қараш), **зуннор** (маъшуқанинг майда ўрилган узун соchlари), **тасбех** (маъшуқанинг бўйнидаги маржон доналари) кўчирганимиз сўз ва сифатловчилар воситасида янги услубий жилонинг ҳосил қилинишида намоён бўлади. Айримлари айтилган ана ўша жихатлар ҳар иккала ғазалнинг бадиий баркамоллигини ва ижодкорлар услубининг ўзига хослигини таъмин этган. Саккокий ғазалида келган **емқонмас** (қоникмаслик), **яротиг** (жароҳат етказувчи тиг), **ўғон** (бўлган), **кўнгши** (кўшни) каби қадимий туркий сўзларни қўллаш билан туркона услугуб ҳосил қилишдан ташқари шеърхонни фикрлашга ҳам ундаган.

Олдинги сахифаларда назардан ўтказганимиз услубий жилоларни Хожа Исламнинг матлаъ ва мақтаи келтириладиган кўйидаги ғазалида ҳам кўришимиз мумкин:

Маро ин як карам карди ки, расвой Ҳаҳон кардబ,

Ҳикоятҳои дардамро суруди ҳар забон кардబ.

Чунин меҳри руҳат, Ислам, фузун шуд рўзи бозорат,

Чаро умри азизи худ ба ҳар савдо зиён кардబ. [29, 483]

Шоирнинг беш байтдан ташкил топувчи **кардబ** (килдинг) радифли мазкур ғазалида **жасон**, **забон**, **имтиҳон**, **мехмон**, **ниҳон**, **зиён** сўзлари ўзаро қофияланиб, мисралар равонлиги ва мазмундорлигини вужудга келтиришга муносиб ҳисса кўшган. Шеър сатрларини ихлос билан мутолаа қилиш жараёнида ошиқ ва маъшуқанинг юзма-юз туриб мулоқот қилганидай бир манзара қулокқа чалинади. Албатта, бундай вазиятни шоирнинг сўз танлаш ва уларни мутаносиб қўллашдаги маҳорати вужудга келтирган. Хожа Исламнинг аксарият ғазалларида бўлгани каби парчаси келтирилган шеърда ҳам оддий сўзлар ёрдамида чиройли манзара ҳосил қилинади. Шеърий қаторларда ошиқ ва маъшуқанинг ўртасидаги гинахонлик баландлик килади.

Шундай майлни Ҳофиз Хоразмийнинг куйидаги шеърий қаторларида ҳам кузатиш мумкин:

Ул дамдаким бу ошиқинға **ноз қилгасан**,

Юз ноз бирла фитналар **օғоз қилгасан**.

Сандин вафову лутф бу Ҳофиз таъма тутар,

Қиши лутф қилмасанг, ёзибон **ёз қилгасан**.[106, 74]

Етти байтдан таркиб топувчи ғазалда **қилгасан** сўзи радиф вазифасида келган. **Ноз, օғоз, ёз, соз, анбоз, шохбоз, парвоз, таниноз** каби сўзлар мисралар аро таносуб ва қоғиядошлини ҳосил қилган. Ҳожа Исламнинг тожик тилидаги шеърида бўлгани каби Ҳофиз Хоразмийнинг ғазалида ҳам гўё ошиқ маъшуқаси билан юзма-юз ўтириб, унинг “тunoҳ”ларини бирма-бир таъкид билан айтишдай манзара ҳосил қилинган. Ҳожа Ислам ғазалида **карам карди, расвойи Ҳаҷон карди, суруди забон карди, фузун шуд рўзи бозорат, зиён карди** каби сўз бирикмаларида ўша ўзаро мулоқот таъкидланса, Ҳофиз Хоразмий шеърий мисраларида эса **ноз қилғасан, օғоз қилғасан, ёз қилғасан** каби сўз ва ибораларнинг кўлланилишида эслатилган манзара ўзидан дарак беради. Ҳофиз Хоразмийнинг шахсий услубини илғашда унинг мисраларида кўлланилган хоразмча талаффуз ва сўзлар ёрдамга келади.

Ҳожа Ислам, Мавлоно Саккокий, Ҳофиз Хоразмий ғазалларида кўринган монандлик аломатлари Мавлоно Атоий ва Мавлоно Лутфий ғазалиётida ҳам назарга ташланади. Чунончи, Атоийнинг мана бу мисраларида анъанавийлик нуктаи назаридан уйғунликни ҳис килиш кийин эмас:

Кўзларинг-ким, қасди жону ғорати дин айлади,

Бир назарда юз туман ошиқни мискин айлади.

Тонг ели сочинг насиминдин Хўтсан иқлимина,

Шаммае элтиб шикасти нофайи чин айлади.[87, 174]

Етти байтдан таркиб топган ғазал зохирий унсурларига кўра, гўё анъанавийдир. Мисралар охирида ўзгаришсиз тақрорланувчи **айлади** сўзи

радиф вазифасида келиб, ифодаланаётган мазмунни алоҳида ургу билан юзага чиқаришда кўл келган. Фазалнинг коғияланиш тартиби анъанавий (**а-а, б-а, в-а, г-а, д-а** ва хоказо). Радифдан олдин келган **дин, мискин, Чин, қийин, ғамгин, Ширин, насрин, кин** сўзлари мисраларо мазмуний боғланиш ва оҳангдорликни таъмин этган. Шеърнинг мавзуи ошиқона бўлиб, сатрларда харакат қилувчи шеър қаҳрамони киёфасида жафокаш ошиқнинг маҳзун ҳолати намоён бўлади. Мисраларда бадиий талқинини топган маъшуқанинг кўзу сочи билан алокадор ташбеҳлар ошиқ изтиробларини таъсирчан акс эттиришга, инсонлараро муомала маданиятига доир лавҳаларни ишораларда бўёқдор гавдалантиришга хизмат қилган. Шунингдек, маъшуқа кўзининг форатгарлиги, Хўтган охуларининг киндигидан тушувчи кора нофалар, уларнинг ошиқ жонини ларзага келтирувчи хиди каби лавҳалар мисралар жозибасини янада жонлантириш билан бирга, жамият ва инсон тақдирида амал қилувчи яғмоларни (форатгарликни), одамларнинг ўзаро муомаласи туфайли юзага чиқувчи нолойик ҳолат-ҳодисалар, қон тўкишлар, бузғунчиликларни ишораларда қоралайди. Бунинг учун эса ўша сатрларни вужудга келтирган давр тарихий-сиёсий, ижтимоий-фалсафий воқеаларини кўз олдига келтириш кифоядир. Худли ана шундай мураккаб руҳий ҳолатларни малик ул-калом Мавлоно Лутфийнинг мана бу шеърий қаторларида ҳам кўрамиз:

Ёр мендин бурқаъ ўз хуснина пайдо айлади,

Пардада нури сигитмай они расво айлади.

Қилди Ширин хандасидин мубтало Фарходни,

Кирди Лайли кўзиға, Мажнунни шайдо айлади.

Суратиға кўзгуда ҳайрон ўзи оли била,

Бизни Вомиқ отадиу, ўзни Узро айлади.[64, 281]

Замондошлари каби анъанавий зоҳирий аломатларга таянган Мавлоно Лутфий уларни янгича жилоларда кўллаш орқали бир тарафдан ғазал тузилишида якпораликни ҳосил қилган бўлса, иккинчи тарафдан лутфиёна

услубни қабариқ кўрсатишга эришган. Ғазалнинг биринчи мисрасида келган **бурқаъ** (чачвон), от думидан тўқилган кора парда, ўшандай вазифани адо этган. Паранжида ўрнатилган чачвон унинг орқасидаги жамолни бегоналар нигоҳидан муҳофаза қилиши керак. Лутф санъатига таянган шоир эслатилган ишорада ўз маҳоратини намойиш этади. Чачвон паноҳидаги чехра шу қадар нурли эдик, у қора пардани “расво” (фош) қиласи. Матлаъдан бошланган бундай теран маъно ришталари ғазалнинг кейинги сатрларини ҳам нурлантириб туради. Шарқ ҳалқлари адабиётда тез-тез тилга олинадиган Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Вомиқ ва Узроларга ишора қилиш орқали, биринчидан, талмиҳ санъати ҳосил қилинган бўлса, иккинчидан ошиқу маъшук саргузаштига алоқадор жараёнларни тагдор ифодалашга эришилган. Матлаъдаги нурнинг жилоси айни мисраларга ҳам тараалган ва лутфиёна услугуга замин яратган.

Равшан бўлаётирки, мисралари таҳлилга тортилган салоҳиятли шоирларнинг байтларида асосий эътибор маъшуқанинг чехраси тасвирига қаратилган ва уларда қўлланган ташбеҳларда муштараклик назарга ташланади. Бундай манзарани зўллисонайнлик анъанасига амал қилган шоирларнинг ҳар икки тилда яратилган дилкаш сатрларида кузатиш қийин эмас. Шунингдек, бири тожик, иккинчиси ўзбек тилида асарлар яратган шоирларнинг сатрларида ҳам ўша жараёнлар назарга ташланади. Масалан, Ҳожа Исламнинг тожик тилидаги “хажази мусаддаси мақсур” (мағоийлун мағоийлун мағоил) баҳрида ёзилган қуйидаги ғазали Мавлоно Лутфийнинг туркийдаги бир ғазали билан уйғун услубда, бир баҳрда, бир хил қофияларда ва радифда ёзилганлиги билан эътиборга моликдир.

Ҳожа Ислам:

Маро бе меҳри ту аз дил чи ҳосил?

Чу султон набвад аз манзил чи ҳосил?..[27, 55a]

Мавлоно Лутфий:

Нигоро, сенсизин мандин не ҳосил?

Агар жон бўлмаса тандин не ҳосил?..[62, 71]

Қиёсий тахлиллардан хулоса қилиш мумкинки, Хожа Ислам Мовароуннахру Хурросонда зуллисонайнлик анъанасига амал қилган, замондошлари билан ижодий рақобатга киришган ва ўзининг мустакил ифода услубини шакллантира олган истеъодли шоир сифатида муносиб эътиборга лойиқдир. Хожа Ислам Бухорий ва унинг туркигўй замондошлари шеъриятидаги услубий уйғунлик: байтларнинг равонлиги, ўйноқилиги, тасвирланаётган бадиий манзараларнинг бир-бирига яқинлиги, бир сўз ва бирикмаларнинг радиф сифатида танланиши бу даврда адабий алоқа ҳамда ўзаро адабий таъсирнинг сезиларли даражада равнак топганидан далолат беради.

2.3. Хожа Ислам ва Саккокий қасидаларидаги услубий уйғунлик

Қасида ўзбек мумтоз адабиётининг қадимий жанрларидан биридир. Хожа Ислам ижодида етакчи ўрин эгаллаган “бу шеърий шакл IX-XI асрларда араб адабиётидан форс-тожик адабиётига ўтган...”[12, 155]. Мумтоз лугатлар, шеършуносликка доир адабиётларга таянган мақола муаллифи У.Тўйчиевнинг кейинги мулоҳазаларига эътиборни қаратайлик: “Қасида (арабча, мақсад қилиш) ...тузилиши ғазалга монанд, аммо тахаллусиз; композицияси кириш (насиб ё ташбиб), таъриф жойи, баёни, мадҳ ва мамдуҳ (мақтаълувчи) тўғрисидаги дуо ва шоир ниятидан иборат”. [12, 155]

Кўчирганимиз парчада баҳсталаб ўринлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, муаллиф қасидаларда шу асар яратувчисининг тахаллуси бўлиши масаласини шубҳа остига оладики, унга қўшилиш қийин. Чунки биз назардан ўтказишга улгурганимиз қасидаларнинг (хусусан Хожа Ислам, Гадоий ва Саккокий) ҳаммасида тахаллус мавжуд. Бироқ аксарият ғазалларда бўлганидек, қасидада тахаллус мақтаъда келмасдан, кўлланилиш жойи ўзгариши мумкин.

Шарқ ҳалқлари адабиёти тарихида кенг тарқалган қасиданавислик

асрлар давомида мавзу ва ғоялар олами нұқтаи назаридан бойиб, тараққий топиб борди. Юқорида таъкид этилганидек, тарихий шахслар, шоху амалдорлар, илохий-ирфоний арбобларга бағишланган қасидалар билан бир қаторда, тарихий, ҳәёттій өндеу-қодисалар, йил фаслларига аталған ёки фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий йұналишдаги қасидалар хам ижод этилған. Бу ҳақда “Адабиёт назарияси” китобида ўқиймиз: “Қасидачилик тарихи бу лирик жанрнинг қасидаи ҳолия, қасидаи ишқия, қасидаи фахрия, қасидаи баҳория, қасидаи мадхия, қасидаи ҳазония, қасидаи ҳажвия каби турларини билади”[13,264]. Юқоридаги иқтиbosдаги рүйхатни тугал дейишиң қайин, чунки унда Шарқ халқлари адабиёти тарихида шұхрат қозонған қасидачиликнинг айрим йұналишлари киритилған зemas. Адабиётшунос Р.Мусулмониён қасидачиликнинг юқоридаги рүйхатига “қасидаи ҳамрия, қасидаи марсия, қасидаи ҳасбия, қасидаи шиквоия”[72,174-175] каби күринишларини киритади. Ўзбек ва форс-тожик адабиётларининг XV асрдаги тараққиётида қасидачиликнинг юқорида әслатилған бир қатор йұналишларыда ижод қилингандығын гувохи бўламиз. Жумладан, Мавлоно Саккокий, Мавлоно Гадоий ва Хожа Исматларнинг аксарият қасидаларида темурий шоҳ ва шахзодалар улуғланса, Алишер Навоийнинг “Фусули арбаа” асари йил фасллари ва “Ситтай зарурия” (“олти зарурат”) туркум қасидалари илохий-ирфоний, ахлоқий-фалсафий мавзуларнинг бадиий талқинига қаратилғандир.

Фалсафий қасидалар араб адабиётида пайдо бўлиб, кейинчалик бошқа халклар адабиётида шаклланиб ривожланған. Масалан, Носир Хисрав, Хоконий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулийлар фалсафий қасидаларнинг ажойиб намуналарини яратғанлар. Қасидаи маснұъ эса Салмон Соважий, Саккокийлар ижодида учрайди.

Қасидалар ҳажм жиҳатидан катта бўлиб, кофияланиш тартибиға кўра ғазалга ўхшайди. Одатда, қасида **насиб** ёки **ташбиб**, **гуризгоҳ**, **мадҳ**, **қасд** ва **хотима** каби қисмлардан иборат бўлади. Қасида киришсиз бошланған бўлса,

қасидаи маҳдуд, қасидаи муҳтазаб ёки қасидаи мужаррода деб юритилади. Мавлоно Гадоийнинг девонига киритилмаган, аммо “Ҳаёт васфи” тўпламидан жой олган, Халил Султонга бағишланган ўн уч байтдан таркиб топувчи қасидаси ана ўшандай асарлар сирасига киради.

Хожа Исмат замондошларидан бўлмиш Саккокий ўзбек шоирлари орасида XIV аср охири ва XV аср бошларида қасидачиликда энг шуҳрат топган шоир десақ, муболага бўлмайди. У Хожа Исмат яшаб ижод этган адабий муҳитда яшаб, ижод қилди. Даврнинг суронли сиёсий-ижтимоий воқеаларини бошдан кечирди. Қасидаларида эса худди Хожа Исмат каби ўз замонасининг машхур шахсларини мадҳ этди.

Бу ҳақда таникли адабиётшус А.Ҳайитметовнинг “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” китобида куйидаги фикрлар келтирилади: “Улуғбек саройидаги энг обрўли ва номдор ўзбек шоири, шубҳасиз, Саккокий эди. Унинг дилрабо лирик шеърлари билан бир қаторда ўзбек тилида Улуғбек, Арслон Хўжа Тархон, Хожа Мухаммад Порсо ҳақидаги қасидалари ҳам бу шеърий жанрнинг ёркин ютуғи бўлди. Унинг Улуғбек ҳақидаги қасидаларидан бирида олим-шоҳ тўғрисидагина эмас, ўзи ҳақида ҳам фахр билан сўзлаб:

Фалак йиллар керак айлансаю келтурса илкига,

Менингдек шоири турку сенингдек шохи донони”,-деган эди[130,161].

Саккокийнинг мумтоз сўзшунос ва шеършунослар томонидан қасидага қўйган барча талаблари асосида ёзилган шеърлари фикримизга далил бўла олади. Бирор айрим адабиётшунослар Саккокий қасидаларининг сони хусусида фикр юритганда чалкашликка йўл қўйганлар. Бундай ҳолни профессор Н. Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги ҳамда О.Носиров, С.Жамолов, М.Зиёвиддиновларнинг “Ўзбек классик шеърияти жанрлари” китобида кўрамиз. Уларнинг фикрича, Саккокий иншо этган қасидалар ўн бирта эмас, балки ўнтадир. Ҳар иккала китоб муаллифлари Саккокийнинг Улуғбек Мирзога бағишланган қасидаларини тўртта деб

хисоблайдилар. Шоир девонидан ўрин олган шу жанрдаги шеърларнинг миқдори эса бештадир.

Хожа Исматнинг киёсий девонидан ўрин олган аксарият қасидалари ҳам ўша тарихий шахсларга бағищланган. Айни шеърий жанрдаги асарлардан аксариятининг Халил Султон ва Улуғбек мирзоларга бағищланганлигини ишимиизнинг юқоридаги бобларида таъкидлаб ўтган эдик. Хожа Исмат билан Саккокий қасидаларининг бир адабий жараён ва даврда яратилганлигини инобатга оладиган бўлсак, ўша мисраларда ўхшаш ва индивидуал жиҳатлар бўлиши табиийлигини таъкидлаш жоиздир. Зеро, уларда услубий ҳамжиҳатлик ва ўзига хосликлар талайгина.

Хожа Исмат девонининг қиёсий нашрида қасидалар руқнида етмиш тўққиз шеър берилиб, ундан кейин ғазаллар келтирилади. Китобнинг кейинги бўлимларида мусамматлар ва рубоийлар жойлаштирилган. Шундан сўнг “Мустазодлар” сарлавҳасига дуч келинадики, унда қирқ уч байтлик Оллоҳ мадҳига бағищланган шеър, ўн байтлик Жўги Мирзога аталган мадҳияча, ўттиз саккиз байтдан иборат Халил Султонга аталган қасида ва 136 байтдан ташкил топувчи мақтов йўналишидаги таркибанд келтирилиб, унда чаҳорёри босафолар улуғланади. Бизга номаълум сабабга кўра девон ношири Ахмад Карамий бундай таснифотга хеч қандай шарҳ бермаган. Фикримизча, мазкур шеърларда асосий мисралар мазмунини қувватлашга хизмат қилувчи орттирилган мисрачалар борлигини эътиборга олган адабиётшунос уларни мустазодлар тарзида номлашни маъкул кўрган. Шунингдек, айни шеърларда мадҳ-мақтов оҳангининг кучлилигини хисобга олиб, ўшандай руқнида беришни лозим топган кўринади.

Юқорида айрим жиҳатлари қайд қилинган “орттирилган мисрачалар, илохий-ирфоний қарашлар, айрича шеърий шакллар” шоир бадиий-ифода услубининг ўзига хос қиррасини кучайтириб кўрсатишга хизмат қиласиди, бундай жилони Мавлоно Саккокийнинг ҳозиргача мавжуд меъроси таркибида учратмаймиз. Туркигўй шоир девонидаги 11 шеърнинг барчаси

зохирий унсурларига кўра қасида жанрига даҳлдор эканлигига гувоҳ бўламиз. Шу ўринда бир истисно ҳолатнинг борлигини ҳам таъкидлагимиз келади. Машхур “Фиёс ул-луғот” муаллифи Мухаммад Фиёсиддин қасида жанрига киритиш мумкин бўлган шеърнинг “энг кичиги ўн беш байт бўлиб, қофиялари ғазал тартибида давом этишини” айтади[128, 136]. Саккокий ва Хожа Исламлар қасидалари рўйхатида ўн бир ва ўн уч байтдан иборат биттадан шу шеърий жанр намунаси мавжудлигини айтиш жоиз. Мавлоно Саккокийнинг зикри ўтган ўн бир байтлик қасидаси Шамсуддин Мухаммад Порсо мадҳига доир бўлса, Хожа Исламнинг ўн уч байтлик шеъри “Балҳ таърифи ва имомлик мулкининг мақтоби”га аталади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Мавлоно Гадоййнинг назардан ўтказилган Халил Султонга бағишиланган бирдан-бир қасидасининг ҳажми ҳам атиги ўн уч байтни ташкил этади.

Мумтоз шеършунослар ва бугунги адабиётшуносликка доир ишларда қасиданинг аруз вазнининг қайси баҳрида ёзилиши катъий чегараланмаганлиги таъкидланади. Профессор Р. Мусулмониён эса аксарият қасидалар учун “тантанавор” (мутантан) оҳангнинг ҳукмронлик қилишини қайд этади. Эслатганимиздай жихатлар Хожа Ислам ва Саккокий қасидаларида равшан намоён бўлади.

Қасидалардаги услугга хос аломатларни ойдинлаштиришда ўша шеърда бадиий ифодаси етакчилик қилувчи мавзу ҳам катта аҳамият касб этади. Шу ўринда профессор Р.Мусулмониённинг мадҳ йўналишидаги қасидаларга доир бир фикрига аниқлик киритишга тўғри келади. Олимнинг таъкидича, ўтра асрларда қасиданинг зикри ўтган йўналишида ҳукмдорларнинг мадҳи етакчилик қилган ва бундай майл қасидаларнинг “сийқаланиши”, “обрўйининг пасайиши”га сабаб бўлган. Аслида эса, масалага бундай муносабат Шўро мафкураси тазиқининг натижасидир. Яъни саройга алокаси бўлган шоху султонларга мадҳлар бағишиланган шоирларни маддоҳлар сифатида қоралаш руҳи ўшандай туйғуни вужудга келтирган. Бундай ҳолат

учун қасида эмас, балки, бизнингча, шўро мафкурасининг масалага бир тарафлама муносабати айбдордир.

Тарихий манбаларда Халил Султонга “хушрўйликда Мухаммад жамолио Юсуф малоҳати”[78, 165-166] нисбат берилади. Шунингдек, унинг адабиёт ва санъат муҳлиси эканлиги, шеърлар ёзиб қўшиқ қуялгани Хожа Исматга таъсир этган ва ўша ҳақда уни ашъор битишга унданған. Хожа Исматнинг киёсий девонида шу фикрни исботлашга хизмат киладиган йигирма олти байтли энг кичик қасидасига диққатни қаратамиз:

Бунафша бесамар зулфи ту лофи хубб зад,

К-унун зи гуфта хуршед нисор меояд.

Ба бўи ҳалқаи зулфат ба бўстон ҳар шаб,

Сабо ҳаме раваду мушки бор меояд...

Рафиъ мартаба Султон Халил к-аз хулқат,

Равоиҳи нафаси навбаҳор меояд...[29, 50-53]¹

Хожа Исмат қасидасининг биринчи байтида амирзоданинг хушсуратлигига ишора қилиб, бунафша унинг жамолини васф этиб, бесамар лофт ургани, унинг хушрўйлиги олдида қуёш ҳам уялиб қолганини муболағали таъкидласа, кейинги байтда амирзоданинг хушхулқлиги ҳакида сўз юритиб, юксак мартабага муносаби Халил Султон хулқидан навбаҳор нафаси келишини мактаб таъриф беради.

Хожа Исматнинг шеърий қаторларидағи услубий жилони-Халил Султон хуснини таърифлаш майлини Саккокийнинг ўттиз байтдан иборат мукаммал қасидасида ҳам яққол кўрамиз. Хожа Исмат каби Мавлоно Саккокий ҳам қасида ташбибини мана бундай бўёқдор мисралар билан бошлиайди:

Ғунча оғизлар ғунжидин кат-кат бу бағрим қон эрур,

Дур тишларинг жавридин ҳар дам кўзим умён эрур.

Гул юзингни кўргали юз пора қилди ўзини,

¹ 6-II.

Сумбул кўрубон зулфунгиз шайдои саргардон эрур.

Лолангга куббангни кўруб недин қарорўй дегажак,

Ул ҳам бу ҳасрат ўтида мендек бино қўйғон эрур.

Наргис кўзунгдин усрубон ментек аёки илкингдин,

Бордиким андоғ усругай ийлурғани имкон эрур. [94, 56]

Кўчирилган мисралардаги маҳбубга нисбат бериш мумкин бўлган сифатловчилар шеърият учун мутлақо янги ҳодиса эмас. Маъшуканинг оғзини фунчага, кўзини наргисга, сочини сунбулга (ва ҳоказо) қиёслаш ўзбек ва форс тожик шеъриятида анъана бўлиб келган. Аммо Саккокий мисраларида сўз кудрати ёрдамида ҳосил қилинган айнан ана ўшандай тароватни топиш мушкул, чунки туркигўй щоир эслатилган воситаларни ўз ғоявий ниятини юзага чиқариш учун хизмат қилдирган ва шунга муносиб сўзлар топа олган. Шеърий қатордаги қубба, лола, унинг ял-ял товланиши-шуъла сочиши билан алокадор ишоралар мазмун ришталарини мақталувчига-Халил Султонга дахлдор қилиб қўйган. Саккокий мурожаат қилган анъанавий воситалар Хожа Ислам мисраларида бинафша, гажжак зулф, хуршид, мушк, анбар, бўстон каби ташбиҳлар тарзида намоён бўлади. Кўринадики, ҳар иккала шоир анъанавийлик заминида ўз ижодий услубини шакллантиришга эришган ва ўша мисраларнинг ҳар бири ўз ижодкорининг ғоявий нияти, рухияти, фикрлаш тарзи, диду дунёқарашидан дарак бериб туради. Бошқача айтганда, ҳар бир даврнинг ўша замон ва макон билан изоҳланадиган умумий-услubий жилолари бўлганидек, ҳар бир ижодкорининг ҳам эслатилган адабий жараён билан изоҳланадиган муштарак жиҳатларини сақлагани ҳолда ўз индивидуал услубида ижод қилганлигини Хожа Ислам, Саккокий ва Гадоийларнинг қасидалари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мавлоно Гадоийнинг ягона **мужаррад** қасидаси негадир матлаъсиз бошланади. Ўн уч байтдан таркиб топувчи бу қасиданинг дастлабки мисралари қуидагича:

Замоне субхидам андеша бирла ҳамнишин бўлдум,
 Ки, муддатлар анингла бўлмиш эрдим ҳар қаён ҳамроҳ.
 Ҷедимким, билса бўлмас дунёнинг ишини баъдал явм,
 Агар топса заволе бу камоли салтанат ногоҳ...
 Лисон ул-ғайбдин келди қулогимға хитобеким,
 Шаҳаншоҳзодаларнинг сарвари Султон Халилуллоҳ.[132, 679]

Кўринадики, Гадоий қасидасида Хожа Исмат ва Саккокий шеърларида бўлгани каби бадиий бўёқдорлик назарга ташланмайди. Гўё шеър қаҳрамони атрофига содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кимгадир ҳикоя қилиб бераётгандай ҳолатга дуч келинади. Халил Султоннинг тахтга келиши илоҳий омилларга алоқадордай бир ҳолатда тасвириланади. Эҳтимол, айни жиҳатларни Гадоийнинг индивидуал услуби билан изохлаш керакдир.

Хожа Исматнинг Улуғбек Мирзога бағишланган ўн уч қасидасининг энг ириги 78 байтдан иборат. Қасиданинг ташбиби шоирнинг бошқа қасидалари сингари табиий ҳодисаларнинг гўзал тасвири билан ибтидо топади. Унинг мана бу сатрларини мутолаа килган шеърхон, айни сифатловчиларнинг замонларнинг улуғ алломаси Улуғбекка дахлдорлигини пайқай олади:

Чун субҳ зад саротиғ ёқут пайкараш,
 Афрошт осмони илм шоҳи ховараш,
 Арш аз барои муҳдаи дийдори офтоб,
 Бар фарки рўз рехт табақҳои гавҳарашиб. [29, 141]¹

Кўринадики, тонг отди, қуёш чиқди, унинг заррин нурлари ҳамма ёкни ёритди, йўқ, гўё Шарқда илм нурлари таралди ва ҳамма ёкка чирой бахш этди каби мулоҳазалар қуюқ мажозий пардаларда акс эттирилган. Иккинчидан, қуёш – Улуғбек Мирзо чехраси намоён бўлди ва унинг қадамига марваридлар нисор этилди тарзидаги талқин шеър қаҳрамони–Улуғбек Мирзога бўлган юксак муҳаббатдан хабар беради. Демак, шоир ўз ғоявий ниятини рўёбга

¹ 7-II.

чиқаришда кўл келадиган ташбехларнинг бадиий талқинига урғу беради. Ўшандай майл қасиданинг мана бу сатрларида ҳам назарга ташланади:

Дор уш-шифои хаста дилон чун Ҳаноби туст,

Бошад ки марҳами ба кафояд аз ин дарашиб.

Пуратр бод базми Ҳанобат ки тоза шуд,

Гулзори дин зи роихаи рухпарвараш. [29, 147]¹

Кўринадики, Хожа Исмат Улуғбек Мирзо сифатларини шеърхонга аниқ ва таъсирчан кўрсатишга хизмат қилувчи тагдор, сержило сўзларни танлайди ва таносуб санъати талабларига мос равишда кўллашда зарифлик кўрсатади.

Танланган мавзуга исматона моҳирлик билан муносабатни Мавлоно Саккокийнинг Улуғбек Мирзога бағишлиланган қасидасидаги мана бу сатрларда ҳам равшан кўра оламиш:

Анингтек бўлди кўкким киши ҳар кўкни фарқ этмас,

Шикуфа ҳар замон нозил қилур кўктин Сурайёни.

Кетурди лола бу мужмар ичинда анбари соро,

Қилур вола бухуриндик Самарқанду Бухорони.

Гулистон ахлина бу кўн эрур ҳам ийду ҳам Наврўз,

Улар гул сочтилар ман ҳам кетурдим хуш бу ҳалвони... [94, 106-116]

Равшан бўлаётирки, Мавлоно Саккокий ҳам бугун дунё эътироф этадиган қомусий олим Улуғбек Мирзонинг фазилатларини рангин ифодалашда бор маҳоратини ишга солади, еру самони бир-бирига боғлашда кўл келадиган сўз ва ибораларни танлайди. Эл назарида бўлган гул, юлдуз ва муқаддас шаҳарларни (Самарқанду Бухоро) кафилликка келтириш орқали фалаккиёт илми донишмандининг тасвирини чизишига эришади. Тахлилга тортилган қасиданинг бошдан охир барча мисраларида мақтовнинг меъёрдан чиққани, шу шеърий шакл оҳорини тўкишига хизмат қилувчи ўринлар деярли учрамайди. Шеърий каторлардаги ҳар бир ишора муайян вазифани бажаради

¹ 8-II.

ва туркигўй шоирнинг ғоявий ниятини шеърхонга етказишида самарали хизмат қиласди.

Тахлил жараёнинг тортилган бадий лавҳалар Хожа Исламнинг бошка бир қасидасида ҳам алоҳида оҳанг ва фикрий назокати билан эътиборни жалб қиласди. Мана ўша сатрлар:

Кулзуми мушкини шаб событу сайёрааш,

Ламъаи маҳ оби ў пайкари анҲум инаб...

Шоҳ Улуғбек Ҳам, ҳашмати Доро ҳадам,

Сарвари Ҳайши Аҳам, сафдари Ҳунди Араб.

Рафиъи таҳту ливо, дафиъи зулму бало,

Хомиъи лутфу ато, қомиъи ранҲу наасаб. [29, 48]¹

Бухоронинг зарофатли хонадонида тарбия топган илохий-ирфоний, дунёвий-фалсафий билимлардан пишиқ ҳабардор Хожа Исламнинг табииатидаги ноёб фазилатлар шеърий қаторларда ўзининг теран бадий ифодасини топган. Олдинги асарларида бўлганидек, айни қасидада ҳам, муаллифнинг дикқат марказида Улуғбек сиймосидаги қомусийлик, саркарда ва давлат арбоби мақомидаги зийраклик, адолат, диёнат, амният каби олмос кирраларни исматона заковат билан ёритиш дикқат марказида тутилади.

Саҳифаларда тахлилга тортилган тожик ва ўзбек тилидаги парчалардан англашиладики, Хожа Ислам, Саккокий, Гадоийлар ўзи яшаган замоннинг пешқадам вакили, диний ва дунёвий билимлардан ҳабардор инсони сифатида асосий эътиборини афкор омма манфаатлари йўлига енг шимаришга, тождорларни авж пардада улуғлаш орқали эл-улус фаровонлиги йўлида хизмат қилдиришга ҳаракат қилишган. Қасидаларнинг рангин сатрларида эса, ўз услубларини гавдалантиришга, муҳлисларига маънавий ва бадий озука беришга муюссар бўлишган.

¹ 9-II.

Хожа Исмат Бухорий ва Саккокий қасидаларида табиат ёки самовий гўзалликлар тасвирига мурожаат этишда умумийлик кўзга ташланса, айни гўзалликларни хосил килувчи бадиий тимсолларни жонлантириб муболагавий тасвирни вужудга келтириш Хожа Исмат қасиданавислигига хос хусусият сифатида намоён бўлади. Саккокий эса ўша бадиий тимсолларни жонлантиради ҳамда хусни таълил бадиий санъатига таяниб қасидага хос муболагавий тасвирни хосил қилади.

2.4. Зуллисонайнлик анъанаси ва услуг

Зуллисонайнлик тарихи бадиий сўз санъатининг ўзи сингари қадимийдир. Бу анъананинг туғилиши ва тараққиёти халқлар ўртасидаги алоқа ва ҳамкорлик муносабатларининг пайдо бўлиши жараёнига бориб туташади [39, 66].

Шарқу Ғарб ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-тарихий муносабатлар билан бирга адабий-маданий алоқа ва ўзаро таъсир бобида асосий чорраҳа бўлиб ҳизмат қилган Мовароуннахрда зуллисонайнлик анъанаси узок асрлар давомида амал килиб келди. Маданий марказ сифатида тўла шаклланиш жараёнини бошидан кечирган Ўрта Осиё шаҳарларининг аксарият аҳолиси ўз фикрини бир неча тилда ифода эта билган. Бунга сабаб, зикри ўтган шаҳарларнинг Буюк ипак йўли устида жойлашиб, улар аҳолисининг турли юртлардан келган миллат вакиллари билан мулоқотда бўлганиклари туфайлидир. Бундай ҳодиса, айникса, ўзбек ва тожик ҳалқларининг турмуши, ижтимоий-адабий фаолиятида кўпроқ кузатилади.

Ўзбек адабиётининг равнакига форс-тожик адабиёти вакиллари ҳисса кўшиб келганидек, форс-тожик адабиётининг мазмунли саҳифаларини бунёд қилишда ўзбек адаблари ҳам муносаб улуш кўшиб келгандар. Бу ўз навбатида, адабиёт оламида зуллисонайнлик анъанасининг шаклланишига олиб келган. Аёнлашадики, форс-тожик ва ўзбек бадиий адабиёти, илм фани

ривожини бир-биридан узиб олган ҳолда текшириш, илмий умумлаштириш асло мумкин эмас. Ўрта Осиё ҳалқлари бадиий ижодиётида зуллисонайнлик асосан илк уйғониш давридан (Х асрдан) бошланган ва ҳозиргача давом этаётган барҳаёт анъанадир [39, 67-68].

Зуллисонайнлик (ўзбек-тожик, тожик-ўзбек) анъанасининг такомилига Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Амир Шайхим Суҳайлий, Камолиддин Биноий, Бадриддин Ҳилолий, Бобораҳим Машраб каби ўнлаб шоирлар кўшган хисса бекиёсдир. Шубҳасиз, айни ҳодисанинг сезиларли силжишини XV аср I ярми адабий ҳаёти сахифаларида кўриш мумкин.

Зуллисонайнлик хақида фикр юритганда, унинг икки кўринишида амал қилганлигини таъкидлаш жоиз. Биринчи йўналишни бадиий санъат мақомидаги Муламмаъчилик (ўзбек-тожик, тожик-араб ва х.) ташкил этади ва бундай майл маҳсули бўлган шеърий мисралар у ёки бу ҳалқ ўртасидаги бирордликни мустаҳкамлашда хизмат қиласа-да, уларнинг адабиёти учун муҳим сахифа вазифасини ўтамайди. Иккинчи йўналишдаги зуллисонайнлик адабий ҳодиса бўлиб, унга мурожаат этган ижодкор, икки тилда баробар ёхуд бирида кўпроқ, иккинчисида камроқ ижод этади. Айни фазилатни Ҳожа Исмат, “Мухаббатнома” муаллифи Хоразмий, Лутфий, Алишер Навоий, Шайхим Суҳайлий ва бошқаларнинг адабий тажрибасида кўрамиз.

Ҳодиса сифатидаги зуллисонайнлик Ҳожа Исмат адабий фаолиятида етакчилик қилган ва у ўзининг ўзбек тилидаги шеърларини арузнинг энг мураккаб ўлчовида, баҳри тавилда ижод этганлиги билан Алишер Навоийнинг эътиборини қозонган. “Мезон-ул авзон” даги қуйидаги эътироф фикримизнинг далилидир: “Ул жумладин рамали маҳбундурки, ҳар мисраси саккиз рукндорки, байти ўн олти бўлғай, Ҳожа Исмат Бухорийда пурбаҳо дебтурлар, бу услуб биладур.

Қомату зулфу кўзу кошуузору хат ила холи лабингдурки, оларча эмас,
эй шўхи ситамгар,

Сарв ила сунбул нарғис янги ою қуёшу сабзаи жаннат қураи нофау

гулбарг аро шаккар”.[78, 91]

Бундан кўринадики, Алишер Навоийнинг арузнинг энг узун баҳри, рамали маҳбунда битилган ўзбек тилидаги мисолни айнан Хожа Ислам шеъриятидан келтириши бежиз эмас. Зоро, ушбу келтирилган парча бадий услуби жиҳатидан Навоий эътиборини ҳам жалб этган.

Бирок ҳозирга қадар Хожа Исламнинг нафакат баҳри тавилда ижод этилган ўзбекча шеърлари, балки бошқа баҳрларда яратилган бу тилдаги ғазал ва қасидаларини (биринчи бобда келтирганимиз ўзбекча ғазал бундан мустасно) қўлга киритишга мусассар бўла олмадик. Тадқиқотчи А. Мирсафоев ўзи қўлга киритган ўзбек тилидаги икки ғазал ва бир қасиданинг манбаини кўрсатмаганидек, Аҳмад Карамий ҳам ўша иштибоҳни такрорлайди. Мумтоз манбалар Хожа Ислам қасидаларининг умумий сонини тўксонта деб кўрсатгани ҳолда улардан етмиш тўққизтаси Техрон нашридан ўрин олган. Фикримизча сиёсий баҳсларни эътиборга тутган адабиётшунос ўзи қўлга киритган туркий қасидаларни четниб ўтган бўлиши мумкин.

Хожа Исламнинг форсийда баҳри тавилда ёзган икки ғазалининг қўллэзма нусхаларда мавжудлиги учунинг бу вазнда шеърлар ёзишга мойиллигидан дарак беради. Мисол учун:

Мекашад турки камондору мусулмонкушу Ҳодуи ту чун кофари маст аз миҳа
бар ҳар Ҳигаре тири балоро,

То кушад зору ба ҳам барзадаву маству сийонхўрдаву маҳрӯҳу дилозурдаву
афгору Ҳигарсўхта моро.[45, 66]¹

Шоирнинг шу услугуб ва айни баҳрда иншо этилган бошқа бир ғазалида бошдан охир “лаффи нашр” санъати етакчилик қиласди:

Ранги руҳсору дури гўшу хату ҳадду қаду оразу холу лабат, эй сарви паририўи
суманбар,

Шафаку кавкабу шому сахару тўбию гулзори биҳишт асту ҳилолу тарафи

¹ 10-II.

чашмаи кавсар.[30, 551]¹

Бахри тавилда ёзилган бундай шеърлар Мавлоно Лутфий, Атоий, Саккокий, Гадоий ва Ҳофиз Хоразмийларнинг бугунги кунда китобхонларга тақдим этилган девонларида девонларида учрамайди.

Ҳакиқатан, Ҳожа Исламнинг ўзбек тилидаги шеърлари унинг тожик тилида баҳри тавилда яратилган назм намуналари каби пурмаъно ва юксак бадиий кимматга эга. Биз назардан ўтказган девонларда шоирнинг уч Муламмаъси (ўзбек-тожик) ни топишга муюссар бўлдик.

Мумтоз шеършунослар ва бугунги адабиётшуносларнинг ишларида зуллисонайнлик, (шеърий санъат маъносида) муламмаъ (равшан, ялтиратилган), ширу шакар санъати тарзида тилга олинадиган бундай шеърларга китобхоннинг дикқатини жалб этиш, эътиборини қозониш, завкини ошириш ва бошқа тилдаги сўзлардан шеърий қаторлар яратиш маҳоратини намойиш қилиш ниятида мурожаат этилади. Бу санъатда яратилган шеърлар ҳар байтининг бир мисраси бир тилда, иккинчи сатри бошқа тилда ижод этилади. Ўрта асрлар адабиётида зикри ўтган шеърларнинг форсча-ўзбекча, ўзбекча-арабча, форсча-арабча кўринишлари учрайди. Баъзан бир байти бир тилда, иккинчи байти бошқа забонда ёзилган шеърлар ҳам кўзга ташланади. Айтгандаримизнинг мисоли сифатида Ҳожа Исламнинг муламмаъларини назардан ўтказайлик:

1-муламмаъ.

Бир ғамзаи мастона қилиб бок бу сори,

То нолай зор аз Ҳигари хаста барор**b**.

Ул гулми, санинг қошинг учун Ҳусрави Ҳубон,

Ислам ту чаро дил надиҳ**b**, Ҳон насупор**b**?[28, 151 a]²

2-муламмаъ.

Сарву гулу шамшоду сумандур юзини бўйи,

¹ 11-II.

² 12-II.

Гар ошиқ он сарви қад ғолиямъ^b.

Кўттар юзгинанг оғзи учун бўлмаса маъдум,

Исмат ту ба он танг даҳон ҳеч накъ^b. [28, 152 а]¹

З-муламмаъ.

Йўқ бўлса таҳайор муфид элга оҳи,

Эй моҳ агар Ҳилва кунон сўйи ман ой^b.

Зор куюнмакни ҳажр элида қон айлади Исмат

Хуш бош ҳануз, эй дили саргашта, қуҳоб. [28, 152б-153а]²

Равшан бўлаётирки, барча муламмаъларнинг тоқ мисралари ўзбек тилида ва жуфт мисралари тожик тилида битилган. Уларнинг қоғияланиши анъянавийдир. Кейинги тоқ мисралар очик қолиб, жуфт қаторлар матлаъга оҳангдош бўлиб келади ва шу тартибга ўзбек ҳамда тожик тилида муламмаъ-ғазалларнинг мавзуи ошиқона. Уларнинг ҳаммасида маъшуқанинг чехра ва коматига доир аъзолар (**кӯз, қош, хол, мужгон, хат ва** ҳоказолар) ҳакида бўёқдор мисралар яратилади. Шоир ҳар икки тилдан ҳам ғоявий ниятига мос сўзлар танлаш орқали, биринчидан, мисраларни “ялтиратиш”га, иккинчидан, уларнинг жозиблигини кўтариш ва ўзбек ҳамда тожик тилида сўзлашувчи муҳлисларга бадиий завқ бағишлишга харакат қиласи.

Учинчидан, санаб ўтганимиз фазилатлар исматона ифода услубининг равшан юзага чиқаришда қўл келади.

Муламмаъ ғазалларнинг сатрларида маъшуқанинг фақат зоҳирий белгилари улуғланмай, балки нозик ишораларда унинг ботиний аломатлари, яъни ахлоқий-маънавий олами ҳакида ҳам гап боради. Айни жиҳатлар шоирга хос услубий жилоларни қабариқ кўрсатишга хизмат қиласи.

XV асрнинг биринчи ярмида кичик шеърий шаклларда қалам тебратган Атоий, Саккокий, Лутфий, Гадоий ва Ҳофиз Хоразмийларнинг кенг

¹ 13-II.

² 14-II.

китобхонлар оммасига тақдим этилган асарлари таркибида тожик (форс) тилида ёзилган шеърлар ҳакида маълумот ва улардан намуналар учрамайди. Гарчи Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” да Мавлоно Лутфийнинг зуллисонайнлигига ургу бериб, айрим тожикча (форсча) байтларини илова килса-да, малик ул-калом адабий меросининг ноширлари бу масалани очик қолдиришган. Лутфий девонлари қўллётзмаларининг тавсифини берган адабиётшунос Э. Аҳмадхўжаев ҳам бу соҳага оидинлик киритмайди. Олим Лутфий девонининг Париж Миллий кутубхонасида сакланаётган нусхаси шоирнинг мавжуд қўллётзмалари ичida энг мукаммалларидан бири эканлигини таъкидлар экан, унга малик ул-каломнинг 311 ғазали киритилганлигини ёзади, аммо форсий шеърлари ҳакида маълумот бермайди [61,13].

Шундай гапни муламма-ғазаллар ҳакида ҳам айтиш мумкин. Чунки шоирнинг мавжуд ғазаллари ичida Муламма-чилик тамойилларига тўла жавоб берувчи шеърлар учрамайди. Аммо унинг айрим ғазалларида арабча, форсча сўзларнинг радиф вазифасида келганлигини, айрим қофиялари ва мисраларда арабча, форсча сўз ибораларининг ишлатилганлигини инкор килиб бўлмайди. Буни қуидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

Кўрдум сению кетти **ғам, алминнатуиллаҳ,**

Жон топти ҳаёт ушбу **дам, алминнатуиллаҳ.**

Давлат куни туғди очилиб **субҳи саодат,**

Хижрон туни бўлди **адам, алминнатуиллаҳ.** [64, 236]

Кўринаётирки, мисралар охирида қофиядан кейин келиб, ўзгаришсиз тақорланувчи **алминнатуиллаҳ** (худога шукр) сўзи араб тилидан олинган бўлиб, радиф вазифасини бажарган ва мазмунни таъкидлаб кўрсатишга хизмат қилган. Шундай гапни **ғам, дам, адам** каби қофиядош сўзлар ва мисраларни ташкил этган **субҳи саодат, хижрон** каби араб ва форс тилидан олинган сўзу иборалар хусусида ҳам айтиш мумкин. Мавлоно Лутфий мисраларида кузатилган юқоридагидай манзарани Мавлоно Гадоийнинг мана бу сатрларида ҳам кўзга ташланади:

Эй энгларинг кинояти “**вашшамсұ ваззухо**”,
 Зулфунг саводидур дөғи “**вал-лайли изо сажо**”.
 Лаълинг хаёли түщі қўнгул эвина, дедим:
 “**Ахлан-у хайра мақдам ва саҳлан ва марҳабо**”.[43, 19]

Кўринадики, қуръоний оятларга ишора қилиш орқали шоир шеър табарруклигини оширишни кўзда тутган. Иккинчидан, қуёшга ва унинг ёғдусига қасам ҳамда кун ёғдусига қасам иборалари Куръони каримнинг 91-ва 93-сураларига ишора бўлиб, мажозий маънени ҳам англатади. Маъшуқа юзининг қуёшга, унинг жамолини кун ёғдусига ташбиҳ қилишнинг анъана эканлиги инобатга олинса, масала анча ойдинлашади. Яъни юзи қуёшни, хушрўйлиги кундузни эслатувчи маъшуқа ошиқ учун Куръони Карим оятларидек табаррукдир. Матлаънинг иккинчи мисрасида келган қуръоний иқтибос 92-сурадан олинган бўлиб, тун қоронғусига қасам маъносини англатади. Яъни маъшуқанинг тун зулматини эслатувчи қоп-қора соchlари ошиқ учун бағоят суюклидир. Кўчирилган парчанинг тўртинчи қаторида халқона удумга ишора араб тилида берилган. Хонадонга келин тушганда ёки мўътабар одамлар ташриф буюрганда “қадамингиз кутлуг (хайрли) келсин”, “марҳабо”, “хуш келибсиз” дейиш халқона одатдир. Шеър қаҳрамони ошиқ ўз маҳбубасига ана шундай мурожаат қилаётит.

Мавлоно Атоий яқин замондоши Лутфий сингари арабча сўзларни радиф вазифасида қўллади. Мана бу мисолда ўшандай холат ёрқин назарга ташланади:

Юзунгни кўрдим эй **жсон, шукри лиллоҳ**,
 Севунди **жсони пазмон, шукри лиллоҳ**.
 Умидим **бўстонида** юзунгдин,
 Очилди юз **гулистан, шукри лиллоҳ**. [87, 163]

Мисралар охирида келган **шукри лиллоҳ** (Аллоҳга розиликлар бўлсин) радиф бўлиб, шеър қаҳрамонининг шуқронасини таъкид билан ифодалашга

хизмат қилган. Ғазал мисраларида келган **жони пазмон, бўстон, гулистан, шом, толиъ, хижрон, ташна, оби ҳайвон** каби араб ва форс тилидан олинган сўзлар шеър назокатини қўтариш, мазмундорлигини таъминлаш, шоир ғоявий ниятини бўёқдор ифодалашда қўл келган.

Мавлоно Саккокий девонида ҳам **ширу шакар** санъати талабларига якин келувчи бир нечта ғазал мавжудки, улардан бирининг мисралари куйидагича:

Кесса дағи ташлоса рақибнунг бошин ул ёр,

Нетар бу тикан ул гули **бехор** қошинда.

Недин билур ел мени ул ой ошқидур теб,

Чун сўзламадим ҳеч **дару девор** қошинда.[95, 18]

Кўчирилган мисралардаги **гули behor ва дару девор** каби форсий иборалар ифодаланиши лозим бўлган мазмунни кучайтирибгина қолмасдан, балки сатрларга назокат ҳамда рангинлик баҳш этган.

Ҳофиз Хоразмийнинг мана бу мисраларида ҳам ўшандай манзарани хис қилиш қийин эмас:

Юзунгтак жаҳонда қани **моҳ-и тобон**,

Ким, андин хижил бўлса **хуршид-и рахшон**.

Хижил бўлмади эрса, не ёндин эмди,

Нихон бўлди лаълинг кўриб **об-и ҳайвон**.[106, 120]

Кўринадики, **моҳ-и тобон, хуршид-и рахшон, об-и ҳайвон, суврат-и жон, қасд-и иймон** каби форс ҳқмда араб тилларидан олинган сўз ва иборалар қоғия вазифасида келиб, мисралар оҳангдорлиги, мазмундорлиги ва нафосатини қўтаришга хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳожа Исмат билан бир даврда ижод этган, замон ҳодиса ва воқеаларининг биргаликда гувоҳи бўлган туркигўй шоирлардан Мавлоно Лутфий, Атоий, Гадоий, Саккокий ва Ҳофиз Хоразмий каби мумтоз ижодкорлар, асосан, туркйда шеърлар ёзиб, форсча ва арабча сўзлардан унумли фойдаланиш орқали ўз мисраларини “ялтиратиш” воситасида адабий кардошлиқ саҳифаларини янада бойитиш учун муносиб

ҳисса қўшдилар. Хожа Ислам Бухорий эса муламмаъ услубида битилган ғазаллари билан адабий қардошликтининг алоҳида саҳифаларига зеб бера олди.

Хожа Ислам Бухорий ва туркигўй замондошлари шеъриятидаги яқрангликларнинг намоён бўлиши уларнинг бир даврда яшаб, бир ҳукмрон сулола мағкурасини улуғлаб асарлар ёзганлари, шунингдек, кўпроқ бу ижодкорларнинг зуллисонайн шоир эканликлари билан чамбарчас боғлик кўринади. Айни адабий ҳодисани муайян бир ижодкорнинг ўзига хос услубининг ҳар икки тилдаги шеъриятида намоён бўлиши билан изоҳлаш мумкин. Чунончи, Хожа Исламтдин баҳри тавил услубида ҳам ўзбекча, ҳам форс-тожик тилида пурмаъно ва юксак бадиий қимматга эга бўлган ғазаллар битганлиги унинг ўзига хос услубининг олмос кирраси сифатида яққол кўзга ташланади.

З-БОБ

**ХОЖА ИСМАТ ВА ТУРКИГҮЙ ЗАМОНДОШЛАРИ
ШЕЪРИЯТИНИНГ БАДИИЯТИ**

3.1. Давр шеъриятининг мавзу, ғоя ва образлар олами

Хожа Исматнинг дунёқарашини у яшаб фаолият кўрсатган XIV аср охири ва XV аср биринчи ярмида ижод майдонида Мовароуннахру Хурросонда яратувчилик билан шуғулланган замондош шоирларнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий-маънавий, ахлоқий-фалсафий қарашларидан ажратиб олган ҳолда талқин килиш мумкин эмас. Чунки бир масканда, бир хил адабий муҳитда умргузаронлик қилган қалам аҳлининг ҳаёт, инсон, уни ўраб олган мавжудот, атрофда содир бўладиган воқеа-ҳодисаларга нуктаи назарининг турлича бўлишини ақлга сиғдириш душвор. Хусусан, табиатнинг олий хильъати инсон тақдирни устида бош қотиравчи, уни рўхий-маънавий балоғат пиллапояларида кўриш орзуси билан нафас олувчий жод ахли хусусида шундай гапни айтиш жоиздир.

Умрининг катта қисмини илоҳий-ирфоний пирларнинг ватани бўлган Бухорою Самарқандда ўтказган Хожа Исматнинг дунёқарашини ҳам мулки борлиқнинг яратувчиси, синчков нигоҳбони Тангри таолонинг мўъжизаларидан ташкарида тасавур килиб бўлмайди. Мутасавиф шоирнинг дунёқараши бир жиҳатдан исломий таълимотга таянади. Унда иймон - эътиқод тушунчаси устувор. Шариат нуктаи назаридан иймоннинг олти рукнидан биринчиси – Оллоҳнинг ягоналигига ишониш: У – яратувчи, У – ҳокими мутлақ, У – ибодатга лойик, У дунёнинг жамики нарсаларининг эгаси. У – иллоҳий қудрат: Ўзи жон беради, Ўзи уни олади. Ундан ўзга ҳеч бир жонзот абадий ҳаёт кечирмайди. У – оламнинг мояси, Унинг борлигига кўнгил билан ишонмоқ, иймон келтирмок зарур. Иймонли киши худога

ибодат қилмоғи даркор. Бунинг учун, аввало, худо сатҳини билиш лозим. Худо сатҳи – ибодат ва мاشаққат йўли. Бу йўл хижрон, дарду жафо, ғаму ғусса, алам чекищдан иборат. Диний эътиқоднинг ана шу устувор жиҳатлари Хожа Исмат шеъриятида ўз аксини топган.

Шоирнинг диний-тасаввуфий карашлари ўзининг пешқадам ғоялари билан ажралиб туради. Бир сўз билан айтганда, у Оллоҳни инсон қалбида, унинг юрагида, деб тушунади. Бундай фалсафий караш Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий-гоявий карашлари билан ҳамоҳангдир. Айни мулоҳазаларимизни шоирнинг қўйидаги шеъларида кўрамиз:

ҲиҲрон накашед, бади ғами васл чи донед,

То дард набинед, даворо нашиносед.

Эй аҳли ибодат, хама дар ишқ накӯshed,

Гар саҲдаю сатҳи худоро нашиносед.[29, 291]¹

Кўринадики, худони танимок учун банда унга интилмоғи, бу йўлда хижрону азобларга шай турмоғи лозим. Хожа Исмат учун юзаки ва сохта ибодат чинакам иймон-эътиқод ҳисобланмайди. Худони таниш учун унинг сатҳини билиш заруратдир.

Исломий шариатда иймоннинг иккинчи руқни Оллоҳнинг фаришталарини тан олмоқ ҳисобланади. Оламдаги мавжуд нарсалар икки хил: биринчиси–сезги орқали мавжудлиги билинадиган нарсалар, иккинчиси–сезги орқали мавжудлиги билинмайдиган нарсалар. Хожа Исмат ҳам сезги орқали борлиги билинмайдиган нарсаларни “ғайб”, яни тасаввуфда эътироф этиладиган “илми ғайб” деб ҳисоблайди. Унинг дунёкарашида ғайбга ишонмок иймоннинг камолотидан даракдир. Буни шоир бир ғазалида шундай таърифлайди:

Мо аз он рўз, ки илми назар омӯхтаем,

Ба Ҳамоли ту чашм аз ду Ҳахон дўхтаем.

¹ 1-III

Муфлиси ҳалқаи савдои ту донем, ки мо
Ҳосили ҳар ду Ҳаҳон баҳри ту бифрӯхтаем.

Масехвор дар шаби торик Ҳудо то рӯз,
З-оташи рӯи ту шамъи назар афрӯхтаем.
Ҳар кихо шамси Ҳамоли ту дилсӯхта аст,
Мо чу парвона дар андешаи он сӯхтаем.
Ишқ варзидан, Исмат, ба ту имрӯзи манаст,
Мо назарбозию ишқ аз азал омӯхтаем¹.[29, 423]

Беш байтдан таркиб топувчи кўчирилган ғазал, мазмун-моҳиятининг теранлиги билан эътиборга молик. Шундай гапни мисраларда қўлланилган тагдор сўз ва иборалар хусусида ҳам айтиш мумкин. Жумладан, шоир “илми назар” ибораси орқали Нақшбандия таълимотининг раҳшаларидан бирига эътиборни қаратади. Яъни солик мақсад йўлида қадам босаркан, унинг эътиборидан оламнинг мутлақ мўжизаси четда колмаслиги зарур.

Шеър қаҳрамони ошиқ учун маъшуқа (Оллоҳ) дан муқаддасрок нарса йўқ. Шунинг учун у фақат маҳбубаси ҳақида ўйлайди. Ундан нажот кутади. Унинг атрофидан шам нурига маҳлиё парвонадек айланади. Шеърий каторларда келган Масехвор (Исо нағас маҳбуба), оламнинг ёғду манбаи куёш иштирок этувчи мисралардаги ўхшатиш ва ўхшатилмишлар ботиний мазмунни кучайтирган. Айни ишоралар ғазалда ифодаланган маънонинг коришиқлигини (мажозий ва ҳақиқий ишқ) ифодалашга хизмат қилган. Сидқидилдан ибодат қилиш, ошиқ учун худо билан юзлашишга баробар:

Мехроби абрӯи ту агар қибла будасти,
Ҳеч гах қабул нагашти намози ман.
Ойинаи Ҳамоли ту то Ҳилвагар нашуд,
Зохир нашуд ҳақиқати ишқи маҳози ман.²

¹2- III.

² 3- III.

Мумтоз шеъриятда учрайдиган типик ҳодисалардан бири, ботиний маънода ёр тимсолида худони кўришдир. Унга шундай сифатлар берилади: ёрнинг кошлари гажжак, улар туташган жой–мехроб. Исломий удумлардан аёнки, масжиддаги тоату ибодат қиблага–мехробга қараб амалга оширилади. Шоир ана ўша урфга ишора килиш орқали мисраларнинг нафакат зохирий, балки ботиний маъноларига урғу беришга эришади. Бунинг учун меҳроб тимсолидан моҳирона фойдаланади. Ийхом санъатига таяниб, маъшука қошлари ҳосил қилган меҳробдан кузатилган маъно кучайтирилади. Намозу ибодатдан назарда тутиладиган таянч мақсад, Оллоҳ васлига восил бўлиш эканлиги нозик ишораларда аксини топади. Шу аснода мажозий ва ҳақиқий ишқ ёнма-ён қўйилади. Мажозийликнинг сидқу садоқат туфайли ҳақиқий ишқ мақомига кўтарилиши муқаррарлиги таъқидланади.

Ишкнинг инсон маънавий-рухий балофатида муҳим омил эканлиги Атоий, Саккокий, Гадоий, Ҳофиз Ҳоразмий ва Мавлоно Лутфийларнинг ғазалиёти учун ҳам бегона эмас. Қуйида матлаъ ва мақтаи келтириладиган ғазаллар шу фикримизни қувватлайди:

Мени шайдо қиласурғон, бу кўнгулдор, бу кўнгул,
Хору расво қиласурғон, бу кўнгулдор, бу кўнгул.
Ўзгадин қўрмаки кўзунг ёшини, эй Лутфий,
Айни дарё қиласурғон, бу кўнгулдор, бу кўнгул.[64, 146]
Яна :

Ох, ул санам ҳажринда кўз ҳар лахза дарё бўлғуси,
Ой чехрасин ангтонча юз турлу сурайё бўлғуси.
Ҳижрон заҳри мунда йўқ бўлса, эй Саккокий, санга,
Ул шоҳнинг аччик сўзи, сўкунчи ҳалво бўлғуси.[94, 246]

Равшан бўлаётирки, кўчирилган парчаларда ҳаракат қилувчи шеър қаҳрамони ошиқнинг маъшука ташвиш-тараддуларидан бошқа дарди йўқ. Лутфий талқинидаги шеър қаҳрамони бошига тушган хижрону изтиробларнинг бош сабабчиси сифатида ўз қалбини билади. Яратганга

маскан вазифасини ўташи мумкин бўлган пок инсон (солик) қалби бадиий талқинини топган укубатларнинг манбаидир. Худди шундай гапни қўзлардан дарё мисол оқувчи ёш хусусида ҳам айтиш мумкин. Саккокий талқинидаги ошиқнинг ҳам дарду ғамлари ундан кам эмас. Унинг ҳижрон дамларида оқкан ёшлари дарёни вужудга келтирса, чеккан оҳи сурайё сайёрасига етади. Худди шундай муболағали ва ифротли ташбеҳлар маъшуқанинг зулфи хусусида ҳам ишлатилган. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир туркигўй шоир ғазалларида ишқ тасвири марказий ўринда туриб, севишганлар табиатидаги иллатларни покловчи восита сифатида акс-садо беради.

Мусулмонликнинг асосий рукнларидан яна бири иймондир. Ҳожа Ислом ҳам айни ҳақиқатни эътироф қиласиди ва унинг кирраларини бадиий бўёкларда ривожлантириш йўлини хуш кўради. Жумладан, қуида келтириладиган ғазал сатрларида шундай майл равshan назарга ташланади:

Парирӯҳон, ки чу хуршед аълам афрӯзанд,
Ба айши нури рухат чун ситора дар рӯзанд,
Зи суратат ҳама таълими хусн мегиранд,
К-аз ў ба мактаби хўбб малоҳат омӯзанд.¹[29, 297]

Диний таълимотга кўра, Оллох фаришталарини эътироф этмоқ иймондандир. Шоир ҳам шу фикрдан узоклашмайди, аксинча, тан олади. Фоят рангли ва оддий сўзлар ёрдамида ҳосил килинган мисраларда ўша майлни равshan кўриш мумкин. Малоикалар–паричехралар, улар ою қуёшдай нур сочиш, мулки борликни ёритиш қудратига эга. Мисралардан аёнлашадики, шоир ҳар бир сўзнинг ўз ва таг маъносига ургу беради. Фаришталар ва ер гўзалини ёнма-ён тутиш, уларни улуғлаш йўлидан боради. Шоир учун ҳар кандай гўзалнинг факат зохирий хусни эмас, балки ботиний олами қадрлироқдир. Бу шеърий парчада келган “мaloҳat” сўзининг кўлланилишида равshan намоён бўлади.

¹ 4-III.

Иймоннинг бадиий талқини учун бундай услубий жилога мурожаатни Атойиннинг мана бу байтларида хам кўришимиз мумкин:

Эй мусхafi хуснунгга менгинг нуктаси оят,

Ислом элига бўлди юзунг нури хидоят.

Сен ҳурмусен ё малак, эй турфаи даврон,

Не, хуснунга бор ҳаддию, не лутфунга ғоят. [87, 36]

Равшан бўлаётирки, халифа Усмон мусхafi, пайғамбарлар ва уларнинг ҳадиси, жаннат хуру париларига ишора килиш орқали шоир, биринчидан, иймонни улуғласа, иккинчидан, гўзал хулқли, иймон-эътиқоди бут инсонларни шарафлашга тарафдорлик қилаётir. Табиийки, бундай мағзли сатрларни мутолаа қилган фаросатли шеърхон ҳушёр тортади ва ўша ибратли фазилатлардан намуна олишга интилади.

Хожа Исмат дунёкарашида жамият осойишталиги хам муҳим аҳамият касб этади:

Муроди одам**b** аз зиндаг**b** ҳаст хотирҳаъм**b**,

Агар чунун набуд зиндаг**b** ба чи кор ояд? ¹[29, 293]

Икки сатрдан иборат шеърда бир олам маъно мужассам. Инсон табиатнинг гултожи экан, у осойишта яшамоги, мавжудотдаги неъматлардан баҳраманд бўлмоғи лозим. Айни чоғда ўз ҳаддини билмоғи, табиат қўркига кўрк кўшмоғи зарур. Шундай бўлмас экан, умр мазмунисиз ўтади. Мутафаккир шоирнинг бундай олийжаноб қарашлари бугун учун хам аҳамиятлидир.

Хожа Исматнинг юқорида таҳлилга тортганимиз мисраларидағи умумбашарий ғоялар унинг куйида келтириладиган шеърий парчаларида мантиқан ривожлантирилади:

Фигон оҳиста кун Исмат шаби хаҳр,

Ки шаҳр аз ғусса барҳам зад, Ҳаҳон ҳам.¹ [29, 403]

¹ 5-III.

Шеърий парчада муболага ва унинг кўринишлари (ифрот, ғулувв) ишга солинган. Маъшуқу ҳижронидан ошикнинг фифони фалакка ўрлайди ва у фалакни ўз домига (хатто бутун жаҳонни ҳам) тортади. Оддийгина ва ошику маъшуқу ўртасидаги можароларгагина дахлдор бўлиб кўринган айни лавҳалар чуқур ижтимоий-сиёсий тагмаънога ҳам эга. Мисралардаги ишоралар Хожа Ислом яшаган замондаги тарихий-сиёсий воқеалар қиёсида ўрганилса, уларнинг туб моҳияти равshan бўлиб колади. Ёки шоир тожу тахт, молу мулк учун олиб борилган мақсадсиз курашлар мулки борлиқдаги гўзалликни йўққа чиқаради, деган фикрни ўртага қўяди.

Одам Ато зурриёдларини мулки борлиқ нафосатидан баҳра топишга, замон ва маконда осойишталик, хотиржамликни таъмин этишга даъват туйғуси Ҳофиз Хоразмий шеъриятида ҳам етакчилик қиласди. Жумладан, туркигўй шоирнинг мана бу китъасида ўша гояларнинг гўзал бадиий ифодасини кўрамиз:

Коми жонни тилама, эй оқил,
Чун бу оламнинг ичра йўқдур ком.
Ком агар бўлса эрди оламда,
Топғай эрди тан ичра жон ором.
Бесаранжом кўринур ишлар,
Чун кўрунмас жаҳон ишинда низом.
Оқибат чун жаҳонда қолмасмиз,
Яхши улдурки, яхши қолса ном [106, 225]

Кўринадики, ком сўзининг кўп маънолилик хусусиятини ишга солган шоир дунёнинг бебақолиги, мол-мулкнинг бевафолигига ургу берар экан, замондошларини андишли, муруватли, саховатли, меҳр-оқибатли бўлишга ва ўзидан яхши ном қолдиришга даъват қиласди.

Хожа Исломнинг дунё, инсон, унинг яшашдан мақсадига доир ижтимоий-фалсафий карашлари факат ғазалларида гина эмас, балки унинг

катта ҳажмли қитъаларида ҳам гўзал бадиий тасвирини топган. Фикримиз далили учун унинг қуидаги тўққиз байтли қитъасини таҳлилга торгамиз:

Касоне, ки сад ҳамчу мо дар Ҳаҳон,

Тавонойву сарвари доштанд.

Дар ин киштзори тахайор басе,

Давиданду тухми амал коштанд.

Ба сад ҳирсу таъхил карданд Ҳамъ,

Ба вакти дарав ҳар чи бардоштанд.

Дар ин хобгоҳи адам хешро,

Муқимони Ҳовид пиндоштанд.

Ба дурӯза мўхлат бар ин раҳ гузор,

Басе коҳи ишрат барафроштанд.

Чу вақти раҳил омад ин Ҳумларо,

Бирафтанду бар роҳ бигзоштанд.

Ду чашме, ки ҳаргиз нашуд пур зи хирс,

Ба як дам ба хокаш бианбоштанд.

Аз он буд ин Ҳумла саргаштаги,

Ки аз умр мўхлат тама доштанд.

Хуш онон, ки чун Исмат аз ҳар чи буд,

Гузаштанду нобуда ангоштанд.[44, 66]¹

Нафис шеърий санъатларга бой қитъа ўзининг теран ижтимоий-фалсафий мазмуни билан дикқатни тортади. Яшаган даврида турли тоифа вакиллари давраларида бўлган, Амир Темур, Улугбек Мирзо, Халил Султон каби ҳукмдорлар сухбатларида иштирок этган Ҳожа Исмат инсоннинг фоний дунёга келиб, яшаб ўтишининг моҳиятини ўзича мушоҳада килади. Топган пишиқ фикрларини шеърий қаторларга сингдириб, ўкувчилари билан баҳам

¹ Шеърнинг тўлиқ матни ва таржимаси учун қаранг! 7- III.

кўради. Дарҳақиқат, фоний оламда яшашни ҳар ким ўзича тушунади. Тўрт кунлик дунёни молу мулк йиғиш, юксак мартабаларни эгаллаш тарзида қабул килувчилар қаттиқ янглишадилар, чунки улар ўзларини дунёнинг мутлақ эгаси деб биладилар. Аммо бундай бандалар қаттиқ хатога йўл қўядилар. Ажал шароби етганда на молу дунё, на мансабу мартаба жонга оро киради. Ҳамма нарсани қолдириб, куруқ қўл билан боқий оламга рихлат қилинади. Ҳаётда ўзини унутмай, солих амаллар пайида бўлғанлар надоматсиз дунёни тарқ этадилар. Шеърда қўлланилган бадиий санъатлар юқорида айтилган бўлиқ фикрларни юзага чиқариш учун хизмат қилган. Зеро, Ҳожа Исмат қолдирган маънавий мероснинг барча даврлар ва инсонлар учун руҳий-ахлоқий кўмақдош эканлиги ҳам ана ўша жиҳатлардандир.

Ҳожа Исмат ўзининг ошиқона шеъриятида ўз маъшуқасини деб дарбадар, азоб ва укубатга гирифтор бўлган самимий, пок ниятли, вафодор ошиқларнинг қадрига етмайдиган соҳибжамолларни танқид остига олади:

Парирухон, ки зи маънии ҳусн бехабаранд,
Чу муфлисон ҳама дар орзу симу заранд.
Факиру муфлис агар Ҳон фидо кунад дар ишк,
Чу зар фидо накунад, ёди номи ў набаранд.
Тавонгар аз сари фафлат агар занад охе,
Ҳама ба чашми иродат ба ҳоли ў нигаранд.
Зи ганҲи ҳусни ту гар заррае шаван огох,

Хазинаи ду Ҳаҳонро ба ним Ҳав нахаранд.¹ [29, 295]

Равшан бўлаётирки, ғазал мисраларига забардаст шоирнинг теран ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий-маънавий ғоялари сингдирилган, юқорида таҳлил этганимиз қитъасидаги олийжаноб инсоний фазилатларни мантиқан ривожлантиради. Ишқ ва ҳаётга муносабатда сидку садоқатдан, аҳдга вафодан бошқа устунроқ нарса бўлмаслигига ургу беради. Ҳамма нарсани

¹ 8- III.

сийму зар билан ўлчовчи муфлисларга нисбатан нафратини йўналтиради. Хусусан, ишқдай покиза туйғуни бойликка алмаштирувчилар шоир нафратига сазовордир.

Хожа Исмат мисраларида бадиий талқинини топган инсоф ва диёнатга, вафога даъват қилувчи мушоҳадалар Мавлоно Лутфийнинг мана бу мисраларида ҳам назарга ташланади:

Эй, жафочи, тут ғанимат кўркнинг давронини,
Ким, киши топмайдурур бу даврнинг поёнини.
Онт ичибсен гўёиким аҳди хуснингда, бегим,
Қилмағайсен бир жароҳатлик кўнгул дармонини. [64, 265]

Тўгри, туркигўй шоирнинг мисраларида сийму зарга доир ишоралар назарга ташланмайди. Бироқ мувакқат кўрк учун такаббурлик килиб, вафодан кўра жафога ён босувчилар давронининг ўткинчилигига доир тагдор ишоралар замиридан исматона оҳанг қулбқа чалингандай бўлади.

Хожа Исмат шеъриятида фазлу хунар қадрига етмайдиган жаҳолатпарастлар танкид остига олинган. Жумладан, бундай манзара унинг мана бу мисраларида равшан кўринади:

Аҳли назар чун гаҳи дидани мардум ниҳон шуданд,
Якбора тан ба хок супурданду Ҳон шуданд.
Рафтанд булбулони хушилхон зи боғи умр,
Зоғу заған мулозими ин бўстон шуданд.¹ [29, 354]

Шу тариқа халқ дардини куйлаш, уларга ўзини қалбан яқин тутиш, яхши ва ёмон вазиятларда халқ билан ҳамнафас бўлиш Хожа Исмат шеъриятидаги асосий мавзулардан биридир. Шоир адолатпарвар жамиятни вужудга келтиришнинг ягона йўли-маърифатпарвар ва улуғ давлат бошлигининг тўғри тадбирида, деб билади. Аммо йиллар ўтар ва мамлакат обод бўлиш ўрнига парокандаликка юз тутиб, тубан, мансабпарат амалдорлар халқ

¹ 9- III.

ҳаётини заҳарлар эдилар. Бу воқеалар Халил Султон ҳокимиютининг сўнгги йилларида тўғри келиб, шоир энди ўз норозилигини шеърларида очик баён этар эди:

Дар ҳама олам яке осуда аз ғам ёфт нест,
К-он чи дил мөҲўяд, андар ҳар ду олам ёфт нест.

Бўй шодай аз дили маҳрухи ғамгинон маҳӯй,
З-он ки ин сармоя андар касби одам ёфт нест.¹ [29, 273]

Хожа Исмат мисраларидаги шикоят оҳангининг бошқача услубий жилодаги бадиий ифодасини Ҳофиз Хоразмийнинг мана бу қаторларида ҳис килиш мумкин:

Издар эрсанг кору бор факрмаскан бўлакўр,
Бор мискинларга чун ҳақ ҳазратинда корубор.
Айлагил доим тавозузъ яхши от издар эсанг,
Ким тавозузъ пеша қилғанлар бўлубдур номдор.[106, 291]

Хожа Исмат ўз байтларидан бирида пастиҳиммат давлатмандларнинг очкўзлиги ва дунё ноз-неъматлари бойликларидан кўзи тўймаслигини коралайди:

Ба симу зар дили дунон тавонгар кай шавад, Исмат,
Агар сад ганҲу зар дорад, гадо Корун наҳоҳад шуд.²[29, 301]

Бу байтнинг мазмуни ”Кўзи очни тупроқ тўйдирап“ мақолини эслатади ва буни таносуб санъатининг нодир шакли деб баҳолаш мумкин. Байтда мусулмон миңтақа халқлари бадиий адабиётида кўп мурожаат қилинадиган Корун хазинасига ишора қилиш орқали талмиҳ санъати ишлатилган ва бу фоний дунёда ҳар қандай хазинанинг бебақолиги таъкидланмоқда. Туркигўй

¹ 10- III.

² 11- III.

Мавлоно Гадоийнинг таҳлилга тортадиганимиз мана бу байтида ўша лавҳа сал бошқача йўсинда гавдалантирилган:

Мен киби ўз қонина сойдур ул мискин Гадо-,

Ким, сенингдек шоҳи оламдин тамаъ тутқай висол.[43, 81]

Хожа Исмат омадсизлик ва факирлиқдан, жамиятдаги турли иллатлардан безган бўлишига қарамай, умидсизликка тушмайди, халқ билан ҳамнафас ҳолда яхши кунларнинг келишига умид боғлаб орзулари ушалишига ишонч билан қарайди. Куйидаги мисралар фикримизни исботлайди:

Ғанимат дон дами айш, ар саре дорию сомоне,

Ки дар кор аз он дигар сару сомон намебинем.¹[29, 417]

Шарқ классикларининг пандномалари ва ҳикматлари халқнинг моддий ва маънавий ҳаётида катта мавқега эга бўлиб, тарбия ва шахсий ибратнинг муҳим воситаси вазифасини ўтаган. Хожа Исмат шеъриятининг мавзу, гоя ва бадиияти ҳақида фикр юритар эканмиз, ўша дилбар мисралар оҳорини кўтариш, нафосатини таъмин этишда муҳим омиллардан ҳисобланган вазн масаласида ҳам озгина бўлса-да мулоҳаза юритишни лозим топдик.

Вазн нуктаи назаридан ғазалларга чегара кўйилмаган. Иктидорли шоирлар ғазални хоҳлаган вазнларида ёза олганлар. Аслида, кайси вазнда ғазал ёзишни ўша шеърининг мавзуи, мазмуни ва энг аввало, шоирнинг ғоявий нияти аён этади. Иктидорли шоирлар мавзу моҳиятидан келиб чиқиб, унга мос тарзда вазн танлаганлар. Шундай гапни Хожа Исмат ва унинг туркигўй замондошлари ҳақида ҳам айтиш жоиздир.

Хожа Исмат киёсий девони таркибидаги асарлар таҳлили унинг аруз вазнига алоқадор деярли барча баҳрларда шеър битганлигидан гувоҳлик беради. Бу ҳол шоирнинг аруз илмини жуда яхши билганлиги ва уни ўз ғазалларида маҳорат ила қўллай олганлигидан далолатдир. Шоир девонидаги ғазалларнинг аксарияти арузнинг **ҳазаж, рамал, ражаз, мутакориб, мужтас, музореъ** баҳрларида иншо этилган. Шунга биноан шоир

¹ 12- III.

девонидаги ғазалларнинг баъзиларидан парчалар келтирамиз:

1. Ҳазаж баҳри. Ҳазажси мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф:

Мафъулу мафойилу мафойилу фаулун.

- - v v - - v v - - v v - -

Эй он ки барандохтаи расми вафоро,

Якбора фаромӯш макун Ҳониби моро.

Аз пой дарафтодаму аз сар хабарам нест,

Оё ту кунб ёди мани бесарупоро [45, 60].

2. Ҳазажси мусаммани солим.

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

v - - - v - - - v - - - v - - -

Агар давр аз рухат ногаҳ қашад хотир ба гулзорам,

Хаёлатро бифармо то қашад дар пойи беморам.[29, 394]

3. Рамал баҳри. Рамали мусаддаси маҳзуф:

Фоилотун фоилотун фоилотун

- v - - - v - - - v -

Эй даҳани танги ту шириң мақол,

Мўйи миёни ту саросар хаёл.[29, 387]

4. Рамал баҳри. Рамали мусаммани мақсур:

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилон

- v - - - v - - - v - - - v ~

Тоби зулфат таъна бар насрину сумбул мезанад,

Шамъи рўят оташ андар хирмани гул мезанад.[29, 299]

5. Ражаз баҳри.

Таникли арузшунос олим А.Ҳожиаҳмедов бу ҳақда қўйидаги фикрларни келтиради: “Ушбу ўлчовнинг адабиётимизда қачондан бошлаб қўлланганини аниқ айтиш қийин. Шуни таъкидлаш лозимки, XIV аср II ярми XV аср бошида яшаб ижод қилган Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий каби

шоирларнинг барчаси ўз асарларининг бир қисмини мана шу ўлчов асосида яратганлар¹[134,177]. Хожа Исмат ҳам юкорида номлари тилга олинган туркигўй шоирлар сингари ўзининг кўпгина шеърларини шу баҳрда ёзган.

Масалан, *ражасиз мусаммани солим:*

Мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун

- - v - - - v - - - v - - - v -

Эй он ки одат кардаб бар ошиқон бедодро,

Фарьёд, к-аз дасти ғамат рах баста шуд фарьёдро.

Чашмат ба теги ғамза меҳоҳад, ки резад хуни ман,

Чун сайд гирад одати куштан бувад сайёдро. [29, 456]

6. Мутакориб баҳри. *Мутакориби мусаммани мақсур:*

Фаулун фаулун фаулун фаул
 v - - v - - v - - v ~

Бу вазнда фаулуннинг мақсур тармоги - фаул рукни иштирок этади. У, одатда, ҳар байтнинг аруз ва зарб рукнлари, яъни ҳар қайси мисранинг охирги рукнлари ўрнида келади[134,189].

Масалан:

Хафо, к-аз ту дидам, надидам зи кас,

Маро душмани Ҳон ту будиву бас.[29, 476]

7. Мунсарих баҳри. *Мунсарихи мусаммани матвийи макиуф:*

Муфтаилун фоилун муфтаилун фоилун

- v v - - v - - v v - - v -

Мо зи нахуст омадем, ошику шоҳидпараст,

Бар сари бозори ишқ рўзу шаб афтода маст.[29, 286]

8. Музореъ баҳри. *Музореи мусаммани ахраб:*

Мафъулу фоилотун мафъулу фоилотун

¹ XIV асрнинг II ярми XV асрнинг I ярмида Атоий, Саккокӣ, Гадоий, Ҳофиз Ҳоразмий, Лутфийлар мурожаат қилган аруз баҳрлари алоҳида тадқикотни талаоб этадики, биз шунни назарда тутиб, профессор А. Ҳожиаҳмадов таъкиди билан кифояланишни лозим топдик.

-- v - v - - v - v --

Гар мөхарои дардам бар осмон барояд,

Аз гирьяи малоик хар сү фифон барояд.[29, 332]

9. Сариъ баҳри. Сариъи мусаддаси матвийи мавқұф:

Муфтаилун муфтаилун фоилун

- v v - - v v - - v -

Эй, ки рухат оғату чашмат балост,

Лаъли ту сад ҳамчу маро хунбаҳост.[28, 118]

Хожа Исмат ижодидаги дікқатта сазовор томонлардан яна бири шуки, у ўзининг баъзи ғазалларини тамоман янги вазиларда иншо этган. Бу – *рамали маҳбун* баҳридир:

Қомату зулфу кўзу кошу узору хат ила холи лабингдурки, оларча эмас, эй шўхи ситамгар,

Сарв ила сунбул нарғис янги ою қўёшу сабзай жаннат кураи нофау гулбарг аро шаккар”.[79, 91]

Ёки:

Ранги руҳсору дури гўшу хату ҳадду каду оразу холу лабат, эй сарви парирўи суманбар,

Шафаку кавкабу шому саҳару тўбию гулзору биҳишт асту ҳилолу тарафи ҷашмаи кавсар.[49, 271]

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун

- v -- - v --

Хожа Исмат, Атоий, Саккокий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмий ва Лутфийлар ғазалларининг мавзу, ғоялар олами ва образлари ҳақида баҳс этувчи шеърларининг қиёсий таҳлили жараённида амин бўлдикки, айни ижодкорларнинг ҳикматлари ҳаётий муҳим масалаларга бағишиланиб, ғоятда ибратормўз ва таъсирилидир. Шу билан бир қаторда, уларда одамийлик, бир-бирининг қадрига

етиш, мақсадга эришиш йўлида харакат қилиш, аҳду-вафо, шириңсуханлик, адолатга даъват, беозорлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, бағрикенглик, ҳаётга меҳр кўзи билан қараш, хокисорлик каби қатор олижаноб ғоялар тараннуми ҳам етакчилик қилади.

3.2. Шоирнинг ғоявий нияти ва маънавий санъатлар

Шеърий санъатлар хақида Атоуллоҳ Ҳусайнин қуидаги фикрларни билдиради: “Бу икки навъдур. Бири улдурким жамиъ араб фусаҳоси ва ажам шуароси қошида санойильға кирур. Иккинчи навъи улдурким ажам шуароси қошинда санойиль туркумидиндур, аммо араб фусаҳосининг бари бир бўлиб, ани нутқнинг зотий гўзалликларидин деб ҳисоблаптурким, анинг баёни маъоний илми ва баён илмининг вазифасидур, ва бадиият санойиъидин деб ҳисобламактурларким, анинг баёни бадиъ илмининг вазифасидур, ҳолбуки тамҳидда зикр этилганидек ул оризий гўзалликлардиндур”[139, 122].

Мисраларда шеърий санъатларни қўллашда меъёр масаласи ҳам муҳимдир. Яъни шеърда ҳаддан ташқари бадиий санъатларни қўллаш мақбул бўлмаганидек, уларга эътиборсизлик билан караб, асардаги ғояларни, фикрларни бадиий безакларсиз ифодалаш ҳам шеър кимматига салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам буюк сўз санъаткорлари ўз асарларида шеърий санъатларни ўрни ва меъёри билан қўллаганлар. Шеърий санъатларнинг ҳар бири муайян ғоявий-бадиий ниятга хизмат қилиши лозимлигини улар яхши англаганлар.

Хожа Исмат шеърияти бадиий санъатларга бойлиги билан эътиборга моликдир. Шоирнинг маънавий санъатларни ишлатишдан мақсади фақатгина шеър бадииятини ва жозибадорлигини оширишдангина иборат бўлиб қолмай, балки бу санъатлар орқали ўзининг ғоявий мақсадларини илгари суришга харакат қилган. Унинг бундай майлини кичик шеърий жанрларга муносабати бобида ҳам ҳис қилиш қийин эмас.

Шарқ халклари оғзаки ва ёзма бадий асарларида, хусусан, достончиликда муболаға ҳамда унинг кўринишларидан фойдаланиш ўзига хос анъана сифатида яшаб келган. Шундай гапни қасидачилик хусусида ҳам айтиш жоиз кўринади.

Хожа Исмат адабий меросининг қарийб ярмини қасидалар ташкил этади. Шоирнинг мақсади уларнинг барчасида ҳам мамдухни сунъий равишида кўкларга кўтариш, баъзида муайян бир масалани шунчаки ифодалашдан иборат бўлмай, салафларининг бу борадаги анъаналарини ижодий давом эттириш ва шу асосда ўзига хос тарзда гапини айтиши эди.

Хожа Исмат Халил Султоннинг энг яқин устози эканлиги ҳам у ҳақда маълумот берувчи барча манбаларда таъкидланади. Масалан, Шоҳруҳ Мирзо Халил Султоннинг Самарқанддаги ўзбошимчаликларига чек қўйиш мақсадида Мовароуннаҳри эгаллаб, аввалига Халилни бироз Самарқандда ушлаб, сўнг унинг отаси Мироншоҳ мулки бўлмиш Ироққа сургун қиласди. Ўз шогирдига содик қолган ҳолда у билан Ироққа йўл олган Хожа Исмат Улуғбек Мирзога атаган қасидасида ундан Халилга раҳм қилишини илтимос киласди. Мана бу байтларда ўша фикр ўзининг бадий ифодасини топган:

Исмат ки ҳамчу булбули хушгў ба мадҳи шоҳ,

Достонсаро шудааст забони суханвараш.

Султон Халил хисрави соҳибқирон буд,

Асбоби салтанат ҳама зебову дархураш.

Девонавор суи Хурросон равад чу бод,

То Ҳон диҳад нигаҳат зулфи муянбараш...

Дор уш-шифой хастадилон чун Ҳаноби туст,

Бошад ки марҳаме ба каф ояд аз ин дарааш.

Шоҳо, ба дарди бесарупояш раҳм кун,

Магузор то фироқ кашад зору музтараш...¹[29, 147]

¹ 13- III.

Хожа Исматнинг 77 байтдан иборат ушбу қасидасининг асосий ғояси Халил Султонни авфи, яъни унга ғамхўрлик қилинишини сўрашдан иборат. Бу максад шеърнинг атиги ўн байтида ўз ифодасини топган. Қолган байтларда шоир Улугбек Мирзони турли муболагалар билан кўкларга кўтариб, Сулаймон, Доро, Искандар каби тарихий шахсларга ўхшатади.

Юқорида келтирилган шеър парчасининг биринчи ва тўртинчи байтларида шоир муболага санъатидан фойдаланган. Жумладан, парчанинг тўртинчи байтида муболаганинг ғулувв кўриниши ишлатилган. Биринчи байтда, “Шоҳ, адолатинг шунчалик бўлибдик, менга кабутаринг қанотлари соясидан паноҳ бердинг”, деб Хожа Исмат Мирзо Улугбекка тўғридан-тўғри муроажат қилиб, бунда ғулувв санъатидан фойдаланади. Хожа Исмат муболаганинг айнан мана шу усули билан мамдуҳнинг этиборини ўзига жалб қилиб, сўнг мақсадини баён қиласи-Халил Султонга раҳм этишини сўрайди. Яъни шоир ҳижрондан дили минг пора бўлгани ва бунга чидай олмасдан, юз хотирни ҳам йигиштириб, унга арзини баён қилаётганини ифода этади. Қасиданинг кейинги мисраларида эса муболаганинг **таблиц** ва **иғроқ** кўринишларидан қоришиқ ҳолда ўринли фойдаланади.

Қасида мисраларининг бўёқдорлигини таъминлаш мақсадида, уларда муболага ва унинг кўринишларидан меъёрида фойдаланиш ҳолатларини Мавлоно Саккокийнинг Улугбек Мирзога аталган қасидаларида ҳам кўрамиз. Жумладан, туркигўй шоирнинг чоп этилмаган қасидасидан олинган мана бу мисраларда ана шу тамойилга амал қилингандиги ёрқин назарга ташланади:

Бўлиб бахту саодат дину давлат бирла ҳади teng,
Эрур султони Шарқу Farb шаҳсаншоҳи баҳру bar.
Мулки дин Улугбек хону шоҳ шаҳзода давринда,
Кийик арслону қавий бўри бугун бу ерда хуш ўтлар.
Мухаммад хулқу Яхё сидқу Мусо яду Масихо дам,
Хизр илҳому Осаф раюю Жам фармо шоҳи Искандар.
Эрур сидқу салобатда, эрур жуду шижаоатда,

Абу Бакру Умар Усмон Амир ул-мўминин Ҳайдар.

Эрур аслу адолатда, эрур мулку ҳашам бирла,

Қаюмарсу Анушервону Жамшиду Фаридун Фар.[94, 9a]

Равшан бўлаётирки, Мавлоно Саккокий ҳам Ҳожа Исмат сингари Улуғбек Мирзонинг бадиий сиймосини гавдалантириш учун бисотидаги барча эзгулик йўлида хизмат қилувчи воситаларни ишга солади. Тарихда салтанат суриб ўзидан ибратли ном қолдирган барча тождорлардаги фазилатларнинг умумлашмасини Улуғбек Мирзо шахсиятида кўради. Тождорни шарафлашда ҳар иккала шоирнинг мисраларидаги уйғунлик улардаги ўзига хосликни ҳам инкор этмайди. Ҳожа Исмат Улуғбек Мирзони мадҳ этиб, интиҳода тилагини акс эттиrsa, Саккокий мисраларининг давомида мантиқ ришталари фалакиёту илмга бориб уланади. Келтирилган шеърий парчаларда тарихий шахс Улуғбек Мирзо сиймосини ошириб тасвирлаш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Масаланинг айни жиҳати Шарқда тождорларга мурожаат қилиш, уларни мадҳ этишда шаклланган анъаналар билан изоҳланиши мумкин.

Ҳожа Исматнинг Улуғбек Мирзо мадҳига бағишлиланган юкоридаги касидасида ташбиҳга мурожаат қилинган:

Шоҳе, ки ҳамчу Юсуфи Миср ахли дардро,

Кути ҳаёт буд тамошои манзарашиб.

Дор уш-шифой ҳастадилон чун Ҳаноби туст,

Бошад ки марҳаме ба каф ояд аз ин дарашиб.¹ [29, 147]

Биринчи байтда шоир Улуғбек мирзони Юсуфи Мисрга ўхшатади. Ривоятлардан маълумки, ҳуснда тенгсиз Юсуф алайҳис-салом китобий динларнинг пайғамбарларидан бири бўлган. Ота-онасининг унга меҳри бўлакча бўлганлиги учун ёш Юсуфни акалари йўқотиш пайида унга суиқасд қилишади. Аммо у омон қолиб, Мисрда вазир даражасигача кўтарилади ва

¹ 13-I.

акаларининг гуноҳидан ўтади. Шу боис Юсуф Шарқ шеъриятида гўзаллик ҳамда кечиримлилик тимсолига айланган ва талмиҳни ташбиҳ билан қоришиқ қўллаш каби бундай ҳодиса Шарқ мумтоз адабиётда кўп учрайди.

Ташбиҳ санъати Хожа Исламнинг ишқий шеърларида – ғазалларида ўзгача бир маҳорат билан ишлатилган. Ёрнинг ташки гўзалликларидан бўймиш киприк, бурун, бадан, қад, юз, кўз, қош, лаб, хол ва тишлари турли табиат гўзалликларига ўхшатилади. Бунга Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да Хожа Ислам ғазалидан ажойиб намуна келтирган:

Қомату зулфу кўзу қошу узору хат ила холи лабингдурки, оларча эмас, эй шўхи ситамгар,

Сарв ила сунбул наргис янги ою қуёшу сабзаи жаннат кураи нофау гулбарг аро шаккар.[78, 91]

Буюк Алишер Навоий бу парчанинг ҳам услуб, ҳам вазну баҳр ва ҳам бадиийлик жиҳатидан эътиборга моликлигини, биринчидан, бу ғазал арузнинг энг узун рамали маҳбун баҳрида ёзилганлигини ва мумтоз шоирларимиз бундай вазнга деярли мурожаат қилмаганлигини, иккинчидан, сара ғазалларнинг энг дилбар намунаси сифатида келтирилган шеър шакли ўта ноёб ва кам учрайдиган ижодий ҳодиса эканлигини таъкидлайди. Алишер Навоийнинг Хожа Ислам шеъриятидан шундай мисолнинг танлагани бежиз эмас эди. Учинчидан, шоир ушбу парчада бира-тўла икки маънавий санъатдан - *ташбиҳ* ва *лафф ва наир*дан фойдаланган.

Ташбиҳ санъати намуналарини Мавлоно Саккокийнинг таҳдиллга тортганимиз қасидасининг мана бу мисраларида ҳам хис қилиш қийин эмас:

Эрур мажду таолида, эрур лайлу наҳор ичра,

Фалак садру фалак қадру шахи бадру шахи ховар.

Бу кавн Фагфуру Ҳоқону Манучехракио доно,

Эрур Бахрому ҳам Чинтолу Рою Базро ҳам Кайсар.

Бўлиб кўрчи қаюқчи удчи жодушу ясовулинг,

Бири ходим, бири банда, бири навкар, бири савдар. [94, 96]

Ўзбек ва тожик тилларида келтирилган мисралардан аёнлашадики, уларда бадиий санъатлар алоҳида олинган тарзда назарга ташланмайди. Яъни, шеърий санъатларни коришик кўллаш ходисаси етакчилик киласи. Масалан, Мавлоно Саккокий Улугбек Мирзони машҳур тождорларга ташбих килиш билан талмиҳ, таносуб, муболаға санъатларини ҳам ёнма-ён кўлланган. Хусусан, тарихда ўтган довруқли тождорларнинг Улугбек Мирзо саройидаги ходимларга нисбат берилиши бунга мисол бўлади.

Маънавий санъатлардан яна бири **талмиҳ** бўлиб, “назар солмоқ” маъносини билдиради. Хожа Исмат тасвирлаган мамдуҳ ёки маъшуқани Юсуфга киёслаб, унинг Юсуфдан ҳам гўзаллиги ҳақидаги тасаввурни бериши талмиҳ санъати орқали амалга оширилган. Шундай ходисанинг Саккокий мисраларида ҳам мавжудлигини таъкидлагимиз келади.

Хожа Исмат ва Саккокийнинг талмиҳга мурожаатини уларнинг Улугбек Мирзога бағишланган бошқа қасидаларида ҳам учратиш мумкин.

Хожа Исмат:

Эй ба пеши тоқи аброят мохи нав нотамом,

Бар сари бозори хуснат Юсуфи Мисрబ ғулом¹.[29, 394]

Саккокий:

Муҳаммад хулқу Яхё сидку Мусо яду Масихо дам,

Хизр илҳому Осаф раъю Жам фармо шоҳи Искандар. [94, 96]

Шеърий мисраларда талмиҳга ишора факат қасидаларда эмас, балки Хожа Исмат, Атоий, Гадоий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий ва Лутфийларнинг ғазалларида ҳам кўплаб ишлатилган. Айрим мисолларга мурожаат қиласи.

Хожа Исмат:

На танҳо ман асири он сари зулфам, ки аз ҳар сў,

Басе Маҳнун гирифттор аст дар занҳири савдояш².[29, 380]

¹ 14-III.

² 15-III.

Гадоий:

Ишқидин хосид мени гар манъ этар маъзур эрур,
Ори билмаслар чу **Мажнун** дарди холинг соғлар. [43, 45]

Атоий:

Лаълиға жон берганим ғам тогинда не фойда,
Гарчи **Шириндур** vale парвойи **Фарҳод** айламас.[132, 359]

Саккокий :

Агар **Ширин** учун **Фарҳод** ишки кўхкан бўлса,
Не тонг Саккокий ҳам, жоно, йўлингда жонкан бўлди.[132, 257]

Ҳофиз Хоразмий:

Қиссайи Ширину Хусрав асли шириндур vale,
Қиссайи пурғассайи Фарҳод шўрангиз эрур. [106, 119]

Лутфий:

Фарҳод или Мажнун дағи Вомикда йўқ эрди,
Ул ғуссау ҳасратки бу афгорда бўлғай.[64, 238]

Равшан бўлаётирки, мусулмон минтақа халқлари бадиий адабиётида Юсуф, Зулайҳо, Фарҳод, Ширин, Хусрав, Лайли, Мажнун, Гул, Наврӯз, Вомик, Узро, Вис ва Ромин каби севишганларнинг ишкий саргузаштларига мурожаат қилиш, кутлуг анъана сифатида ҳозирга қадар яшаб келади. Бундай майлни юқорида кўчирилган парчаларда ҳам кўриш мумкин. Ҳожа Ислам, Атоий, Гадоий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий ва Лутфийлар ўша севги саргузаштларига ишора қилиш орқали, биринчидан, талмиҳ санъатини қўллашган бўлса, иккинчидан, зикри ўтган қаҳрамонлар номини тилга олиш билан мисраларда акс эттирилиши лозим бўлган шундай ишкий изтиробларни кучайтириб кўрсатишга муюссар бўлишган.

Ҳожа Ислам Куръони карим суралари ва Ҳадиси шариф ривоятларида акс эттирилган ривоят ва ҳикоятларга ҳам асарларида ишора беради:

Муқаррап аст, ки узри гуноҳ рафта тавон хост,
Агар ба рўзи қиёмат шавб ба ёр мулокб.

Зи хоки Фохира Ислам чу сар зи ҳабиб барорад,

Ба даҳр гўй латофат бар дари назми Ироқб¹.[29, 456]

Ғазалдан келтирилган ушбу парчада ҳадислардаги Бухоро шаҳри номларидан бирининг келиб чиқиши билан боғлиқ воқеага ишора кетади. Ўша ривоятга биноан, кунлардан бир кун Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан бўлмиш Салмон Форсий у зоти муборакдан, “Нима учун бу шаҳарни Фохира деб, атайдирлар”, - деб сўраганида, у киши, “Киёмат кунида бу шаҳар ўзининг шаҳидлари билан фаҳр қилур ва шунга Фохира аталур”, - деб жавоб берган экан. Хожа Ислам эслатилган ривоятга ургу бериш орқали талмиҳ санъатининг гўзал намунасини ҳосил қилган.

Шеърий каторларда Куръони каримнинг сура, оят ва унда келадиган ривоятларига шеърхон эътиборини қаратиш орқали талмиҳга мурожаат килиш туркигўй шоирларнинг ғазаллари учун ҳам бегона эмас. Жумладан, Мавлоно Лутфийнинг ғазалидан олинган мана бу мисраларда ўшандай манзара назарга ташланади:

Эй суратингға вакф малоҳат вилояти,

Ваш-шамс сураси юзингу ҳол ояти.

Ул кўзу ғамза васфингда қилғайму эрди сеҳр,

Лутфий ҳаққинда бўлмаса ҳақнинг хидояти?[64, 299]

Кўринадики, ғазал матлаъида Куръони каримнинг “қуёшга қасам” илоҳий жумласи билан бошланувчи 92-сурасига ишора қилинмоқда. Мумтоз шеъриятда маъшуқанинг юзини қуёшга ташбех қилиш анъанаси мавжуд. Мавлоно Лутфий куръоний сурага шама қилиш билан, биринчидан, мисралари табарруклигини оширган бўлса, иккинчидан, маъшуқасини ҳам улуғлаётир. Қуёшнинг икки маънода келиши эса, фикр ришталарини мажозий ва ҳам илоҳий ишққа улаб қўяди. Шунингдек, талмиҳ санъатининг нозик намунаси шеърхон эътиборини ўзига тортади.

¹16- III.

Лафф ва нашр йигиш ва ёйиш деган маънени англатади[134,42-43]. Профессор А.Хожиахмедов буни куйидагича изоҳлайди: “Бундан асосий мақсад эса номлари келтирилган нарса ёки тушунчаларни бўрттириб, кучайтириб тасвирлашдир. Шоирлар ана шу мақсадни кўпинча *ташибиҳ* ёки муболага воситасида амалга оширадилар. Шу жиҳатдан қараганда *лафф ва нашрни* аксар ҳолларда яширин *ташибиҳ* деб аташ мумкин. Чунки шоир нарсалар ва улар ҳақидаги ҳукмларни санар экан, аниқ ўхшатиш ё муболага қўлламаётгандек кўринади”[134, 42-43].

М.-Н.О.Османов ўзининг “Стиль персидско-таджикской поэзии” асарида IX-X аср форс тожик адабиёти шеъриятида ташбиҳни тўккиз турга бўлган. Булар: I. Персонажлар; II. Лирик қаҳрамон қиёфаси; III. Ёрнинг ташки қиёфаси; IV. Май; V. Уруш қуроллари; VI. Табият; VII. Гул ва ўсимликлар; VIII. Осмон жисмлари; IX. Рухий олам кабилардан иборат [86, 93-94]. Шарқшуноснинг фикрича, булар ўхшатишнинг энг асосий мавзулари ҳисобланади. Масалан, персонажлар йўналишининг ўзи маъшуқа, мамдух, лирик қаҳрамон, рақиб ва ҳажв каби кўринишларга бўлинади. Шу тариқа барча мавзулар кичик мавзучалардан таркиб топади ва ташбиҳнинг мушаббих ва мушаббих ун-бих қисмларини ташкил этади.

Хожа Исматнинг юқоридаги газали Алишер Навоийнинг эътиборига ана ўша жиҳатлари билан тушганини ҳам эътироф этиш жоиздир. “Мезон ул-авзон”да келтирилган шеърий парчада шоир маъшуқанинг қоматини сарвга, зулфини сунбулга, кўзини наргизга, кошини янги туғилган ой – ҳилолга, узорини куёшга, хатини сабзаи жаннатга, яъни жаннат ўсимликларига, холини гулбаргга ва ёр лабини шаккарга ўхшатади. Маъшуқанинг ўзига “эй шўхи ситамгар” деб мурожаат қиласди. Маъшуқанинг ҳам зохирий ва ҳам ботиний оламига дахлдор ишоралар қилиш билан шеърхонни мулоҳазага чорлайди. Маъшуқанинг дикқатга сазовор барча ташки аъзоларини ташбих билан тасвирлайди: мушаббих ун-бихни, яъни нимага ўхшатилган бўлса, ўша нарсани шеъриятдаги анъанавий ўхшатиш воситаларидан танлайди. Сарв,

сунбул, нарғиз, хилол, күёш, жаннат ўсимлиги, гулбарг ва шаккар каби нарсалар шеърни бадииятини ошириб, китобхонни мўъжизавий оламга олиб киради. Бу оламда маъшука ҳукмдор, у гўзал ва раҳмсиз. Ундан шафқат тилаш фойдасиз. Лекин ошиқ уни севади, уни деб жонидан кечади, йўлида тупроқ бўлади. Аммо маҳбуба ундан биргина қиё боқишини дариф тутади. Чунки у ситамгар, гўзал ва мукаммал. Ҳақиқий ошиқ унинг фарқига боради. Ошиқ маъшукасидан нажот излайди, ўзининг чорасизлиги ва ожизлигини тан олади. Аммо севги ва садоқат бобида иродасининг кучлилигини кўрсатишга тиришади.

Хожа Исламнинг қўлимиздаги қиёсий девони таркибидаги мисраларни синчковлик билан кузатганда кўп ҳолларда шахс ва воқелик билан алоқадор талмиҳли ташbihлар (пайгамбар, шоҳ, Суҳайл юлдузи, Лайли, Абу Суфён насли, Хотами Той, Али, Рустам, Сукрот, Сулаймон, Сиёвуш, Афлотун, Фаридун), борлиқ жинслари (ой, қуёш, олов, оби ҳаёт, дентгиз), ҳайвонлар (шер, бургут, оху), қимматбаҳо матолар (жавохир, дуру марварид, малҳам), табиат инъомларига (гул, лола, сарв, сарву санувбар, баҳор, бинафша, булбул) мурожаатнинг етакчилик қилиши намоён бўлди.

Шоирнинг Соҳибкорон Амир Темурнинг набираси Халил Султонга атаб ёзган қасидасидан олинган ушбу байт, равон тили, сўзларнинг ўйноқилиги, маъноларнинг занжирий боғланиши, ташbih, тарду акс, тазод, таносиб, лафф ва нашр – бир йўла беш шеърий санъатдан фойдаланилганлиги билан ҳам диққатга сазовордир:

Дили ману ту, туву дили ман, ғами туву ман, ману ғами ту,

Чу Ҳаннати хур, чу хуру Ҳаннат. чу пайкари рух, чу руху пайкар.[29, 95]

Биринчи мисрадаги бир неча нарса ёки тушунчанинг номи кетма-кет келтирилиб, кейинги мисрада улар ҳақидаги ҳукмларнинг бирин-кетин баён қилиниши “лафф ва нашр” санъатидир. Таҳлил этилаётган парчадаги иккинчи шеърий санъат **ташибих** бўлиб, “чу”, яъни “-дек”дан ўҳшатишлар ясалган, учинчиси **тарду акс** мисралардаги “ман, ту, дил, ғам, жаннат, хур,

пайкар” сўзлари тақорорий равишда мисраларнинг ҳар ўрнида келган ва бу лафзий санъат турига мансубдир. Тазод (ман, ту) ва таносуб (жаннат, хур; дил, ғам) санъатлари хам ғазалнинг мағзини яхшироқ чақиш ва сатрлар бўёқдорлигини ошириш учун хизмат қилган. Айтилганларни яхшироқ тасаввур килиш учун шеърнинг тузилишини қўйидаги ҳолда қайта тиклаймиз:

Дили ману ту чу Ҳаннату хур, туву дили ман чу ҳуру Ҳаннат,

Ғами туву ман чу пайкару рух, ману ғами ту чу рухи пайкар.

Равшан бўлмоқдаки, ғазалдаги ўша равонлик ва ўйноқилик, ўша бадий санъатлар ўз моҳиятини саклаб қолади. Фақат шеърий ритм ва таъсирчанликда ўзгариш сезилаётганини кузатиш мумкин.

Энди, шоир бадий ниятининг ифодалироқ ва бадийроқ чиқиши учун фойдаланган **тарди акс** ва **ташбих** шеърий санъатлари ортида англашиладиган маъноларга эътибор каратамиз. Чунончи, “дили ману ту чу Ҳаннату хур” деб шоир ўз дилини жаннатга, севгилисини эса шу жаннатдаги хурга ўхшатса, иккинчи мисрадаги “ғами туву ман чу пайкару рух” деб ўзи ва маъшуқасининг ғамини пайкар ва рух бирлашуви деб таъкидляяпти. Яъни пайкар руҳсиз қуруқ жисмлигича қоладиганидек, шоир ўз муҳаббатини руҳга, жисмини модийлик моҳиятига ўхшатмоқда.

Хожа Исматнинг юкорида таҳлилга тортганимиз ғазалидаги тагдор ҳолатларни Атоий, Гадоий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий ва Лутфийларнинг маънавий меросида учратмадик. Айни таъқидимиз баҳри тавилда яратилган ғазалларга нисбатан кўпроқ дахлдордир. Шундан бўлса керак, Алишер Навоий ғазалчиликдаги мазкур йўналишнинг намунасини Хожа Исматдан танлаган. Лекин бу мулоҳазамиз ХВ асрнинг биринчи ярмида яшаб фаолият кўрсатган туркигўй шоирларнинг шеърлари таркибида гўзал, бадий рангин асарларнинг борлигини инкор этмайди. Фикримизни кувватлаш ниятида

Мавлоно Лутфийнинг бошдан охир **ирсоли масал** санъати асосида (етакчилигига) яратилган ихчам ғазалини назардан ўтказайлик:

Аёкингфа тушар ҳар лахза гесу,
Масалдурким: “чароғ туби қаронғу”.
Тутармен кўзки, кўрсам оразингни,
Ки дерлар: “оққан арикқа оқар сув”.
Юзингни туттум ортуқ ою кундин,
“Кишининг кўзибур, оре, тарозу”.
Кўзунг қонимдин ийманмас, ажабтур,
Ки “кўркар, қайдаким қон кўрса хинду”.
Тилар васлингни Лутфий, қил ижобат,
Ки айтурлар: “тилагани тилогу”. [64, 214]

Гарчи ғазалда **ирсоли масал** –мисраларни ҳалқ мақол ва ҳикматлари асосида тузиш санъати етакчилик қилса-да, унда муболага, ўхшатиш, сифатлаш каби қатор санъатлар қоришиқ келиб, мисралар назокатини кўтаришга хизмат қилган.

Саккокийнинг Улугбек Мирзога аталган қасидаларидан бирида мана бундай ўйноки мисралар мавжудки, уларни таҳлилга тортиб кўрайлик:

Неча қилғай ғаму андешаву ҳасрат била дарди,
Жоним қову дамим ўту кўнгул уду таним мужмар.
Латифу нозику раънову зебо тонг анга эрмас,
На райҳону на насрину на шамшоду на нилуфар.
Руху зулфу монгу қадига онинг онча эрмас,
Тўлин ою қаро нуну қизил лола била ар-ар.
Хати сунбул, ҳадий савсан, ранги лола, менги ҳинду,
Бўйи сарву сўзи фарду кўнгул пўлоду ўзи мармар.[94, 9a]
Кўринадики, шеърий қаторларда лаффу нашр билан бирга ўхшатиш, сифатлаш, муболага, мукаррар каби санъатлар ёнма-ён келиб, мисралар мазмундорлиги ва бадиий бўёқдорлигини таъминлашда қўл келган.

Хожа Исмат шеъриятида кўп учрайдиган маънавий санъатларнинг яна бири “**истиора** бўлиб, арабчадан бирон нарсани омонатга олмок, деган маънони билдиради”. Адабий асарда сўзни ўз маъносидан бошка бир маънода, аникроғи уни ҳақиқий маъносида эмас, балки мажозий бир маънода қўллаш санъати **истиора** саналади [134, 53]. Кўпинча бу икки маъно ўзаро ўхшашликка асосланганлиги учун истиора **ташбиҳ** ва **ийҳом** санъатларига яқин туради. Кўйидаги байт шу жиҳати билан диққатга сазовор:

Ало эй Хусрави мулки малоҳат кай зиён дорад,

Зи роҳи лутф агар раҳме кунబар сўзи дилрешон¹.[29, 427]

Ёки яна:

Оқибат дар кўят, эй номеҳрибон, боз омадем

Бо ту пайвастему аз ҳар ду Ҳаҳон боз омадем².[45, 61]

Ушбу байтларнинг биринчисида шоир ёрни “Хусрави мулки малоҳат”, деб ижобий таърифласа, иккинчи байтида маъшуқани “эй номеҳрибон” деб, уни меҳрсиз инсонга ўхшатмоқда. Шунинг учун уни **истиора** деб ҳисоблаш мумкин.

Яна бир мисол:

Эй мояи асли шодмонб, ғами ту

Хуштар зи ҳаёти Ҳовидонб, ғами ту.³[29, 545]

Бу байтда шоир бирданига икки бадиий санъатдан фойдаланган. Хожа Исмат бунда маъшуқани “мояи асли шодмонб”, яъни хурсандчилик уруғи, сабабчиси дея атайди. Зикри ўтган сўз ва иборалар **истиора** санъатига мисол бўлиб, биринчи ва иккинчи байтнинг охирида тақорланган “ғами ту” **радиф**dir. Шоир бу билан, “Сен шоду хуррамлик асосидирсан. **Ғам сурсанг**,

¹17-III

²18- III

³19- III

сенинг ғами менга навқиронлик ҳаётидан ҳам яхшироқдир,” деб тажнис ишлатиб, **гами ту** ифодасини икки маънода қўллаган.

Хожа Исмат шеърий парчаларида кўринган истиораларга уйғун холатларни Ҳофиз Хоразмийнинг мана бу мисраларида ҳам кўриш мумкин:

Лутф ичинда лаълингта ким, об-и ҳайвон дедилар,

Сўзладинг эрса, равон сўзларингға жон дедилар.

Тудокингни кўргали майхоралар чун хамр-и ноб,

Бўлдилар саррофу жондин лаълихандон дедилар.[105, 186]

Сўз танлашда маҳорат кўрсатган шоир, шеърий санъатларни қўллашда ҳам юксак заковатини намоён қилиб, теран мушоҳадага чорловчи мисралар ижод этган.

Фасл сахифаларида амалга оширилган киёсий тахлиллардан англашиладики, бадиий асарнинг кайси тилда ижод этилишидан қатъий назар, уларда “анъанавий шеърий аслаҳалар” (Мақсад Шайхзода ибораси) амал қилиб, даврнинг долзарб ғояларини бадиий бўёқдор юзага чиқаришда беминнат хизмат қилган.

Хожа Исмат ва туркигўй замондошлари шеъриятида муболаға, ташбих, талмих, лафф ва нашр, истиора сингари маънавий санъатлардан кўпроқ фойдаланилганлиги назарга ташланади. Табиийки, бу салоҳиятли шоирлар ижодида ташбих, муболаға сингари бадиий санъатларнинг турли кўринишларига таяниб, рангин байтлар яратилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бироқ Мавлоно Лутфийнинг бошдан охир ирсоли масал бадиий санъатидан унумли фойдаланиб, ниҳоятда таъсирли ғазал битганлиги ўзига хос бадиий кашфиёт бўлгани сингари Хожа Исмат Бухорийнинг лафф ва нашр тасвирий ифодаси воситасидан санъаткорона фойдалана олиши ҳам эътиборга лойикдир. Шунингдек, шоир талмих санъати имкониятларидан ҳам кенг истифода этиб, ўкувчи шуурига кутилмаган тарихий, афсонавий ёки диний воқеаларни гавдалантиришга муваффак бўлади.

3.3. Шеър бадииятини юзага чиқаришда лафзий санъатларнинг ўрни

Мумтоз адабиётимизда бадиият масаласи илм ва шеър ахлининг диккат марказида бўлиб келган. Мумтоз шеършунос ва нозиктаъ мухлислар у ёки бу қаламкаш салоҳиятини баҳолашда унинг ўзи яшаган замон муаммолари долзарб жихатларини сезгирлик билан илғай олиши ва танланган мазмунга муносиб шаклий унсурлар кўллашига қараб баҳо беришган. Яъни бадиий асарнинг шакл ва мазмун мувозанати диккат марказида тутилган. Жумладан, адабий асарларда шеърий санъатлардан фойдаланиш маҳорати бадиий адабиёт тараққиётининг ҳамма босқичларида чинакам санъаткорликнинг асосий кирраларидан бири сифатида баҳоланганд.

Професор А.Хожиахмедов ўринли таъкид қилганидек, “шеърий санъатлар бадиий асардан ўрин олган ғояларнинг ҳаётийроқ, таъсирчанрок ифодаланишига, лирик ва эпик тимсолларнинг ёрқинроқ гавдалантирилишига, мисралар, байтлар, бандларнинг лафзий назокати, мусикийлиги, жозибадорлигини таъминлашга хизмат қилган”[134, 4].

Мумтоз шеършунос Атоуллоҳ Ҳусайнин лафзий санъатларнинг муҳим бир жихатига эътиборини қаратиб, ўз фикрини қуидаги лўнда жумла билан аниқ ва равшан билдиради: “Билгилки, лафзий гўзалликларнинг асоси улдурким, алфозни маъноға тобеъ қилғайлар” [139, 35]. Бироқ юқорида айтилганлар нутқи назаридан, Т.Бобоевнинг мана бу мулоҳазалари мунозаралидай кўринади: “Лафзий санъатлар шеърий нутқдаги сўзнинг товуш билан боғлиқ, кўпроқ шакл ҳодисаси сифатида кўринади”[24, 355].

Фикримизча, бадиий асарда ижодкорнинг ғоявий ниятини юзага чиқариш учун хизмат қилмайдиган унсурларнинг бўлишини тасаввурга сиғдириш қийин. Ана шу жиҳатни инобатга олган Атоуллоҳ Ҳусайнин “алфозни маъноға тобеъ қилғайлар” иборасига ургу берган.

Хожа Исмат ва унинг туркигўй замондошлари шеъриятидаги бадииятни юзага чиқаришда шеърий санъатларнинг ўрни ҳақида сўз юритар эканмиз,

сўз санъаткори ифодалаган ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, маърифий-тарбиявий муаммолар моҳияти ва кўлами, бадиий тимсоллар жилоси билан бир вактда кўлланилган адабий санъатларнинг ранг-баранглиги, мантикий асосланиши, асар мазмунини очищдаги ўрни ва аҳамияти каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги аёнлашади.

Адабиётимиз тарихига назар солсак, шеърий санъатлар ижодкорлар бадиий салоҳияти ҳақида тасаввур хосил килиш, уларнинг хилма-хил санъатлардан моҳирона фойдаланиш усуулларини намойиш этиш эмас, балки ижодкор бадиий тафаккур даҳосининг кўлами, юксак ижтимоий-ахлоқий гояларни жонлантириш йўлидаги маҳоратининг ифодаси бўлиб келган. Шеърий санъатлар муайян бадиий тамойилларга асосланган. Булардан энг муҳими шеърий санъатларнинг асар мазмуни билан узвий боғлиқлигидир.

Хожа Исмат шеърияти бадииятини юзага чикаришда лафзий санъатларнинг ўз ўрни бор. Зеро, шоир ушбу санъатлардан ниҳоятда усталик билан фойдаланган. Чунончи, шоирнинг қиёсий девонидаги шеърларида лафзий санъатлардан **жам ва тақсим** бадиий воситасининг ўрнини таҳлилга тортиб қўрамиз:

Ду чашми Ҳоду ба дилрабоб¹: яке ба шўхб, яке ба мастб,

Зи қавси мушкин кушода тиру, зи хели миҳон кашида ҳанҳар².[29, 95]

Шоир биринчи мисрадаги тушунчани, яъни “ёрнинг икки жоду кўзини дилраболик учун” лигини таъкидлаб, кейин эса уларнинг “бири шўхлик учун ва яна бири мастилик учун” лигини эътироф этган. Буни **жам ва тақсим** санъатининг нодир намунаси деб баҳоласа бўлади.

Ёки:

Ду лаъли дилҳў ба ҳонфизоб¹: яке ба Ҳоду, яке ба ханда,

Зи ғунча шаккар фишонда бар гул, зи зарра парвин намуда бар хур².[29, 95]

¹20- III

² 21- III

Шоир ёрнинг лаби ҳақида қалам тебратар экан “Икки кўнгил овловчи лаъли лаби жонга роҳат бериш учун яралган бўлиб, бири жоду учун ва яна бири ханда учундир” дейди ва зикри ўтган лафзий санъатнинг нодир намуналаридан бирини нозикташ шеърхонга тухфа этади. **Жам ва тақсим** санъатининг кўринишларидан бирини туркигўй шоир Мавлоно Атоийнинг мана бу мисраларида ҳам кўрамиз:

Бу элда бордур икки моҳ пайкар,
Бири қанду, бириси шаҳду шаккар.
Бирининг орази хуршеди тобон,
Бирининг кўзлари куффори Хайбар.
Бирига чокару банда Атоий,
Бирига ходиму дояйи камтар.¹[87, 66]

Хожа Исмат сатрларида кўринган бўёқдор тасвир Атоий мисраларида ҳам ўз жилосини кўрсатган. Шоир маъшуқнинг лаби, чехраси уйғотган тасаввур ва унинг ошиқ қалбига таъсирини бафоят рангин ифодалашга эришган. Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиш жоиз кўринади. Тасвир воситалари гарчи турфа атамалар билан юритилса-да, уларда моҳиятан яқинлик ёки монандлик назарга ташланади. Шундай гапни жам ва тақсим, лаффу нашр, талмий ва муламмаш санъатлари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Хожа Исмат ва унинг туркигўй замондошлари шеърлари лафзий санъатларга жуда бой. Уларнинг ғазалларида ишлатилган барча шеърий санъатларга бирма-бир тўхталишнинг имкони йўқ. Аммо биз улардан айримларини таъкидлаш билан кифояланамиз. Куйидаги байтларда маъно жиҳатидан бир-бирига яқин тушунчаларни англатувчи сўзларни кўллаб, улар воситасида образли ифодалар яратган Хожа Исмат таносуб санъатини ишлатган:

Чун ниқоби гул барандозад сабо вақти сахар,
Хуш бувад бар ёди соки Ҳоми май пеши назар.

Медихад соқб ба маston Ҳоми ишрат ҳар нафас,

Лола аз ҳасрат қадаҳ пур мекунад хуни Ҳигар¹.[29, 358] байтларида майхонага дахлдор тушунчаларни билдирувчи *соқий, жом, май, маstlar, ишрат ва қадаҳ* сўзлари шеърда ифодаланган гояларни янада таъсирчан кўрсатишга ёрдам беради. Мумтоз адабиёт намояндалари сатрларида тез-тез тилга олинадиган май, соқий, жаннат, зуҳд, жом, маст, ишрат ва зоҳид каби сўз ҳамда атамалар маъно ришталарини илоҳий-ирфоний ғояларга улашдан ташқари, таносуб санъатини юзага чиқаришда қўл келади. Бундай манзарани Саккокий ва Атоийлар ижодида ҳам кузатиш мумкин.

Атоий:

Бу кун **васлингни** тарк айлаб, тилар **жаннатни зоҳидлар**,

Берурлар насяга нақдин, бу не нодон ҳалойиктур?![87, 174]

ёки:

Зоҳидо, хуру қусур **кавсару** тўбисанѓо,

Бизга дилбар **васлидур** дунёву уқбодин **мурод**. [87, 132]

каби байтлари юкоридаги фикримизни қувватлайди. Бундай оҳорли мисолларни Саккокий шеъриятида кўплаб учратиш мумкин:

Лабинг **майи** била усрук кўзунг кўруб **зоҳид**,

Кабоб килди жигарнию ўрни - **майхона**. [132, 234]

Ёки:

Зоҳидеким кўрди зулфунг куфрин имондин кечиб,

Бўйнида **тасбихини** белига **зуннор** айлади. [132, 278]

Кўринадики, ҳар иккала туркигўй шоирнинг танкид тифи зоҳидга каратиласди. Май, майхона, соқий, кабоб (жигар), жаннат, тасбех, зоҳид, зуннор каби сўз ва атамалар эса шоирларнинг ғоявий ниятини шеърхонга кабарик кўрсатишга кўмакка келади.

Лафзий санъат кўринишларидан бўлган **тазодни** қўллашда ҳам Хожа Исламнинг зарифона ҳаракати ёрқин назарга ташланади. Бундай топкирликни шоирнинг мана бу рубоийсида ҳис килиш қийин эмас:

Эй **Хаври** ту хуштар аз **вафои** ҳама кас,

Дашноми ту беҳтар аз **дуои** ҳама кас.

Бо ин ҳама нозук**b** на шояд будан,

Бегона зи мову **ошнои** ҳама кас¹. [29, 542]

Ушбу рубоийни таҳлилга тортадиган бўлсак, Хожа Ислам “жафо-вафо”, “дашном-дуо”, “бегона-ошно” каби қарама-қарши маъноли сўзларни қўллаш билан **тазод** санъатини қўллаб, маҳбуба ва ошик муносабатларини ёрқин ифодалаганига амин бўламиз.

Тазод санъати Мавлоно Саккокий ва Мавлоно Атоий каби шоирлар ижодида ҳам кўп қўлланилган бадиий воситалардан ҳисобланади. Қуйидаги байтларида Мавлоно Атоий бу санъатдан маҳорат билан фойдаланган:

Ишқинда **каро** бошим **окарди**,

Бир боқмади кўз кироги бирла.

Кўз ўйнатиб у тилар кўнгилни,

Икки қоши **жуфту тоқи** бирла.[88, 18]

Ушбу парчадаги “**каро-ок**” ва “**жуфту тоқ**” сўзлари ошик ва маҳбубанинг ҳоли баёнида ишлатилиб, тазод санъатига мисол бўлади. Бундай сўзларни маҳорат билан тизиб, юксак бадиий мисралар яратган яна бир сўз санъаткори Мавлоно Саккокийдир. Унинг мана бу сатрлари фикримизга ёрқин далил бўла олади:

Билурсенким кечар дунёйи фони,

Кулунға қилмағил жавру **жафони**.

Басе кўп ваъдалар килдингу бординг,

Кел эмди ваъдаға қилғил **вафони**.[132, 277]

¹24- III

Газал сатрларида тагдор зид маъноли сўзларни қўллаган туркигўй шоир шеър қаҳрамони ошиқнинг ҳижрон азобларини таъсирчан қўрсатишга эришган. Шундай майлни Ҳофиз Хоразмийнинг мана бу мисраларида ҳам кўрамиз:

Бас ажабдур кўзларим ёши, юзунг кўрган аро,

Чун бўлур истора **пинҳон**, бўлса **пайдо** офтоб. [105, 57]

Ҳофиз Хоразмий мисраларида тазод санъатининг баланд жозибаси ҳакида гапириш билан бирга унда Алишер Навоийнинг мана бу мисраларига монандлик борлигини айтиш жоиз:

Оразин ёпқач, кўзумдин сочишур ҳар лаҳза ёш,

Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш. [77, 208]

Кўринадики, ҳар иккала шоир ҳам ошику маъшука ўргасида содир бўладиган холатларни табиий ҳодисалар киёсида (қуёш ботгач самода юлдузларнинг пайдо бўлиши ва унинг акси) қўрсатишга муяссар бўлган. Бирок, Ҳофиз Хоразмий табиий ҳодисадан бошқачароқ йўсинда—юлдузлар сўнгач куёшнинг чиқишига мурожаат этиш орқали амалга оширган.

Хожа Исмат ғазалларида қўлланилган бадиий воситалардан яна бири **иштиқоқ** бўлиб, мазкур санъат мисра ёки байтда ўзакдош сўзларни қўллаш воситасидир. Масалан шоирнинг:

Зи чашми маству зи шаҳди лаълу зи гарди наълу зи моҳи рўят,

Шакар шакиру сакар сакиру насар насиру назар пурахтар¹.[29, 95]

байтидаги **шакар-шакир**, **сакар-сакир**, **насар-насир**, сўзлари ўзакдош бўлиб, **иштиқоқ** санъати асосида қўлланилган.

Иштиқоқ санъатининг намунаси Ҳофиз Хоразмийнинг мана бу мисраларида ҳам назарга ташланади:

Хуш эрди ёр била бизга ул **сабоҳ сабух**,

Ки **масти муст** эди ёди **роҳ** била **руҳ**.[106, 83]

¹ 25- III

Хожа Исматнинг ўзбек тилида ёзилган мана бу байтида **тарду акс** санъати кўлланилган:

Ул парирў шакли оламни гулистон айлади,

Гул юзи юз гулни хижлатдин паришон айлади.[28, 152a]

Ушбу байтда “**гул юзи юз гул**” иборасининг ўрин алмашиниши туфайли мазкур санъат ҳосил қилинган.

Шоир шеъриятида лафзий санъатларнинг ўрни ҳакида сўз юритар эканмиз, унинг яна бир ғазали байтларидағи бадиий санъатни таҳлилга тортиб қўрамиз:

Бир ғамзаи мастана қилиб бок бу сори,

То нолай зор аз **Ҳигари** хаста барор**b**.

Йўқтур Хутану Чину хитойларингда,

Дар шеваи нозук бадани ин ки ту дор**b**. [28, 151a]

Хожа Исматнинг ушбу мисралари лафзий санъат кўринишларидан ҳисобланувчи **талмиъ** (талмих эмас) воситаси ёрдамида ҳосил қилинган. “Ранг-баранг қилмок” маъносини ифодаловчи бу сўз шеър мисраларини турли тилларда битишини назарда тутувчи санъат номини билдиради [133, 105]. Айни санъат ижодкордан мисраларда бошқа тилга мансуб сўз ва ибораларни (масалан, араб ва ўзбек, тожик ва ўзбек ва х.) кўллашни талааб қиласи ва Муламмаъ ҳамда ширу шакар бадиий воситаларини хотирга келтиради. Хожа Исмат байтларида келган “то нолай зор аз **Ҳигари** хаста барор**b**” ва “дар шеваи нозукбадани ин ки ту дор**b**” мисралари ўшандай вазифани ўтаган.

Талмиъ санъатининг ширу шакар ва муламмаъ санъатларидан деярли фарқ этмаслигини таъкидлашни жоиз топдик. Буни мумтоз ва ҳозирги адабиётшунослар талқинлари нуқтаи назаридан таҳлилга тортамиз. Жумладан, Атоуллоҳ Ҳусайнининг куйидаги таърифи юкорида зикр этганимиз бадиий ҳодисага жуда мос келади: “Муламмаъ андин

ибораттурким, шеърнинг бир қисми бир тилда ва бошқа бир қисми ўзга тилда бўлур. Бу санъатнинг машхури улдурким, бир мисраи арабча ва иккинчи мисраи форсча ёки бир байт арабча ва бир байт форсча бўлур”[139, 92]. Айни мана шу зуллисонайнлик адабий санъат сифатида шоирнинг кўйидаги тожик ва араб тилларидағи муламмаъсида равshan кўринади:

Сакабат димоу ъайний ва жарат минал-видодий,

Ва кафо биҳи шаҳийдан лижароҳати фуодий.

Рахи Ҳоду бибасть^b чу зи ғамза чашм басть^b,

Дари фитнаҳо күшод^b чу ба ҳанда лаб күшод^b¹.[29, 451]

Юқорида келтирилган мисоллардан кўринадики, Ҳожа Исмат ўз ижодида нафакат ўзбек-тожик зуллисонайнлик анъанаси ривожида моҳирлик кўрсатган, балки тожик-араб тилларида ҳам икки тиллиликни адабий санъат сифатида маромига етказиб гўзал асарлар иншо этган.

Мумтоз адабиётимизда, жумладан, XIV аср охири XV аср биринчи ярми шоирлари ижодида кенг қўлланилган лафзий санъатлардан яна бири **амр ва нахий** бўлиб, “буюриш ва ман қилиш” маъносини ифодалайди. Бу шеърий санъат шеърда лирик қаҳрамоннинг кимгадир ёки нимагадир буюриш ёки бирор нарсадан қайтариш тарзида ўз ички кечинмаларини баён этишни назарда тутади [134, 113].

Ҳожа Исмат замондошларидан бўлмиш Ҳофиз Хоразмийнинг ушбу:

Эй шоҳ, бу бечора қулунгға назар айла,

Хоки қадаминг бўлди, кўриб, бир гузар айла.

Ишқинг йўлидин ким хабаре айтса ногох,

Мастона кўз учи била боқ, бехабар айла.[105, 41]

байтларидағи лафзий санъат орқали ифодаланган асосий ғоя киноя билан нозик пардозланган панд-насиҳат бўлиб, ёрни сахийликка-ошиқ ғамидан огоҳ

¹ 26- III

бўлишга ундаиди. Худди шунга монанд манзараларни Мавлоно Саккокийнинг куйидаги байтларида ҳам учратамиз:

Эй Масихо дам бегим, бир дам била бергил шифо,
Шева бирла кўзларинг жонимни бемор айлади.[132, 278]
Ёки:

Эй кўзим бир дам дам ур, бағримда хеч қон қолмади,
В-эй бало раҳм эт, танимда қайғудин кон қолмади. [95, 31 б.]

Шоирнинг юқорида кўчирганимиз байтлари **амр ва нахий** санъатининг **амр** қисмига мисол бўлиб, шоир маъшуқани табибга ўхшатади. Ўзини эса унинг қўлига қараб колган беморга қиёслаб, унга бир дам билан шифо беришини илтимос қиласпти. Мавлоно Саккокийнинг яна мана бу мисралари зикри ўтган бадиий санъатининг **нахий**-ман қилиш қисмига мисолдир:

Қаро бирла бир ғамза қилиб юз минг жафо қилма
Карашма бирла оламни манингтек мубтало қилма..
Багир кон айладинг жавру жафолар бирла сultonим,
Кўзум ёши била ҳар дам юзумдин можаро қилма. [95, 12]

Бунда шоир маъшуқадан ошиқни турли йўллар билан азоб бермаслигини сўрайпти. Худди шу санъатга Хожа Исмат замондошларидан Мавлоно Атоий ҳам жуда кўп мурожаат қилган:

Ҳар замон чиқма хиромон юз уза зулфунг солиб,
Тушмасун ислом ичинда расми зуннору салиб. [119, 61]

Амр ва нахий санъатининг **амр** қисмига камёб мисол бўла оладиган қўида келтирадиганимиз парча ҳам Мавлоно Атоийга тегишлидир:

Агар қўнглунг тилар жонимни олмоқ,
Қароқчи кўзларингдин бир қиё бок.[119, 58]

Хожа Исмат шеърларида ҳам туркигўй шоирлар мисраларида моҳирона ишлатилган амр ва нахий санъати намуналарини кўрамиз. Ушбу шеърий санъатни кўллашда маҳорат кўрсатган шоир, мисраларда бадиий ифодаланиши лозим бўлган мазмунни равшан акс эттириш учун ишлатган:

Эй ҳаҳр, бераҳмб макун, дур аз рухи ёрам макуш,

Гар ман ба күштан лоиқам, боре чунин зорам макуш.¹[29, 370]

Кўчирганимиз қаторларда ман этиш мазмунининг охангি баландрок ифода топган. Юқоридаги ғазал мисраларида шеър қаҳрамони хижрон азобларидан жон беришга тайёр, аммо бу ҳолатдан маъшуқасининг бехабар колишини истамайди. Шоирнинг жиддий фалсафий-маънавий моҳият акс эттирилган рубоийларидан бирида **амр ва нахий** санъатидан маҳорат билан фойдаланганлигини кўрамиз:

Гар боҳабарб аз ину он ёд макун,

В-ар ошики содикб зи Ҳон ёд макун.

Шодио ғами замона чун даргузар аст,

Май нўшу зи меҳнати Ҳаҳон ёд макун.²[29, 545]

Ҳаёт завки, унинг гўзалликларидан оқилюна баҳраманд бўлишга даъват рухи билан йўғрилган мисраларда майхўрликдан кузатилган муддаҳо ҳам ўша ҳаётӣ иштиёқ туфайлидир. Шундай майлни Хожа Исматнинг мана бу ғазали мисраларида кузатиш қийин эмас:

Зоҳид аз кўи риё дар базми майхўрон гурез,

Бода нўшу бе зарурат порсеб карда гир.

Эй, ки май дар Ҳом дорб хум бинўшу оғият,

Ҳамчу Исмат рағбати зўҳдб риё карда гир.³ [29, 360-361]

Юкорида кўриб ўтилган шеърий санъатлар, аввало, қадимий ва безавол шеъриятимизнинг юксак бадииятидан, буюк ижодкорларимизнинг бекиёс санъаткорлик даҳосидан далолат беради. Шу билан бирга, Хожа Исмат ва унинг замондошлари ижодларидан танланган кўплаб дурдона байтлар мисолида кўрганимиздек, шоирларимиз ўз асарларининг фақат ғоявий

¹ 27- III

² 28- III

³ 29- III

жиҳатдангина эмас, айни вақтда бадиият нуқтаи назаридан ҳам баркамол бўлишига алоҳида диккат қилиб, хилма-хил шеърий санъатлардан баракали фойдаланиб, нафис ва сержило обидалар яратганлар. Шоирлар шеъриятида жам ва таксим, таносуб, тазод, иштиқоқ, тарду акс, талмиъ, амр ва наҳий сингари лафзий санъатларга кўпроқ мурожаат қилинганилиги кузатилади. Булардан талмиъ санъатини қўллашда Хожа Исмат Бухорийнинг бадиий маҳорати яққол кўзга ташланади.

Таҳлилга тортганимиз тожик ва ўзбек тилидаги шеърий парчалардан аёнлашадики, давр адабий ҳаёти манзараларини бутун зиддияту мураккабликлари билан бадиий ифодалашда шеърий санъатлар қўмакка келган ва тилларнинг ранг-баранглиги уларнинг ижтимоий-сиёсий моҳиятига қилча бўлса-да халал етказмай, аксинча, ўртага қўйилган ғоявий ниятни зукко шеършуносга бежирим етказишга хизмат қилган.

Х У Л О С А

XIV асрнинг II ярми XV аср бошлари Бухоро адабий мұхитининг забардаст вакилларидан бири Хожа Фаҳриддин Исматуллоҳ бинни Масъуд Бухорийдир. Мумтоз манбаларда салоҳиятли ҳамда зуллисонайн ижодкор мақомида тилга олинган Хожа Исмат ўзидан бой ва безавол маънавий мерос қолдирди. Тадқикот жараёнида иқтидорли бу қаламкаш асарларидан тартиб берилгандай күләзма девонларни қиёсий ўрганишдан аёнлашдикі, унинг сохир қалами тухфа этган шеърий дурдоналар йигирма минг мисрага яқиндир. Шарқ халқлари адабиётининг ғазал, мухаммас, мусаддас, мусамман, мустазод, қасида, рубоий, қитъа, таркиббанд, таржеъбанд, фард, муаммо, чистон, марсия, маснавийлар каби жанрларида ўз иқтидорини синааб күрган Хожа Исмат, асарларининг мавзу, ғоя, образлар күламдорлигига алохіда эътибор қаратган, замонасиининг пешқадам ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий, илохий-ирфоний ғояларига таяниб, гүзал пандномалар мерос қолдирған. Улуғ шоир яшаган йилларда пирлар ватани бўлган Бухоро адабий мұхитида теран ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий, фалсафий-маърифий, илохий-ирфоний қарашлар чуқур илдиз отган эдики, айни жиҳатлар Хожа Исматулло Бухорийнинг дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатмай қолмади. Шундан бўлса керак, бу мутафаккир шоирнинг мисралари равон, зоҳиран содда бўлиб кўринса-да, уларнинг замирида келадиган ботиний ғоялар ҳар қандай китобхоннинг ҳам эътиборини ўзига тортади. Уларга бадиий-маънавий завқ бағишлиб, ҳаётга бўлган иштиёқ ва мухаббатини кувватлантиришга ёрдам беради.

Тадқиқотларимиз жараёнида аёнлашдикі, шоир қаламига мансуб мұҳаккіклар назаридан четда қолган күләзма девонлар ҳамда Эронда шарқшунос Аҳмад Қарамий томонидан чоп эттирилган қиёсий девон таркибида келган шеърлардаги ишоралар Хожа Исмат Бухорий шахсияти, оиласиий ҳаётига доир айрим жиҳатларни ойдинлаштириш имконини берди.

Ушбу маълумотлар таҳлили жараёнида шоирнинг беш фарзанди бўлганлиги, тўрт ўғлидан бевақт ажралгани маълум бўлди. Бу ҳам етмаганидек, якка ягона кизини Улугбек Мирзонинг иниси Иброҳим Султонга узатган шоир янги оиласда фарзанднинг дунёга келмаганлиги ва унинг барбод бўлишидан қаттиқ азият чекади. Шахзоданинг шоирнинг қизига талоқ бериши, табиийки, Хожа Исматга кучли рухий таъсир кўрсатади ва у сарой ҳамда Самарқандни тарқ этиб, кизини олиб Бухорога қайтади. Шоир ижодининг айнан мана шу воқеалардан кейинги босқичида унинг дунёқарашида жиддий ўзгаришларнинг юз берганлиги ва адабий меросида илохий-ирфоний қарашларнинг янада теранлашганлиги назарга ташланади.

Бухоро шаҳридаги Санъат музейи фондида 27784/2 инвентар рақами остида сакланадиган “Девони Хожа Исмат” кўлёзмасида кузатиладиган муҳим янгилик сифатида унинг таркибида бир ўзбекча (туркий) ва уч Муламмаъ (ўзбекча-тожикча) ғазалдарининг киритилганлигини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, девондан шоирнинг ўнга яқин тожикча ва арабча ширу шакарда яратилган шеърлари борлиги аниқланди.

XIV асрнинг охири ва XV асрнинг биринчи ярмидаги адабий даврнинг эътиборли томони шундаки, адабиётлар ўртасидаги алоқа ва ўзаро таъсир авж олиб, зуллисонайнлик анъанаси замирида ўзбек ва тожик тилларида битилган Муламмаъга мурожаат қилиш янада кучайди. Хожа Исмат ва унинг туркигўй замондошлари сатрлари қайси тилда бўлишидан қатъий назар, ўша дурдона мисраларда даврон жароҳатлари, замондошларининг қувончу изтиробларини қаламга олиш ижод ахлининг дикқат марказида турган.

Хожа Исматнинг мусамматлари ҳам бадиий жиҳатдан жуда юксак даражада яратилган бўлиб, ўзига хос жанрий унсурларга эга. Шоир уларнинг аксариятида “тажнисли қофия”дан фойдаланиб, шеърнинг жозибадорлигини ошириш ва ўз ижодий услубини шакллантиришга эришган. Шундай гапни Атоий, Саккокий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмий, Лутфий каби шоирларнинг шеърлари хусусида ҳам айтиш жоиздир.

Хожа Исмат Бухорий ўз даврининг забардаст қасиданавис шоиридир. Унинг шеърий меросининг аксарият қисмини шу жанрда ёзилган асарлар ташкил килади. Хожа Исмат ва Мавлоно Саккокийлар ўз дилбар шеърлари билан биринчидан, XIV асрнинг II ярми ва XV асрнинг I ярмидаги қасидачилик тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бўлсалар; иккинчидан, Улугбек Мирзодай жаҳон эътирофида бўлган қомусий аллома ва салоҳиятли давлат арбобининг барҳаёт сиймосини шеъриятда гавдалантиришга мусассар бўлишган.

Шарқ халқлари адабиёти тарихида олдинги юз йилликларда амал килган шеърий жанрлар тадқиқимиз манбаи бўлган даврда ҳам қалам аҳли эътиборида бўлган. Айниқса, ғазал, рубоий, қитъа, фард, қисман мухаммас, қасида каби шеърий шаклларнинг кенг оммалашганлиги назарга ташланади. Уларга мурожаат этган таъкид этганимиз шоирлар анъанавий шеърий шаклларда ўзи яшаган замон ва макон ахлиниң қувончу изтиробларини, ҳаёт, ватан, табиат, эл-улусга бўлган баланд мұхаббат, умумбашарий ахлоқий меъёрларни бадиий ифодалаш йўлидан борар экан, ҳар бир қаламкаш замонасининг зиддиятли ҳаётий давҳаларини ўзига хос оҳангда ифодалашга шахсий салоҳият ва маҳоратини намоён этиш йўлидан борган. Ҳар бир ижодкор ўз шеърий сатрларини халқона ҳикмату мақоллар билан сайқаллаган ва шу восита билан муайян босқич адабиётида мавзу, ғоя, образлар дунёсини бойитишга муносиб ҳисса қўшган.

Киёсий таҳлиллардан хуоса килиш мумкинки, Хожа Исмат Мовароуннахру Хуросонда зуллисонайнлик анъанасига амал қилган, замондошлири билан ижодий рақобатга киришган ва ўзининг мустақил ифода услубини шакллантира олган истеъдодли шоир сифатида муносиб эътиборга лойикдир.

Сахифаларда таҳлилга тортганимиз тожик ва ўзбек тилидаги қасидалардан олинган парчалардан англшиладики, Хожа Исмат, Саккокий, Гадоийлар ўzlари яшаган замоннинг пешқадам вакили, диний ва дунёвий

билимлардан хабардор инсони сифатида асосий эътиборини афкор омма манфаатлари йўлига хизмат қилдиришга, муносиб тождорларни авж пардада улуғлаш орқали уларни эл-улус фаровонлиги йўлида хизмат қилишга сафарбар этишган. Ўша қасидаларнинг рангин сатрларида эса, ҳар бир қаламкаш ўз услугуга содик қолгани ҳолда, маҳоратининг олмос кирраларини кўрсатишга эришган.

Мавлоно Лутфий, Атоий, Гадоий, Саккокий ва Ҳофиз Хоразмий каби мумтоз ижодкорлар асосан туркийда шеърлар ёзиб, форсча ва арабча сўзлардан унумли фойдаланиш орқали ўз мисраларини “ялтиратиш” (муламмаъ) воситасида адабий қардошлиқ сахифаларини янада бойитиши учун муносиб ҳисса кўшдилар.

Хожа Исломат, Атоий, Саккокий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмий ва Лутфийлар ғазалларининг мавзу ва ғоялар олами ҳакида баҳс этувчи шеърларининг қиёсий таҳлили жараёнида амин бўлдикки, айни ижодкорларнинг ҳикматлари ҳёттий мухим масалаларга бағишланниб, ғоятда ибраторуз ва таъсирилдири. Шу билан бир қаторда одамийлик, бир-бирининг қадрига етиш, мақсадга эришиш йўлида ҳаракат қилиш, аҳду-вафо, ширинсуханлик, адолатга даъват, беозорлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, бағрикенглик, ҳаётга меҳр кўзи билан қараш, хокисорлик каби қатор олижаноб ғоялар тараннуими ҳам етакчилик қиласи.

Бадиий асарнинг қайси тилда ижод этилишидан қатъий назар, уларда “анъанавий шеърий аслаҳалар” (Мақсуд Шайхзода ибораси) амал қилиб, даврнинг долзарб ғояларини бадиий бўёқдор юзага чиқаришда беминнат хизмат қилган.

Хожа Исломат Бухорий ва туркигўй замондошлари Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий ва Ҳофиз Хоразмийлар шеъриятида бадиий-тасвирий воситалардан фойдаланишда ўзига хос санъаткорлик маҳорати кўзга ташланади. Мавлоно Лутфийнинг бошдан охир ирсоли масал бадиий санъатидан унумли фойдаланиб, ниҳоятда таъсирили ғазал битганлиги ўзига

хос бадиий кашфиёт бўлгани сингари Хожа Исламнинг баҳри тавил услубида ҳам ўзбек, ҳам тожик тилида ижод этганлиги, лафф ва нашр, талмиъ сингари тасвирий ифодалардан санъаткорона фойдалана олганлиги муҳим аҳамият караб этади.

Боблардаги фаслларда кўриб ўтилган шеърий санъатлар аввало, қадимий ва безавол шеъриятимизнинг юксак бадииятидан, буюк ижодкорларимизнинг бекиёс санъаткорлик даҳосидан далолат беради. Шу билан бирга, Хожа Ислам ва унинг замондошлари ижодларидан танланган кўплаб дурдона байтлар мисолида кўрганимиздек, шоирларимиз ўз асарларининг фақат гоявий жиҳатдангина эмас, айни вактда бадиият нуқтаи назаридан ҳам баркамол бўлишига алоҳида диққат қилиб, хилма-хил шеърий санъатлардан баракали фойдаланиб, нафис ва сержило обидалар яратганлар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

а) Сиёсий-назарий адабиёт ва хужжатлар;

1. Каримов И.А. Амир Темур хақида сўз. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –62 б.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Ўзбекистон, 1997. Б-17.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз-келажак йўқ.–Т.: Ўзбекистон, 1997.–86 б.
4. Каримов И.А. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –133 б.
5. Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари.–Т.: Шарқ, 1998.–104 б.
6. Каримов И.А. Буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –686 б.
7. Каримов И.А. Миллий истиқтол мағкураси–халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. –Т.: Ўзбекистон, 2000. –32 б.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч. –Т.:Маънавият,2008.–176 б.
9. Баркамол авлод орзуси // Тузувчилаr: Ш.Курбонов, Х.Сайдов, Р.Аҳлиддинов. –Тўлдирилган 2-нашри. –Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000. –248 б.

б) Илмий ва бадиий адабиётлар.

10. Абдуллаев В. Навоий Самарқандда // Улуғ ўзбек шоири/ Тўплам. ЎзФА нашриёти, –Т.: 1948. –Б. 77.
11. Абдуллоев А. Адабиёти форсу тоҳик дар нимаи аввали асри XII. –Д.: Дониш, 1979. –286 с.
12. Адабий турлар ва жанрлар. 3 жилдлик, 2-жилд, Лирика. –Т.: Фан, 1992. –193 б.
13. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 2-том. –Т.: Фан, 1979. –448 б.

- 14.** Айнб С. Намунаи адабиёти тоҳик. –М.: 1926. –С.67.
- 15.** Айнб К. Қасида дар осори Рӯдаки/ Рудаки и его эпоха: Сборник статей. Под редакцией А. Мирзоева. –Сталинабад: Таджикское Государственное Издательство. 1958. –239 с.
- 16.** Алексеев М.П. Многоязычие и литературный процесс/ Многоязычие и литературное творчество: Ответственный редактор аkad. М.П. Алексеев. –Л.: Наука, 1981. –340 с.
- 17.** Арзуманов С. Д., Ахрори Х. А., Бегбуди М. М. и др. Русско-таджикский словарь. Свыше 72 000 слов. Под редакцией члена-корреспондента АН СССР М. С. Асимова. –М.: Русский язык, 1985. –1280 с.
- 18.** Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. –Т.: Ўқитувчи, 1993. –432 б.
- 19.** Аҳмедов Б. Амир Темур: Тарихий роман (Махсус мухаррир: Б. Омон). –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. –640 б.
- 20.** Бартольд В.В. Улугбек и его время. Соч. Т. I Часть II. –М.: Наука, 1964. – С. 35-48.
- 21.** Бертельс Е.Э. Литература народов Средней Азии. журн. “Новый мир”. 1939, №9. –С. 279-280.
- 22.** Бертельс. Е. Э. Навои и Джами. Избранные труды. Издательство восточной литературы. –М.: 1965. –С.58.
- 23.** Бертельс.Е. Э. История персидско-таджикской литературы. Избранные труды. Издательство восточной литературы. –М.: 1960. –360 с.
- 24.** Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –355 б.
- 25.** Бобокалонов С., Раупова Р. Ҳожа Исматулло Бухорийнинг маънавий мероси. –Б.: “Бухоро”, 2009. –48 б.
- 26.** Брагинский И.С. Из истории таджикской народной поэзии. –М.: 1956.
- 27.** Бухорий, Ҳожа Исмат. Девон. Аввали зухури дувўми Ҳоҳа Исмат. Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонаси Шарқ қўлёзмалари фонди. Инв. рак. 262. –81 варак.

- 28.** Бухорий, Хожа Исмат. Девон. Бухоро Давлат Санъат музейи қўлёзмалар фонди. Инв. рак. 27784/2, –222 варак.
- 29.** Бухорий, Хожа Исмат. Девон. –Техрон: Толоркитоб. Нашрга тайёрловчи Аҳмад Карамий. 1987. –590 б.
- 30.** Бухорий, Хожа Исмат. Девон. ЎзРФАШИ қўлёзмалар фонди. Инв.рак. 805-х. –280 варак.
- 31.** Бухорий, Хожа Исмат. Девон. ЎзРФАШИ қўлёзмалар фонди. Инв.рак. 1435. –193 варак.
- 32.** Бухорий, Хожа Исмат. Девон. ЎзРФАШИ қўлёзмалар фонди. Инв.рак. 4313. –98 варак.
- 33.** Бухорий, Хожа Исмат. Девон. ЎзРФАШИ қўлёзмалар фонди. Инв.рак. 1042. –420 варак.
- 34.** Бухорий, Хожа Исмат. Девон. ЎзРФАШИ қўлёзмалар фонди. Инв.рак. 1427. –270 варак.
- 35.** Бухорий, Хожа Исмат. Девон. Тожикистон ФА Шарқ. институти кутубхонаси қўлёзмалар фонди. Инв.рак. 1771. –300 варак.
- 36.** Бухоров, Хоҳа Исмат. Девон. Нусхай девони захираи дастхатҳои Институти забон ва адабиёти АФ Тоҷикистон. Инв.рак. 12. –170 варак.
- 37.** Валихўжаев Б. Алишер Навоий ва унинг издошлари талқинида туюқ. Адабий мерос. Манба ва тадқиқотлар /Тўпл.: З. –Т.: Фан, 1973. –С. 148-151.
- 38.** Вамбери, Ҳерман. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Китобдан парчалар/ Тўпл.: С. Аҳмад/.–Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –96 б.
- 39.** Воҳидов Р. XV аср II ярми XVI аср бошларида ўзбек ва тожик шеърияти. –Т.: Фан, 1983. –Б.25-89.
- 40.** Воҳидов Р. Хожа Исмат-зуллисонайн шоир/ Йиллардан қолган маънавий ёдгорлик: Илмий мақолалар тўплами. –Т.: Зарқалам 2006. –Б.21.
- 41.** Воҳидов Р. Хожа Исматулло Бухорий – зуллисонайн шоир / БухДУ ахбороти. Бухоро, 2006. № 4. –Б.17-19.

- 42.** Вохидов С. Бухорийлар бўстони. Таржималар.–Т.: Турондот, 1998.–160 б.
- 43.** Гадоий. Девон. (Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Э.Ахмадхўжаев) –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. –148 б.
- 44.** Григорян А. Художественный стиль и структура образа.–Е.: 1974. –С.8-15.
- 45.** Гулшани адаб. Намунаи назм иборат аз панХ Хилд. Хилди З. –Д.: Ирфон, 1977. –384 с.
- 46.** Дехлавб, Хусрав. Осори мунтахаб. Дар чаҳор Ҳилд. Ҳилди чаҳорум.–Д.: Ирфон, 1975. –894 с.
- 47.** Жомб, Абдураҳмон. Баҳористон. –Д.: Адиб, 1987. –159 с.
- 48.** Зелинский.К.Н Литература народов СССР. –М.: Наука, 1957. –266 с.
- 49.** Зехнб Т. Н. Санъатҳои бадеб дар шеъри тоҳикб.–Сталинобод: Нашриёти Давлати Тоҳикистон, 1960, –271 с.
- 50.** Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур.(Темур тарихида тақдир ажойиботлари) Араб тилидан тарж.ва изоҳларни, сўз бошини У.Уватов тайёрлаган. Масъул мухаррир А. Ўринбоев. К.1. –Т.: Мехнат, 1992. –328 б.
- 51.** Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур.(Темур тарихида тақдир ажойиботлари) Араб тилидан тарж.ва изоҳларни, сўз бошини У.Уватов тайёрлаган. Масъул мухаррир А. Ўринбоев. К.2. –Т.: Мехнат, 1992. –192 б.
- 52.** Иззат Султон. Адабиёт назарияси: Университет ва педагогика институтлари филология факултети талабалари учун дарслик (Иззат Султон; масъул мухаррир Наим Каримов). Қайта ишланган ва тўлдирилган учинчи нашри. –Т.: Ўқитувчи нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. –272 б.
- 53.** Иззат Султон. Адабиёт назарияси. –Т.: Ўқитувчи, 1986. –402 б.
- 54.** Исоков Ё. Зуллисонайнлик ва таржима// Таржима санъати. –Т.: 1980. 5-сон. –Б. 122.

- 55.** Каримов Н. Шеърий шакллар ва услубий йўналишлар/ Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги.–Т.: Фан,1983.–Б.103-133.
- 56.** Климович Л.И. Хрестоматия по литературе народов СССР. –М.: Наука, 1947. –С.73.
- 57.** Кошоний, Али Тақиуддин. Хулосат-ул-ашъор ва зудбат-ул-афкор. Санкт-Петербург оммавий кутубхонаси қўлёзмалар фонди. Инв. рақ. 321. –В.70-84.
- 58.** Краткая литературная энциклопедия // Исмат, –М.: Наука, 1966. – 204 с.
- 59.** Крымский А. История Персии, её литературы и дервишеской теософии. –М.: Наука, 1971. –С.33.
- 60.** Литературный энциклопедический словарь. Под общей редакцией В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. –М.: Советская энциклопедия, 1987. – 752 с.
- 61.** Лутфий асарлари қўлёзмаларининг каталоги. Тузувчи Эркин Аҳмадхўжаев. –Т.: 1987. –131 б.
- 62.** Лутфий. Танланган асарлар. –Т.: Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960. –71 б.
- 63.** Лутфий. Девон. Гул ва Наврӯз. Достон. Нашрга тайёрловчи Содир Эркинов. –Т.: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1965. –448 б.
- 64.** Лутфий. Сенсан севарим. Нашрга тайёрловчилар Содир Эркинов, Эргаш Фозилов, Эркин Аҳмадхўжаев. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. –464 б.
- 65.** Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи.Олий ўкув юртлари учун дарслик. К.И. –Т.: Ўқитувчи, 1976. –326 б.
- 66.** Мирзоев А. Рудаки и развитие газели в X-XV вв.// Рудаки и его эпоха: Сборник статей. Под редакцией А.Мирзоева. –Сталинабад: ТаджГосИзд, 1958. –239 с.
- 67.** Мирзоев А. Як воқеаи муҳими таърихb дар бораи масалаи ҳаёти адабий мо/ “Шарқи сурх”, 1949. №3.

- 68.** Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тоҳик. К.ИИ. –Д.: Маориф, 1977.– 400 с.
- 69.** Мирсафоев А. Ходжа Исмат Бухори и его творчества. ДКН. Самарканд, 1971. –280 с.
- 70.** Мулло Шарофиддин ибн Аълам. Таърихи касира. СамДУ, Инв. рақ.176502. –В.38
- 71.** Муминов И. Об исторических условиях развития искусства Средней Азии эпохи Тимуридов. “Общественные науки в Узбекистане”, 1969.№ 8-9.
- 72.** Мусулмониён Р. Назарияи адабиёт. –Д.: Маориф, 1990. –334 с.
- 73.** Муҳаммад Фиёсүддин. Фиёс ул-луғот. Дар се хилд. Хилди 2/ –Д.: Адиб. 1988. 416 с.
- 74.** Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. –Т.: Фан. 1968. –Б.27
- 75.** Навоий асарлари лугати. Тузувчилар: П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. –Т.:Faafur Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. –784 б.
- 76.** Навоий, Алишер. М.А.Т. 20 томлик. 1-том. Бадойиъ ул-бидоя. –Т.: Фан, 1987. –724 б.
- 77.** Навоий, Алишер. М.А.Т. 20 томлик. 3-том. –Т.: Фан, 1987. –587 б.
- 78.** Навоий Алишер. М.А.Т. 20 томлик. 13-том. Мажолис ун-нафоис. –Т.: Фан, 1997. –Б.61.
- 79.** Навоий Алишер. М.А.Т. 20 томлик. 16-том. –Т.: Фан, 2000. –91 б.
- 80.** Носиров О, Жамолов С, Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. –Т.: Ўқитувчи, 1979. –113 б.
- 81.** Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. –Т.: Faafur Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. –133 б.
- 82.** Носиров У. Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи. –Т.:Фан, 1981. –65 б.
- 83.** Орзивеков Р. Лирикада кичик жанрлар. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976 . –168 б.

- 84.** Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. –Б.54.
- 85.** Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти таърихи. (XVII-XIX (I ярми) асрлар). –Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашр., 2006. –272 б.
- 86.** Османов М.-Н. О. Стиль персидско-таджикской поэзии. –М.: Главная редакция восточной литературы, 1974. – С.62.
- 87.** Отойи. Танланган асарлар. Ўзбек классиклари кутубхонаси.–Т.: Ўздавнашр, 1960. Нашрга тайёрловчи Эргаш Рустамов. –199 б.
- 88.** Рабғузий, Носируддин Бурҳонуддин. Қиссаси Рабғузий. (Масъул мухар. Н. А. Асилова; Сўз боши Э. Фозиловники). К. И.–Т.: Ёзувчи, 1990. –240 б.
- 89.** Рабғузий, Носируддин Бурҳонуддин. Қиссаси Рабғузий. К.2. // Масъул мухар. Н. А. Асилова; оятлар, ҳадислар ва арабий шеърларни ҳозирги ўзбек тилига Ю. Шокиров тарж./ –Т.: Ёзувчи, 1991. –272 б.
- 90.** Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат.(Атоийнинг поэтик маҳорати) –Т.: Фан, 1995. –Б.27.
- 91.** Рипка, Ян. История персидской и таджикской литературы. –М.: Прогресс, 1970. –440 с.
- 92.** Розб, Амин Аҳмад. Ҳафт иқлим. ТожФАШИ, инв. рак.140. –404 в.
- 93.** Рустамов Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине XV века, –М.: Просвещение, 1963. –С.34-137.
- 94.** Саккокий. Девон. ЎРФАШИ кўллётмалар фонди, инв. рак.7685. –В. За-426.
- 95.** Саккокий. Танланган асарлар. –Т.: Ўздавнашр, 1960. –65 б.
- 96.** Самарқандий, Абдурраззоқ. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Масъул муҳаррирлар А. Қаюмов, Муҳаммад Али; Ўз.Рес.ФА. Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти. –Т.: “Ўзбекистон”, 2008. –632 б.
- 97.** Самарқандий, Давлатшоҳ. Тазкират-уш-шуаро. Ўз.Рес.ФА. Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти қўллётмалар фонди. № 53. –361 в.
- 98.** Самарқандий, Давлатшоҳ. Шоирлар бўстони (“Таскират-уш-шуаро”дан) Форс-тожик тилидан Б. Ахмедов тарж.; шеърларни С. Раҳмон тарж. қилган.

- Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. —224 б.
- 99.** Собиров Г. Творческое сотрудничество ученых Средней Азии в Самаркандской научной школе Улугбека. —Д.: Ирфон, 1973. —208 с.
- 100.** Сулаймон Ҳ. Ҳофиз Хоразмий шеъриятидан. —Т.: Ўз.КПМК нашриёти, 1980. —Б.5.
- 101.** Тимофеев Л. И. Основи теории литератури.—М.: Просвещение, 1971, —411 с.
- 102.** Тошкандий, Салоҳиддин. Темурнома. Сўзбоши муаллифи ва луғатлар асосида нашр.тайёрловчи П. Равшанов. —Т.: Чўлпон, 1990. —352 б.
- 103.** Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. —Т.: Фан, 1985. —376 б.
- 104.** Умари Ҳайём. Рубоиёт. —Сталинобод: 1955. —С.115.
- 105.** Хоразмий, Ҳофиз. Девон. 2 томлик. К.1.—Т.:ЎзКПМК нашр.,1981.—304 б.
- 106.** Хоразмий, Ҳофиз. Девон. 2 томлик. К.2.—Т.:ЎзКПМК нашр.,1981.—312 б.
- 107.** Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. —Т.: “Шарқ”, 2008. —368 б.
- 108.** Шамси Қайси Розб. Ал-мўъҳам. —Д.: Адиб, 1991. —332 с.
- 109.** Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари. Ҳамидула Болтабоев талкинларида.1-китоб; Ўзбекистон миллий энциклопедияси.—Т.: 2008.—426 б.
- 110.** Шевченко Т.Г. Назар дар таърихи адабиёти тоҳик. —Д.: Ирфон, 1966. —С.152-170.
- 111.** Шерхон ибн Аҳмад Лудб. Миръот ул-хаёл. ТожФАШИ, № 1996. —В.56 а.
- 112.** Шомуҳаммедов Ш. Ҳазиналар жилоси. —Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1981. —Б.77.
- 113.** Шукуров Н, Холматов Ш. Адабиётшуносликка кириш. —С.: 1974. —Б.17-68.
- 114.** Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. —Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. —Б. 20-115.

- 115.** Шукуров Н., Хотамов Н., Холматов Ш., Махмудов М. Адабиётшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1979. – 230 б.
- 116.** Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҳик. Иборат аз 3 ҳилд. Ҳилди 1. –Душанбе: Сарредакцияи илмии энциклопедияи советии тоҳик, 1988. –544 с.
- 117.** Энциклопедияи советии тоҳик. АФРСС Тоҳикистон. Том 3. –Д.: 1981. – 640 с.
- 118.** Якубовский А. Ю. Черты общественной и культурной жизни эпохи А. Наваи/ Сб: “Алишер Навои”. –С. 16.
- 119.** Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. Т.1. –Т.: Ўздавнашр, 1959. –460 б.
- 120.** Қабул Мухаммад. Ҳафт қулзум, VII қисм, Лакҳнав. 1230 ҳижрий. –В.52.
- 121.** Қаюмов А.П. Қўқон адабий мұхити. –Т.: ЎзФА нашр., 1961. –350 б.
- 122.** Кобулий, Абдулло. Тазкират-ут-таворих. ТожФАШИ, № 138. –В.45
- 123.** Қораев Т. Навоий ва бухоролик ўйирлар // Гулистон. –Тошкент, 1968. № 3, –Б.15.
- 124.** Қораев Т. Хўжа Исмат Бухорий// Гулистон. –Т.: 1970. № 9. –Б.9.
- 125.** Қораев Т. Хўжа Исмат Бухорий. Ўзбек совет энциклопедияси, 14 томлик. 5-том. –Т.: Фан, 1974. –Б. 214.
- 126.** Қораев Т., Воҳидов Р. Навоий улуғлаган шоир// “Бухоро ҳақиқати”. 1974.
- 127.** Қораев Т. Танланган асарлар. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. –312 б.
- 128.**Faфур Ғулом. Шарқ назми осмонининг икки порлок қуёши. Адабий-танқидий мақолалар. 2-китоб. –Т.: 1973, –184 б.
- 129.** Ғиёсуддин, Мухаммад. Ғиёс ул-луғот. Дар се Ҳилд. Ҳилди 2. –Д.: Адиб, 1988. –416 с.
- 130.** Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1996. –161 б.
- 131.** Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи.–Т.:Фан,1970.–Б.37
- 132.** Ҳаёт васфи/Таҳр. Ҳайъати: А. Қаюмов ва бошқалар; Масъул мухарр.

Б. Раҳмонов; Сўз боши Э. Аҳмадхўжаевники/.Ҳофиз Хоразмий, Саккокий, Атоий, Гадоий.Faфур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. –Т.: 1988. –704 б.

133. Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. –Т.: Фан, 1981. –36 б.

134. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. –Т.: Шарқ, 1999. –177 б.

135. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми. –Т.: Шарқ, 1999. –95 б.

136. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. –Т.: Фан, 1970. –Б.60.

137. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1983. –310 б.

138. Ҳофизи Шерозб. Куллиёт. –Д.: Ирфон, 1983. –672 с.

139. Ҳусайний Атоуллоҳ. Бадойиъу-с-санойиъ. (Аруз ва бадиий воситалар хақида). Форсчадан Алибек Рустамов таржимаси. –Т.: Faфур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. –271 б.



yes I want morebooks!

Buy your books fast and straightforward online - at one of world's fastest growing online book stores! Environmentally sound due to Print-on-Demand technologies.

Buy your books online at
www.morebooks.shop

Kaufen Sie Ihre Bücher schnell und unkompliziert online – auf einer der am schnellsten wachsenden Buchhandelsplattformen weltweit! Dank Print-On-Demand umwelt- und ressourcenschonend produziert.

Bücher schneller online kaufen
www.morebooks.shop

KS OmniScriptum Publishing
Brivibas gatve 197
LV-1039 Riga, Latvia
Telefax: +371 686 20455

info@omnascriptum.com
www.omnascriptum.com

OMNI**S**criptum



